R 496
1982/10

ГУЛИСТОН

10
1982

1. Жиззах область, Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли совхоз директори Умаркул Жўракулов. 2. Пропагандист Жўра Эшмуродов агитаторлар билан суҳбат ўтказаётир. 3. Совхознинг 5-бўлими бошқарувчиси Раҳмон Эшмуродов билан илғор механизатор Ўрол Шодмонов бу йилги ҳосилнинг чўғидан мамнунлар. 4. Совхоз маркази йилдан-йилга ободонлашиб бораётир.

Ж. Тўраев фотолари

1

3

2



4

БЕШ ЙИЛЛИК РЕЖАЛАРИ АМАЛДА

НОВАТОРЛАР

ГБ УзССР
Ж

Очиғини айтганда, бу завод авваллари областдаги қолоқ корхоналардан бири ҳисобланиб келинарди. Шокиржон Аҳмаджонов директор бўлиб келгунга қадар ишчи-хизматчиларнинг қўнимсизлиги ҳам авжига чиққан эди. Ҳатто янги директор иш бошлаганининг эртасига цех бошлиқларидан бири ишдан бўшаш ҳақида ариза кўтариб келди. Аҳмаджонов ундан бироз ранжиди: «Бизга ёрдам бериш ўрнига кетиб қолаётганингиз нимаси?»— деди. Цех бошлиғи эса, бу корхонада ишнинг яхшиланишига ишончи йўқлигини айтди.

Бу воқеа Шокиржон Аҳмаджоновни ўйлантириб қўйди. Ҳақиқатан ҳам корхонадаги аҳвол яхши эмасди. Завод иқтисодий жиҳатдан заиф. Ҳовлидаги ремонт учун келтирилган машиналарнинг сони эса 220 тага етибди. Ҳалигидай аризаларнинг ёзилишига ҳам буюртманинг кўпайиб кетгани, заводдаги ўртоқларнинг кўрпага қараб оёқ узатмагани сабаб бўлса керак-да... Майли, кетмоқчи экан, қайтариб бўладими?..

Аҳмаджонов цехларни айланиб ишчилар билан суҳбатлашиш, корхонани оёққа турғазиш йўлларини кўп билан кенгашиб аниқлаш учун ташқарига чиқди. У тиклаш ва ремонт қилиш цехига кирди. Шокиржон шу бўйи то қоронғу кечгача цехлар билан танишди, иш устида ишчилар билан гаплашди. У ишлаб чиқариш жараёнлари билан, одамлар билан чуқурроқ танишган сайин корхона тўғрисидаги, унинг истиқболи ҳақидаги тасаввури кенгайиб, режалари тобора тиниқлашарди.

Янги директор Автомобиль транспорти министрлигидаги раҳбар ўртоқларга цехларни қайта қурмай, корхонадаги аҳволни ўнглаб бўлмаслигини тушунтирди; ремонт учун тегишли маблағ ажратишларини, зарур ёрдам кўрсатишларини сўради. Министрликдагилар янги директорнинг талабларини инобатга олишди. Ҳадемай цехларни қайта қуриш ишлари бошлаб юборилди. Аввалари машиналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар ҳам етишмасди. Бора-бора бу соҳада ҳам ишлар юриша бошлади. Аммо барибир етишмовчилик давом этарди.

Бир куни Аҳмаджонов ўз ҳузурига корхонанинг етакчи мутахассисларини тўплади. Улар билан эҳтиёт қисмлар етишмовчилигини ҳал қилиш ҳақида фикрлашди.

— Корхонамиз ҳар йили давлатдан металл оладими?— деди директор тўпланганларга тикилиб.

Ҳамма бараварига «ҳа» деди. Директор гапини тасдиқлатиб олгач, асосий мақсадга кўчди:

— Хўш, ўша металлни икки баравар кўпайтириб олсак қалай бўларкин?

— Бераётганини ҳам уддасидан чиқа олмаяпмиз. Нимага ишлатишни билмай гарангмиз,— деди йиғилганлардан кимдир.

— Ҳамма гап материални қандай мақсадда ва ўринли ишлатишда-да,— деди директор сал қизишиб.— Биз металлни оляпмиз-у, ундан фойдаланишни билмаяпмиз. Ўша металлдан машиналар учун зарур эҳтиёт қисмларни ўзимиз тайёрласак бўлмайдими? Керак бўлса ўшанақа участками, цехми қурамиз...

— Тайёрлаш мумкин,— дейишди ўртада ўтирган уч-тўрт киши.

— Демак, келишдик. Махсус цех ташкил қиламиз унда. Металлардан зарур қисмларни давлат стандарти талаби даражасида тайёрлашга киришамиз.

Шундай қилинди. Дастлаб буфер тайёрлаш зудлик билан йўлга қўйилди. Бу деталлни тайёрлашни ўзлаштириш билан машиналар ремонти анча тезлашиб кетди. Директор энди каттароқ ишга кўл урди. Кузови пачақланиб ремонтга келган машиналар анчагина. Кузов эса Москвадаги 5-авторемонт заводидан олинади. Нега энди уни шу ерда тайёрлаш мумкин эмас? Янги цех ташкил этиш мумкин-ку...

Энди Шокиржон Аҳмаджонов шу хусусда бош қотира бошлади. Бу ишни тезроқ йўлга қўйиш учун тажриба алмашиш мақсадида у Москвага йўл олди. Москвадаги 5-авторемонт заводининг директори ўртоқ И. Яблонский Андижондан келган ҳамкасбини илиқ кутиб олди. У Шокиржон Аҳмаджонов кузов етишмаётганлигидан нолиса керак, деб кутган эди. Ҳа, одамлар унинг ҳузурига аксарият буюртма ташвиши билан келади. Асакалик директор эса бошқа мақсадда келган эди. Аксинча, у Яблонскийдан кузовларни олмаслигини, уни ўзларида ишлаб чиқаришга киришмоқчи эканини айтди. Шунда Яблонский ишонқирамай:

— Ростданми? Ғайратингизга балли, — деди у Аҳмаджоновга самимий юзланиб.

— Албатта, ҳали ташвиш кўп. Сизларнинг тажрибаларингизни ўрганиб кетиш учун келдик,— деди Аҳмаджонов ўйчан ҳолда.

— Қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз, ўртоқ Аҳмаджонов.

Ленинск авторемонт заводини қайта қуриш шу тариқа давом этди. Йиллар ўтган сари корхонада тайёрланаётган эҳтиёт қисмлар сони ортиб, унинг номенклатурасидаги сони 150 тага етди. Лекин директор бу кўрсаткични марра деб ҳисобламади. Асосий марра олдинда эди. Заводни қайта қуришдан сўнг корхонанинг қуввати икки баравар ошди. «ЗИЛ — ММЗ-555» ва «ЗИЛ—130» маркали юк ташувчи машиналар вақтида ремонтдан чиқариладиган бўлди. Буюртмачилар сафи Урта Осиё республикаларидаги автобазалар ҳисобига орта борди.

— Барвақт ремонт қилинди, деган гап илғор корхона ходимларини ҳеч қачон қониқтирмайди. Буюртмачилар машинани топшириб, шу заҳоти ремонтдан чиқариб қўйилганини олиб кетиши керак! Бу билан давлат маблағи, энг муҳими буюртмачиларнинг вақти тежалади. Бутун ҳаракатни, имкониятни шу мақсадга йўналтирди директор.

Орадан кўп ўтмай заводда шунга эришилди. Ҳозир ремонтга келаётган машиналарнинг салкам юз проценти худди шу йўл билан янгиланмоқда. Бунинг учун ўнлаб машина эскисига алмаштириш учун олдиндан тайёрлаб қўйилаётир. Яқинда бу ерда яна бир муҳим ташаббус бошланди. Завод ишчилари тегишли автобазаларга ремонтдан чиқарилган машиналарни элтиб бериб, у жойлардан шалоғи чиққанларини олиб кела бошладилар. Республика Автомобиль транспорти министрлигининг коллегияси асакалик ишчиларнинг ташаббусини маъқуллади ва уни бошқа ремонт заводларида ҳам жорий қилишга тавсия этди.

Шокиржон Аҳмаджонов завод мутахассисларининг кучига суяниб, ҳамон изланишда. Энди у машиналарнинг двигателлари ремонтини ташкил этиш ҳаракатида. Ҳозирча двигателлар Тошкент ва Самарқанд заводларида ремонт қилинаяпти. Тошкентдан двигатель келтириш учун бир йилда икки юз эллик марта бориб келиш керак. Шу ҳисобга 100 тонна бензин сарфланади. Директор иқтисодий таҳлил билан иш кўрди. Ҳозир кадрлар малакаси ошган, улар билимдон, қодир ва қобил одамлар. Двигатель ремонти ҳам ўзлаштирилса бўлади. Директор шундай қатъий ният билан иш бошлади. Мазкур корхонада шу тариқа Самарқанд авторемонт заводидан двигатель келтириш ташвишидан, айниқса харажатидан халос бўлинди. Шу ҳисобга 250 минг сўм маблағ тежаш имконияти яратилди.

Шокиржон Аҳмаджонов фақат ишлаб чиқариш ҳақидагина қайғурмайди. У энг аввало одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилади, уларнинг орзу-умидлари, мақсад ва интилишлари ҳақида бош қотиради. Шуни айтиш кифояки, заводда цехлар кенгайтирилгач, уларнинг барчасида дам олиш хонаси ташкил этилиб, улар телевизор, холодильник, шахмат-шашка каби керакли жиҳозлар билан таъминланди. Цехлар қошида теплицалар қурилган. 22 сотихли майдонни эгаллаган яшил цехда қишин-ёзин сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда. Бу ерда бир ишчига 20 килограммдан маҳсулот тақсимланаётир. Шунинг учун ҳам завод республика Автомобиль транспорти министрлиги томонидан юксак маданиятли корхона деган номга сазовор бўлди

Ишчилар, инженер-техник ходимлар ҳар бир корхонанинг олтин фондидир. Ғани Исмоилов, Виктор Королев, Раим Қодиров каби коммунистлар ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда директор билан бир сафда, ишчилар билан ёнма-ён изланиб меҳнат қилмоқдалар. Виктор Дорошенко, Энвер Халитов, Анатолий Черняев каби новатор ишчилар эса ҳар бир янгиликни жорий этишда фидойилик кўрсатмоқдалар. Ана шундай ажойиб кишиларнинг самарали меҳнатлари, коммунист Шокиржон Аҳмаджонов каби омилкор раҳбарнинг тадбиркорлиги туфайли корхона илғорлар даражасига кўтарилди. Бу ерда қисқа муддат ичида маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи беш миллион сўмга етди. Ваҳоланки, директор янги иш бошлаган кезларда бу рақам атиги икки миллион сўмни ташкил этарди. Корхона илғари фойда кўриш ўрнига давлатдан қарздор бўлиб қоларди. Энди эса, заводда йилига салкам 800 минг сўм фойда олинаётир.

...Директор Шокиржон Аҳмаджонов цехларни айланиб юрибди. Эҳтимол, шу топда у бўяш цехини қайта қуришни режалаштираётгандир. Балки, ишчилар учун спорт комплекси қурилишини ўйлаётгандир. Булар эҳтимолдан ҳоли эмас. Ишчан раҳбар доим янгилик қидиради, ишчиларни меҳнатга ижодий ёндашишга даъват этади.

Муқимжон НИЁЗОВ

Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли совхоз — Жиззах чўлидаги илғор хўжаликларда бири. Совхоз чорвадорлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларни жавобан гўшт ва сут етиштиришни янада кўпайтириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Пахтачилик ва чорвачиликдан келаётган даромад совхоздаги ишчи ва хизматчиларнинг мада ний турмуши даражасини оширяётир.

Муқованинг иккинчи бетидаги суратлар совхозда амалга оширилаётган эзгу ишлардан ҳикоя қи лади.

Ж. Тўраев фотолари

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 10 (392)

Октябрь

1982

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

АСРЛАРГА ТЕНГ ЙЎЛ

СССРнинг 60 йиллиги олдидан

Салим ПЎЛАТОВ,

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта-махсус таълим министри

Владимир Ильич Ленин янги жамиятни фақат замонавий билимлар асосидагина қуриш мумкин, деган фикрни бир неча бор таъкидлаган эди. Ҳозир, бутун совет халқи социалистик республикалар қардошлик иттифоқининг шонли олтмиш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган бир пайтда буюк доҳиймиз Владимир Ильичнинг бу башорати, олдиндан кўра билиш фазилати қайта-қайта тасдиқланаётир.

Ўзбек халқининг маориф соҳасида эришган мислсиз ютуқлари ҳам бу фикрнинг яққол мисоли бўла олади. Ҳолбуки, революциядан илгари Туркистонда чиқадиган газеталар бу ўлкада саводсизликни тугатиш учун энг камида 1600 йил керак, деб ёзган эдилар!

Мана, ҳозир ёшларга Ўзбекистон олий таълим бериш даражаси бўйича аҳоли сонига нисбатан Франция, ГФР, Япония, Англия каби ривожланган мамлакатлардан анча юқори турибди. Ваҳоланки, 60 йил — тарих учун унча катта муддат эмас.

Ҳозир қуёшли республикамизда 280 минг ёш ўғил-қиз олий мактабларда таҳсил кўраётир, 240 минг ўғил-қиз техникумларда ўқиётир. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини ҳар йили 110 минг мутахассис битириб чиқаётир. Шуни ҳам айтиш керакки, кейинги ўн йил ичида халқ хўжалигида ишлаётган дипломли мутахассислар сони икки баравар кўпайди. Ўзбекистонда ишлаётган ҳар минг кишидан 102 киши олий маълумотлидир. Ҳозир Ўзбекистонда инженерлик, агрономлик, педагоглик, тиббиёт ва иқтисод билимларини эгаллаган кишилар чор Россиясидаги барча мутахассисларга нисбатан беш баробардан ошиқроқдир.

Жонажон республикамизга Ленин ордени топширишга бағишлаб Тошкентда ўтказилган тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Ўзбекистоннинг илм-фан соҳасида эришган ютуқлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. У: «Совет Ўзбекистони доимо СССРдаги барча қардош халқлар билан ёнма-ён, узвий бир сафда борганлиги учун ҳам у ўтмишдаги қолоқликдан шу қадар тез кўтарилиб, ҳар томонлама ривожланган, гуллаб-яшнаган республикага, Шарқдаги энг илғор давлатлардан бирига айланишга муваффақ бўлди», деди.

Ҳақиқатан ҳам Совет Ўзбекистонида юз берган кўплаб улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари ленинча миллий сиёсатнинг тантанасидан, қардош халқларнинг, энг аввало рус халқининг беғараз ёрдамидан далолат беради. Ёш мамлакат учун энг оғир кечган гражданлар уруши йилларида дорилфунун очиш мақсадида Туркистонга юборилган «Ленин поезди»ни яна бир бор эсга олайлик. «Ленин поезди» деб аталган эшелоннинг 65 вагонида 50 минг жилд дарслик ва лабораториялар учун жиҳозлар мавжуд эди. Тошкентда дорилфунун ташкил этиш учун 82 олим келганди. Улар орасида фақат Россияда эмас, балки Европада ҳам машҳур бўлган олимлардан зоолог Д. Н. Кашкаров, географ Н. Л. Корженевский, биолог А. Р. Бродский, шарқшунос А. Э. Шмидт, тупроқшунос Н. А. Димо ва бошқа кишилар бор эдилар. Шунинг учун ҳам ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкент Давлат дорилфунунини «Бутун Ўрта Осиё учун кадрлар ўчоғи», деб атади. Ўзбекистоннинг барча олий ўқув юртлари, шунингдек Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистондаги баъзи олий ўқув юртлари амалда мана шу дорилфунун базасида ташкил топди.

В. И. Ленин, инқилобдан кейин фақат аҳолининг юқори саводлилиги, уларнинг замонавий билимларни эгаллашларигина халқ ҳаётини тубдан ўзгартира олади, усиз янги жамият қуриш мумкин эмас, деган фикрни илгари сурган эди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги, жумладан Ўзбекистондаги ўрта ва олий ўқув юртларининг гуриллаб ўсиши, бу соҳадаги тараққиёт бутун дунёни ҳайратга солаётир. Эндиликда биз ўз тажрибаларимизни ривожланаётган мамлакатлар билан баҳам кўрмоқдамиз. Республикамиз ўттиз йилдан зиёдроқ вақтдан бери Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги 75 давлатга мутахассислар тайёрлаб бераётир.

Одатда, жамиятнинг тараққиёт даражаси хотин-қизларнинг ҳаётда тутган ўрнига қараб белгиланади. Ўзбекистонда ҳозир барча соҳа мутахассисликлари бўйича хотин-қизлар актив фаолият кўрсатаётирлар. Республикамизда хотин-қизлардан 60 киши академик, профессор, 112 киши фан доктори, 3368 киши фан кандидатидир. Улар эркаклар билан бир қаторда илмий-техника тараққиёти учун олдинги сафларда кураш олиб бормоқдалар, партия даъватларини ҳаётга тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш ва республикамиз меҳнаткашларининг маънавий ҳаётини гуллатиш учун ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Республикамиз экономикаси ва маданиятини юксалтиришда, илмий-текшириш тажрибаларининг самарадорлигини оширишда фан тараққиётининг кучи йилдан-йилга яққол сезилаётир. Ўтган йили олий ўқув юртларидаги илмий-тадқиқот ишларига сарфланган маблағнинг ўзи 15 миллион 300 минг сўмга етди. Олимларимиз кўтараётган муаммолар кўлами жуда катта: пахтанинг янги хилларини «конструкциялаш», лазер техникасини ривожлантириш, қуёш энергиясидан халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш, ғўзани комплекс механизациялаштириш, ўсимликлар химияси ва ҳоказо...

Самарқанд Давлат университетининг ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси оқдарёлик қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан биргаликда ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш методлари бўйича катта ишларни амалга ошираётир. Олимлар билан деҳқонларнинг яқиндан ҳамкорлиги туфайли бу борада ҳар йили миллионлаб сўм маблағ тежалмоқда. Бу янги метод Болгарияда, Югославияда, Кубада муваффақият билан ўрганилмоқда. Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти билан Тошкент Тўқимачилик комбинати ўртасидаги алоқа, шунингдек, Тошкент дорилфунуни билан Олмалиқ Кон-металлургия комбинати орасидаги самарали ҳамкорликлар олимлар билан ишлаб чиқариш эгалари ҳамкорлиги учун ибрат бўла олади. Олимларнинг таклифларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этишдан келган фойда ўтган йили министрлик бўйича 2,8 марта ўсди. Сарфланган ҳар бир сўм 5 сўм 60 тийинга ўсди. 1980 йили олимларимиз ва студентларимиз 226 та авторлик гувоҳномалари ва 2 та кашфиёт патентларини олдилар.

Шуни айтиш керакки, уч омил — маълумот, тарбия, фан — Ўзбекистон олий ўқув юртлари фаолиятида муқим бўлиб қолди. Педагоглар студентларнинг дунёқарашида гражданлик туйғусини ўстириш, уларда бурчга садоқат фазилатини шакллантириш, уларнинг маънавий маданиятларини ошириш борасида катта ишлар қилмоқдалар. Чунки инсон ўз меҳнатининг моҳиятини, аниқроғи меҳнатидан жамият учун келадиган фойдани англагандагина ундан роҳатланади.

Ёшларни ғоявий содиқ, мустаҳкам иродали кишилар қилиб етиштиришда ижтимоий фанлар кафедралари, партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари катта роль ўйнайдилар. Шу боисдан барча олий ўқув юртларидаги студентлар маркса-ленинча назарияни, партия ва ҳукуматимиз қарорларини чуқур ўрганадилар.

Йигит-қизларга иккинчи ижтимоий касб эгаллаш учун ҳам имконият яратилган. Бунинг учун ҳар бир институт қошида журналистика, эстетика, илмий атеизм, лектор-тарғиботчи мактаблари ташкил этилган. Фақат Тошкент Политехника институтининг ижтимоий касблар факультетида ўтган йили 2634 киши ўқиди. Мазкур институтда студентларнинг сиёсий маориф клуби мунтазам иш олиб боради. У ерда ёшлар савол-жавоб кечалари, қизиқарли учрашувлар, баҳслар ўтказадилар, кинофильмларни муҳокама қиладилар. Энг фаол студентларга «Беруний номли ТошПИ жамоат ташкилотлари мукофоти лауреати» деган ном берилади.

Ҳозир Тошкент Давлат университетининг ўқув корпуслари, Тошкент ва Фарғона политехника институтларининг, шунингдек, Тошкент Халқ хўжалиги, Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтларининг бинолари жадал қурилаётир. Тошкент шаҳри марказида ажойиб лойиҳа бўйича Автомобиль-йўллар институтининг ўқув комплекси қад кўтаради. Унга 9,5 миллион сўм сарфланади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, республикамизнинг барча олий ўқув юртлари чиройли, замонавий биноларга жойлашган. Нукус Давлат университетининг лойиҳасини тузган ва қурган бир группа лойиҳачилар ва қурувчиларга 1981 йили СССР Министрлар Советининг мукофоти берилиши бежиз эмас.

Тошкент Давлат университетининг студентлари яқин келажакда ҳар бири 220 ўринли бешта ётоқхона биносига, манзарали жой — Юсупхонада спорт-соғломлаштириш лагерига ва минг томошабин сиғадиган стадионга эга бўладилар. Ўқитувчилар эса иккита 100 квартирали турар-жой биносига кўчиб ўтадилар. Бошқа олий мактаб студентлари, техникум ўқувчилари ҳам, шунингдек, замонавий, яшаш, дам олиш, дарс тайёрлаш учун қулай бўлган янги ётоқхоналарга жойлашадилар.

Кези келганда студентларнинг умумий овқатланишларини яхшилаш мақсадида Тошкентда махсус студентлар ошхоналари ташкил этилганлигини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.

Сўнгги пайтларда ўқув юртлари ёнида парник хўжаликли умум полиз майдонлари ташкил этишга ҳам киришилди. Бу мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга оширишга бизнинг қўшган кичкина ҳиссамиз бўлади. Энди студентлар дастурхонидан йил бўйи кўкатлар, витаминлар аримайди. Биз йигит-қизларнинг бўш вақтлари сермазмун ўтиши учун хилма-хил тадбирлар ишлаб чиқаётирмиз.

Кейинги вақтларда олий ўқув юртларимизда фахрланса арзийдиган аълочи студентлар сафи тобора кенгайиб бораётир. Ўтган йили ЎзССР Олий таълим министрлиги системасидаги олий ўқув юртларининг 14 мингдан ортиқ битирувчиси ўз имтиҳон ва диплом ишларини аъло ҳамда яхши баҳоларга топширдилар. 2100 дан ортиқ студент эса имтиёзли диплом олишга муваффақ бўлди. Олий ўқув юртларини битирган ва битираётган йигит ва қизларимизнинг Ўзбекистон олий таълим даргоҳларининг шон-шарафини кўтаришларига, ўзларининг бутун куч ва билимларини республикамиз экономикасини мустаҳкамлашга, интеллектуал ва маънавий қудратини оширишга сарф этажакларига ишончимиз комил.

Кўп миллатли мамлакатимиз 60 йил ичида буюк ибратли йўлни босиб ўтди. Бу йўл асрларга тенгдир. Улуғ Ленин ғояларининг ҳаётбахш куч ва қудрати ҳамда КПССнинг ленинча миллий сиёсати принципларини мунтазам ривожлантирилиши туфайлигина бу йўлда оламшумул муваффақиятларга эришилди. В. И. Лениннинг Совет Шарқи халқларининг келажаги ҳақида башорат қилиб, бу ерда кишилар янги ҳаётнинг мустақил қатнашчилари, ижодкорлари бўлиб оёққа турадилар, деб айтган сўзлари амалга ошди.

А. Пушкарев фотоси

ИККИНЧИ КОСМОНАВТ ҚИЗИМИЗ СВЕТЛАНА САВИЦКАЯ

Совет космонавтикаси яна бир улкан ғалабани қўлга киритди. Самовий фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1982 йил 19 август Москва вақти билан соат 21 дан 12 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз Т-7» космик кемаси учирилди. Унинг экипажи аъзолари орасида иккинчи совет фазогир аёли самога парвоз қилди! Космик кемани командир — икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси, полковник Леонид Иванович Попов, бортинженер, техника фанлари кандидати Александр Александрович Серебров ҳамда тадқиқотчи космонавт Светлана Евгеньевна Савицкаядан иборат экипаж бошқарди.

Маълумки, бундан салкам йигирма йил олдин — 1963 йил 16 июнда аёллардан жаҳонда биринчи бўлиб ватандошимиз Валентина Владимировна Николаева — Терешкова «Восток-6» космик кемасида (В. Ф. Быковский билан бирга) самони забт этган эди. Мана энди мамлакатимизнинг жасур тадқиқотчи фазогир аёли С. Е. Савицкая жаҳон халқлари эътиборини ўзига қаратди.

Дарҳақиқат, бу совет қизининг босиб ўтган йўли ҳам жасоратга тўла. Ваҳоланки, Светлана Евгеньевна ҳали жуда ёш — 1948 йил 8 августда Москвада туғилган. У ёшлигидан авиация спорти турлари билан шуғулланди. СССР ДОСААФ Марказий учувчилик техника мактабини ҳамда Серго Оржоникидзе номидаги Москва авиация институтини битирганидан сўнг инструктор-учувчи бўлиб ишлади. 1976 йилдан синовчи-учувчилик билан шуғуллана бошлади. У йигирма хилдан кўп самолётларни ўзлаштирган, 1500 соат учган ва «Иккинчи класс синовчи-учувчи» малакасига эга. Светлана Евгеньевна авиацияда 18 марта жаҳон рекордини қўйган, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастеридир. 1970 йилда олий пилотаж юзасидан жаҳоннинг мутлақ чемпиони бўлди. Тадқиқотчи космонавт сифатида «Союз-Т» кемаси ва «Салют» орбитал станциясида учишга тайёргарлигини тўла курсини битирди.

Учиш программасига мувофиқ «Союз Т-7» космик кемаси «Салют-7» «Союз Т-5» орбитал комплекси билан туташтирилди. Космик кема экипажи Попов, Серебров ва Савицкая ўртоқлар 1982 йилнинг 14 майидан бери орбитал комплекс ичида ишлаб келаётган Березовой ҳамда Лебедов билан биргаликда илмий-техник ва табобат-биологик тадқиқотларни, синов тажрибаларини программасини бажардилар. Чунончи, Светлана Савицкаяда вазнсизлик ҳолатига мувофиқлашиш жараёнида бош мияннинг ва вестибуляр аппаратининг сезгирлиги, шунингдек, велоэргометрда жисмоний машқ бажарган чоғи юракнинг биоэлектрик ишчанлиги текширилиб кўрилди.

Леонид Попов билан Александр Сереброва эса, юрак фаолияти характерини ажратиб берувчи «Эхограф» синов тажрибасини ўтказдилар. Бундан ташқари, улар томонидан илмий-техник, «Таврия» биотехнологик синов тажрибалари ва бошқа жуда кўп тадқиқотлар олиб борилди. Синов тажрибаларини жараёнини киноплёнкага ҳамда видеомагнитофонга ёзиб олишди.

Попов, Серебров, Савицкая ўртоқлар она Сайёрамизга ўзларининг «Союз Т-7» космик кемасида эмас, балки «Союз Т-5» космик кемасида қайтдилар. Шу сабабли фазогирлар фазода ўчиб юрган кезлари «Союз Т-7» космик кемасидаги ўз шахсий хоначали тавина курсиларини бўлакларга ажратиб кўчириб олдилар ва «Союз Т-5» кемасининг қўндирилувчи аппаратига олиб ўтиб ўрнатдилар.

Фазогирларимиз белгиланган программани муваффақиятли адо этдилар ва ўзларининг бу парвозлари билан космонавтикамиз тараққиётига катта ҳисса қўшдилар.

Суратда: экипаж командири — икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, биринчи марта 1980 йил «Салют-6» станциясидаги асосий экспедициянинг командири сифатида 185 кун учган, иккинчи парвозида (1981 йил, май ойида) Совет-Румыния халқаро экипажига командирлик қилган СССР космонавт-учувчиси, полковник Леонид Иванович Попов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Светлана Евгеньевна Савицкая, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси, бортинженер Александр Александрович Серебров Космонавтларни тайёрлаш марказида.

Шароф Рашидов

ДИЛ АМРИ

ПОВЕСТДАН БОБЛАР

Атоқли адиб Шароф Рашидов «Дил амри» повестини ёзиб тугаллади. Бу асарда совет кишилари Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган қаҳрамонликлар бадиий ҳаққоний тасвирланади, Коммунистик партияга, она халқига, кўпмиллиатли Ватанга чинакам муҳаббат, садоқат руҳида тарбияланган совет ёшларининг бой ва гўзал ички олами, асл ватанпарварлик намунасига айланган ҳаёти ёрқин бир тарзда ифодалаб берилади. Автор фашизм ёвузликларини фош қилади, шу тариқа асар моҳиятан бугунги куннинг энг муҳим — тинчлик учун кураш масаласи билан уйғунлашиб кетади.

«Дил амри» повести тўлалигича «Шарқ юлдузи» журналида босилади. Қуйида шу асарнинг XXII—XXIII бобларини эълон қилмоқдамиз.

XXII

СТАРОСТА капитан Мейернинг қаҳри-ғазабига учраб, қаттиқ шапалоқ егандан буён юрак касалига йўлиқиб анча ётди. Уйнинг шипига термилиб ётаркан, бошидан кечган воқеаларни бирма-бир эслаб, хаёлидан ўтказарди. У қанча ўйласа, кўнгли шунча қоронғилашиб кетарди, юраги яна сиқилиб, оғриғи зўраярди. Партизанлар қишлоқдан бадарға қилинган коммунистлар ва активларни жазо отряди занжиридан икки марта қутқаздилар. Бунинг учун старостага раҳмат дейишмади, албатта. Немис қўмондонлигига хайрихоҳ бўлган Иринархий бўлса ном-нишонсиз йўқолди. Староста ўз жигарининг ғойиб бўлишидан бутунлай бехабар қолди. Бунинг учун ҳам унинг елкасини қоқишмади, албатта.

Партизанларнинг разведкачилари тун қоронғулигида қишлоққа келиб, ишларини бемалол битириб кетаверадилар. Мартиновнинг келиб кетиши-ку, бутун бир сирли воқеа, ҳайрон бўларли ҳол. Худди кўринмас одамга ўхшаб ҳаракат қилади. Шунча полицайлар кетига тушиб, соқчилик қилиб юрсалар ҳам уни ушлай олмадилар. Ахир, Мартиновнинг боши учун «баҳо» белгиланиб, пул тикилгани бежиз эмас-ку. Унинг келиб кетишини кимдир кўриб, кимдир сезиб қоладию, бироқ бирортаси келиб кетганнинг кимлигини билолмайди, қўлидан тутиб келишга-ку, овора бўлади. Шундан кейин мужмал ахборот бериб, миш-мишлар билан чекланади. Турган гапки, бунинг учун ҳам староста гуноҳкор. Октябрь байрами куни клуб томига қизил байроқни ким ўрнатди? Партизанларми ёки қишлоқдагиларми? Қандай қилиб ўрнатди? Том баланд, нарвони йўқ, клуб ичида бўлса, немис солдатлари истиқомат қиладилар, атрофда соқчилар изғиб юришибди. Ким ва қандай қилиб томга ўрмалаб чиқа олди? Қандай қилиб байроқни ўрнатди? Шундан буён уч ҳафта ўтди. Ҳалигача байроқ қадаган кишининг изи ҳам топилмади, исми ҳам маълум эмас. Аммо капитан Мейердан еган шапалоғининг заҳридан ҳали-ҳали Герасимнинг қулоқ чаккаси ёниб турибди, юрагини безовта қилаётипти. Энг ёмони, капитаннинг ишончидан чиқди, ғазабига учради. Албатта, бу беғамлик учун энг олдин ўзлари гуноҳкор. Ўзлари яшаб турган бинони ўзлари қўриқламасалар, бунгаям староста жавобгарми? Шунча полицайлар соқчилик қилиб юрса ҳам пайқашмабди-ку? Барибир староста ҳам айбдор. Бундан қочиб қутулиб бўлмайди. Ана шуларни ўйлаб, хаёл денгизига ғарқ бўлардию, ўз тақдири қандай бўлиши тўғрисида чуқур ташвиш тортарди.

Йўқ, бу ташвишлар, ички кечинмалар, юраги тўла ваҳималар орқада қолди. Чунки у полицай Дормидонт билан бир қаторда Клаус ва Эберт қанобларидан махфий буйруқ олишга муяссар бўлди. Турган гапки, бундай буйруқ капитан Мейернинг ихтиёрисиз берилмайди. Демак, у ҳали старостага бўлган ишончини йўқотмаган. Староста бўлса, бу ишончни оқлаш учун жони борича тиришади, отаси бўлса отасини, дўсти бўлса дўстини, ҳаттоки фарзандини ҳам аямайди. Бу мураккаб ва қалтис ишга ўғлини тортиши ҳам ана шу важдан.

Ирина Тараснинг севимли дўсти, садоқатли синфдоши, оқибатли қўшниси эди. Тарас унинг ҳар бир сўзини жон озиғидек тинглаб, қонундек қабул қилар, бажонидил бажарарди, унинг айтгани айтган, дегани деган эди. Тарас учун оламда бирдан-бир муқаддас сиймо, табаррук зот Ирина бўлиб, унга бутун борлиғи билан охиригача ишонарди ва ҳеч кимга айтмаган, очмаган сирларини ҳам фақат қизга айтарди. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Онасининг буйруғини ҳам, ўзи ичган қасамни ҳам оқизмай-томизмай Иринага айтди. Ирина шу заҳотиёқ итоаткор дўстининг қўлидан ушлаб, Серёжанинг олдига олиб келди, асаби оловдай ловуллаб, қатъият билан деди:

— Ҳаммасини айт, Тарас, яширма.

Тарас кўзларини Серёжага тикиб, зўр ҳаяжон ичида гапирди:

— Дадам билан полицай Дормидонт ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни эшитдим,— у томоғига нимадир тиқилиб, гапиролмай қолди. Ирина унга далда берди:

— Яширма, Тарас!

— Клаус билан Эберт...

— Мени осиб ўлдиришга қарор қилганлар, тўғрими?

— Тўғри.

— Мен орқали Шахов ва Мартиновни қўлга тушириб, сўнгра — қонли қарорни амалга оширадилар, тўғрими?

— Тўғри, Серёжа.

— Шахсан Герасим билан Дормидонт изимга тушишган. Тўғрими?

— Тўғри, Серёжа.

— Тарас, дўстим, ҳаммасидан хабарим бор, яширмасдан айтганинг учун миннатдорман.

Акасининг даҳшатли сўзларидан ҳаяжонга келган Ирина сўзга аралашди.

— Серёжа, эсингдами, ҳув анавида, староста ётган хонанинг деворига «сотқин», деб ёзганимизда, бундай ишларда маслаҳат қилиш зарурлигини эслатиб, қаттиқ огоҳлантирган эдинг. Биз иккимиз сенга, «бундан кейин ўзбошимчалик қилмаймиз», деб қатъий сўз берган эдик.

— Эсимда, — деди Серёжа жиддий тусда.

— Қасамингни айт энди, Тарас, яширма, — деди Ирина Тарасга ўгирилиб.

Тарас бошини кўтарди, Серёжанинг катта-катта очилган кўзларига бир қарадию, дарҳол ундан кўзини олди. Орага оғир сукунат чўкди. Тоқати чидамаган Ирина ўтирган жойида қўлини кўтарди, акаси бош эгиб розилик берганидан кейингина одатдагидек ҳаяжон билан сўзлади:

— Тарас отасини чавақлаб ташлашга қасд қилипти. Уйига ҳам ўт қўймоқчи, ўзини ҳам ўлдирмоқчи. Онасининг порлоқ хотираси, руҳи ҳақи шундай қилишга қасам ичган. Онасининг суратини бағрига босиб, қасам ичиб ўтирганини ўзим кўрдим.

Серёжа кўзларини катта-катта очиб, сўради:

— Тўғрими, Тарас?

— Тўғри.

— Бирдамас бирда сенга ёлғон гапирганмидим? — Иринанинг дили оғриди. Серёжа бунга эътибор қилмай, узил-кесил деди:

— Отангни ўлдириш, уйингга ўт қўйиш — буни фақат отряд ҳал қилади. Ўзингга суиқасд қилсанг — бу қўрқоқлик бўлади. Хоинлик ҳам қўрқоқликдан келиб чиқади. Қўрқоқликдан ҳазар қилиш, нафратланиш тўғрисидаги гапларим қулоғингда турсин.

— Шундай қабиҳ отанинг фарзанди бўлишдан кўра ўлиб кетган афзал эмасми?

Серёжа қаттиқ эътироз билдириб, қўлларини Тараснинг елкасига қўйган ҳолда, тушунтирди:

— Энди сен отангнинг ўғли эмас, балки Ватаннинг ўғлисан, халқнинг ўғлисан. Отанг ўз халқига хиёнат қилди, сен бўлсанг, умумхалқ озодлигига, умумватан мудофаасига сафарбар қилингансан. Шунинг учун ҳам отангга қарши исён кўтармоқчисан. Биласанми, дўстим, бу зўр жасорат!

— Мен Ватаннинг ўғлиманми? — Тарас таажжуб ичида сўради. Унинг юрагида шубҳа пайдо бўлганди. — Полицайнинг ўғли Ватаннинг ўғли бўларканми, сўзларингга тушунолмадим, Серёжа, — у ғамгин кўзларини ундан олиб ерга тикди.

— Бошингни кўтар, Тарас! — Хитоб қилди Серёжа. — Мен сенга бўлиб ўтган бир воқеани ҳикоя қилиб берай, сен хаёлингни бир ерга тўплаб, диққат билан қулоқ сол: бу воқеа коллективлаштириш вақтида содир бўлган. Қишлоқ советининг раиси Трофим Морозовнинг икки ўғли бўлган. Каттаси Павлик 13 яшар, актив пионер бўлган. Укаси Федя 8 ёшда бўлиб, ҳамиша акасига тақлид қилиб юрган. Шу қишлоқлик қулоқ Арсентий Игнатьевич Кулуканов Павликнинг отасидан «Камбағал ҳол деҳқон» деган қалбаки ҳужжат олиб, Совет ҳокимияти томонидан камбағалларга бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланиб, ниқоб остида душманчилигини давом қилдираберган. Бундан ўз вақтида хабар топган Павлик тегишли ташкилотларга маълум қилган. Текшириш натижасида Павлик берган маълумотлар тасдиқланиб, отаси Трофим Морозов қамоққа олинган. Ёш пионернинг бу ишларидан қулоқ Кулуканов ва унинг дўсти — Павликнинг бобоси Серёга қаттиқ ғазабга келган ва уни ўлдиришга қарор қилишган.

Қишлоқ чеккасидаги ботқоқликда клюква ғарқ пишган пайт эди. Қишлоқ болалари учинчи сентябрь, якшанба куни клюква теришга чиқадилар. Павлик билан Федя ҳам кун бўйи клюква териб, чарчаб-ҳориб қишлоққа қайтаётганларида, қайинзорда боболари Серёгани, унинг ёнига келаётган Данилани учратадилар. Болалар салом бериб, Серёга бобосига яқинлашадилар, хурсанд бўлиб, терган меваларини кўрсатмоқчи бўлганларида, Серёга бобо Павликни маҳкам ушлайди. Пионер унинг қўлида ярқираб кетган пичоқни кўрадию, укасига қараб қичқиради:

— Федя, қоч!— У ўлим олдида ҳам ўзини эмас, укасини ўйлабди. Федя кучи борича тирқираб қочади, аммо Данила унинг орқасидан қувиб етади. Павлик ҳам, Федя ҳам чавақлаб ташланади. Икки ўғлидан жудо бўлган Татьяна қаттиқ касалга йўлиқади ва декабрь ойигача гоҳ ҳушига келиб, гоҳ ҳушидан кетиб ётади. Сал тузалиб, ўзига келганида кечаю кундуз тепасида парвона бўлиб, навбатчилик қилиб турган пионерлардан қотилларни сўрайди. Болалар унга қотиллар ўлдирилганини хабар қиладилар. Татьяна ўрнидан туриб, дераза олдига келади ва қўшниси Кулуканов уйининг пештоқида «Павлик Морозов номли колхоз правлениеси» деган ёзувни ўқийди.

Совет ҳукуматининг қарори билан Павлик Морозовга пойтахтимиз Москвада ҳайкал ўрнатилди. Шундай виқорли ҳайкал Павликнинг қишлоғида ҳам қад кўтарган. Эндиликда бутун мамлакатимизда минглаб пионер отрядлари Павлик Морозов номи билан аталади. У Ватан ўғли эди. Сен ҳам Ватан ўғлисан.

Бу қиссани ҳаяжон билан эшитган Тараснинг юраги бир хил шубҳалардан бўшади, фахр билан тўлди.

— Энди, Тарас, билиб қўй, жангга кирамиз. Улар бизни эмас, биз уларни ер тишлатамиз. Ҳамма нарса очилган. Бунга бир чеккаси ўзимиз айбдормиз, беғамлик, бепарволик қилдик. Яқинда Ганс саройни тинтиб, бўр қорилган консерва банкасини, ўроқ-болға, юлдуз расмини чизган чўткани, устига қизил алвон солинганда изи қолган газетани топиб олиб, Клаус билан Эбертга топширипти. Қисқа қилиб айтганда, биз қўлга тушдик. Клуб томига қизил байроқни тиккан мен, сен, Ирина эканлиги аниқланган. Биз бу ишни дил амри билан бажарганмиз. Тонмаймиз, тавба қилмаймиз, тиз чўкмаймиз. Жангга кирмоқ дейишим шундан. Бошқа йўли йўқ, дўстим. Ҳозир улар бизнинг изимиздан тўшган бўлса, биз аллақачон фашистларнинг изидан тушганмиз. Жанг беаёв бўлади. Юранинг шавкатли йигитлари ҳам жангга тайёр.

— Қойилман, Серёжа, жанг қиламиз, енгамиз.

Улар бир-бирлари билан қучоқлашиб, ҳар қандай жангу жадалга тайёр бўлишга қасам ичдилар.

XXIII

Қ ИРҚ биринчи йил декабрининг иккинчи куни Берёзовка колхозининг идорасида Ганс оберлейтенант Клаус ҳамда лейтенант Эбертга жуда муҳим бўлган ахборотни берди. Бу вақт ичида капитан Мейер шаҳарда, темир йўл узелида бўлиб ўтган диверсия оқибатларини изчиллик билан ўрганар ва шубҳа остида бўлган темирйўлчиларни сўроқ қиларди. 29 ноябрь куни қоқ саҳарда Шарқий фронтга жўнатилган эшелон кўприк устида портлатилган, унга юкланган яп-янги танклар муз остига чўкиб кетган, эшелонни кузатиб келаётган соқчилар ҳалок бўлган эди. Шунинг учун ҳам капитан Мейер Берёзовкадаги текширишларга шахсий раҳбарлик қилиш имконнятига эга эмасди.

Ганс ҳамон оғзини кўпиртириб ёлғон-яшиқдан афсона тўқир, тўқиганда ҳам ана шу уйдирмаларга ўзи ҳам ора-сира ишониб сўзларди:

— Жаноблар! Фақат кўрганларим ва кузатишларим тўғрисида сизларни хабардор қилмоқчиман. Фюрернинг енгилмас армиясида узоқ йиллардан буён садоқат билан хизматдаман. Шунинг учун ҳам сиз жанобларга фақат ҳақиқатни айтмоқчиман. Гап шундаки, энди партизанларнинг базасини ҳам топиш, раҳбарларини ҳам тузоғимизга илинтириш имконига эгамиз.

— Гапнинг пўскалласини айт!— деди Клаус уни огоҳлантириб. Эберт унга қўшимча қилди:

— Қулфини қўй, калитини берсанг, бас!

Ганс олдинига Клаусга, сўнгра Эбертга ўгирилиб, итоаткорона бошини эгиб, сўзида давом этди:

— Ҳозир, жаноблар, ҳозир, гапнинг ҳам пўскалласини айтаман, қулфнинг ҳам калитини топиб бераман. Сиз жанобларнинг буйруғингизга асосан мен партизанларнинг изидан тушганман. Менинг кузатишларим қандай хулосага олиб келади? Гап шундаки, партизанларнинг разведкачиси ҳар куни кечаси қишлоққа келади ва ўз одамлари билан учрашиб, уларга махфий топшириқлар бериб кетади. Кузатишимча, учрашув фақат бир жойда — Сергейнинг уйида бўлади. Сергей — уларнинг алоқачиси.

— Учрашув ҳар куни бўладими?— сўради Клаус, шубҳали оҳангда. Ганс саволнинг оқимига эътибор қилмай, ўз сўзини такрорлади. Қўлида ручкасини ўйнаб ўтирган Эберт буни сезиб, унга маънодор қараб қўйди-да, кўзойнагини тузатиб сўради:

— Учрашувга қанча киши қатнашади?

— Ҳар ҳолда оз эмас.

— Партизанлардан кимлар келади?

— Бошлиқлари... разведкачилари.

— Бошлиқларими ёки разведкачиларими?

— ...

— Бошлиқлари кимлар?

— Разведкачилари кимлар?

Жуда кўп саволлар жавобсиз қолди. Бироқ ахборотнинг қоронғу жойлари кўп бўлса ҳам, Клаус билан Эберт партизанларнинг бошлиқларини, разведкачиларини тутиш, улар орқали отряднинг базасини топиб, тор-мор қилиш, сўнгра уларнинг қўлга тушган разведкачиларига қўшиб Сергейни ҳам қишлоқ халқи кўз олдида майдонда осиб ўлдириш тўғрисидаги қарорлари бирдан-бир тўғри қарор эканлигига яна бир карра қаноат ҳосил қилдилар.

Энди шу уй жандармерия учун ҳам, жазо отряди учун ҳам ҳал қилувчи нуқта бўлиб қолди. Бутун куч шу нуқтага ташланди. Уйга кимки кириб чиқса, изчиллик билан ҳисобга олинадиган бўлди. Шунинг учун ҳам қаҳратон қишнинг узоқ кечаларида уйнинг ҳовли томонида Герасим билан Дормидонт, кўча томонида эса Юра билан Ганс мизғимай соқчилик қилар эдилар. Уларнинг мақсади, Ганс айтган учрашувлар вақтида қўққисдан уйни босиш, разведкачиларни қўлга тушириш ва шу йўл билан партизанларни тор-мор қилиб, разведкачиларини халқнинг кўзи олдида осиб ўлдириш эди. Бу ҳам капитан Мейернинг ибораси билан айтганда «халқни фюрер ўрнатган тартибга итоат қилдириш воситаси» эди. Герасим билан Дормидонт кечаю кундуз Клаус билан Эбертларнинг буйруғини бажариб, ишончини оқлашни ўйлардилар. Улар ҳовлининг дарёга туташирб кетадиган томонларини навбатма-навбат кўздан кечирар эдилар.

Кечқурун Серёжа икки қўлига икки пақирни кўтариб, қудуқдан сув тортгани ҳовлига чиқди ва Дормидонтга кўзи тушди. Тушдию, бепарво ҳуштак чалиб, уни кўрмаган кишидек қудуқдан сув тортиб, уйга кириб кетди. Дормидонт эса орқасидан ҳўмрайганча қараб қолаверди. «Умринг охирлаб қолди, сўнгги марта ҳуштагингни чалиб қол, партизан», деди у ичида.

Серёжа кеча кечқурун Юрадан «Шавкатли Қизил Армиямиз ҳужумга ўтган, немис қўшинларига зўр талафот етказиб, кундан-кун шаҳар ва қишлоқларимизни озод қилаяпти», деган хушхабарни эшитган эди. У ўзида йўқ шод бўлиб, эртанги ва индинги кунларда бўладиган воқеалар тўғрисида ўйларди. Гарчи у баъзи-баъзида ўзини дор остида фараз қилса ҳам, бўйнига ўлим сиртмоғи солинишини ўйласа ҳам, қалбида қувонч учқунлари чақнаб турарди. Чунки бошланган ҳужум давом этишига, жонажон юртининг озод этилишига, фашизм тор-мор қилинишига қаттиқ ишонарди.

Шу куни кечқурун у Иринани ёнига чақириб, «бугун туғилган кунингни нишонлаймиз», деди. Ирина ҳайрон бўлиб, акасига тикилганча қотиб қолди, сабабини сўрамоқчи бўлиб, энди оғзини жуфтлаганида Серёжа деди:

— Ҳа, бугун туғилган кунинг. Қўшинларимизнинг зўр ғалабасини нишонлаймиз, тушундингми?

— Тушундим.

— Марҳамат қилиб, сен овқатга унна, мен дастурхон тузайман. Тарасни ҳам, старостани ҳам чақирамиз.

— Старостани?

— Ҳа, старостани. Ичириб бир гапга соламиз.

Ирина акасининг планини тушунгач, ошхона кириб кетди, стол ясатилди. Меҳмонлар таклиф қилинди. Тарас келдию староста «гуноҳдан узоқ» бўлишни ўйлади шекилли, келмади. Сергей ўн иккита шамчироқни ёқиб, синглисининг туғилган кунини нишонлади. Аслида дўстларнинг фикри-зикри қизнинг туғилган кунидан кўра шонли армиямизнинг шиддатли ҳужумида бўлиб, озодлик кунлари яқинлашиб келаётганини нишонладилар. Шу билан бирга фашист каллакесарлари тузган ёвуз планни барбод этишга аҳд қилдилар. Шу муносабат билан Серёжа ўзи ёзган қасамёдни мароқ билан ўқиб берди.

«Она-Ватаним! Сенинг шон-шарафинг, бахтинг-саодатинг, озодлигинг, мустақиллигинг учун бир пионер сифатида онт ичаман: немис-фашист босқинчилари томонидан вайрон қилинган шаҳар-қишлоқларимиз ҳақи, уруш оловларида куйиб кул бўлган уй-жойларимиз, завод-фабрикаларимиз, гўзал боғларимиз, ўрмонларимиз ҳақи онт ичаман. Ёвузларнинг қадами етган ерларда тўкилган муқаддас қон учун, отиб, осиб ўлдирилган ва зулм зиндонига ташланган бегуноҳ ота-оналаримиз, ака-укаларимиз ҳақи, таҳқир ва ҳақорат қилинган акаларимиз, опаларимиз ҳақи, ёшлиги қонга белангган, қалбидаги қувончи, лабидаги кулгуси тортиб олинган, мисли кўрилмаган азоб-уқубатларга дучор қилинган болаларимиз ҳақи онт ичаман.

Жаҳон тарихида биринчи марта халққа чинакам озодлик берган, нурли ҳаёт ва фаровон турмуш бағишлаган, инсон қадри-қимматини, ҳақ-ҳуқуқини, шон-шарафини улуғлаган она Ватан ҳақи онт ичаман!

Қон кечиб жанг қилаётган меҳрибон, севимли дадам! Сиз ёзган оташин мактуб кўзимни очди, юрагимнинг энг теран томирларигача етиб борди. Азиз дадажон, берган тарбиянгиз, меҳр тўла ўгит-насиҳатларингиз ҳақи заррача чўчимай мардонавор жангга киришга онт ичдим. Хотиржам бўлинг, синглим Ирина ҳамиша бағримда бўлади. Энди мен фидокор партизанлар қаторида бўламан. Охирги нафасгача босқинчиларга қарши курашаман. Қонга қон, жонга жон! Агар мен ана шу беаёв жангда қўрқоқлик қилсам, орқага чекинсам, ваҳимага тушсам, халқимнинг лаънатига учрай. Жонажон Ватанимиз ва халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун зарур бўлса, муқаддас қонимни, ҳатто жонимни фидо қилишга тайёрман. Фақат шу билан пионерлик бурчимни, фарзандлик бурчимни бажаришга онт ичаман. Фашист босқинчиларга ўлим! Йўқолсин уруш!»

Тун қоронғулигидан фойдаланган партизанлар қишлоқ яқинидаги пистирмаларга жойлашиб, тонг азонида Берёзовка қишлоғини штурм қилишлари лозим эди. Улар Николаев ва Темиров раҳбарлиги остида бу операцияга пухта ҳозирлик кўриб, аллақачон қулай марраларга жойлашиб олган эдилар. Уларнинг ҳужумига алоҳида сигнал асосида қишлоқдаги халқ ҳам кўтарилиб, ёрдам қилишлари назарда тутилган эди.

— Қишлоқ биз айтган дақиқада исён кўтаришга тайёр,— деган эди Мартинов, штабдаги йиғилишда.

Азонга яқин Николаев бошлиқ группа биринчи бўлиб кўтарилади. Мартинов, унинг икки ўртоғи полицай ниқоби остида идора олдида пайдо бўладию, ими-жимида соқчиларни қўлга олади. Шу пайтда Темировнинг группаси шаҳардан қишлоққа борадиган йўлда Клаус билан Эбертни ва уларни кузатиб келадиган солдатларни асир оладилар. Шаховнинг группаси полицай ниқобида қишлоққа кириб боради ва Герасимнинг уйини штурм қилиб, старостани ҳам, унинг уйида истиқомат қилаётган гестапо терговчиларини ҳам уйқуда босадилар. Пухта тузилган бу пла

Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган.

узоқ ўрганилди ва уни амалга оширишнинг бир неча йўллари синчиклаб кўрилди.

Отряд штурмга тайёр бўлганидан кўнгли тўлган Николаев буйруқ қилди:

— Қишлоқни штурм қилишга киришилсин!

Бир зумда ўзи бошлиқ группа қишлоқни айланиб ўтиб, колхоз идорасига яқинлашди. Унинг эпчил йигитлари полицай киймида соқчилар олдида пайдо бўлдилар.

— Ким келяпти?— совуқда қотган соқчиларнинг овози эшитилди.

— Ўзимизникилар, — дея жавоб беришди партизанлар ва соқчиларга яқинлашишлари ҳамон шердай ташланиб, уларни қуролсизлантирдилар. Кетма-кет берилган сигналдан кейин Николаев бошлиқ партизанлар клубга шиддат билан ҳужум қилиб, ундаги фашистларнинг ҳаммасини асир олдилар.

Старостанинг ҳовлисида отишма овозлари эшитилди. Герасим Шаховни таниб қолди ва: «Партизанлар!» дея бақириб унга ўқ узди. Қоронғуликда ҳеч кимни кўрмай, Дормидонт ҳам ўқ уза бошлади. Ганс эса старостанинг овозини эшитиб, ўзини Серёжа турган уйга урди. Кўча томондан эшикни синдириб уй ичига автоматдан ўқ ёғдирди. «Партизанлар шу уйда» деган фикр бутун вужудини қоплаб олганидан, «партизан, партизан!» дея бақиришдан қолмасди. Ўқ ота бориб уйга кирган Ганс гумбурлаб ерга йиқилди. Сергей уни ичкарига киргизиб орқа томонидан бошига таёқ билан қаттиқ урган эди, Ганснинг қўлидаги автомат отилиб кетди ва бошидан қон оқиб, ҳушидан кетди. Сергей билан Ирина унинг оёқ-қўлини маҳкам боғлашди. «Партизанларни дорга осмоқчи эдинг, энди ўзинг дорга осиласан, аблаҳ фашист», деди Серёжа ичида.

Староста ҳам, Дормидонт ҳам отишма вақтида яраддор бўлишди, партизанларнинг қўлига тушди.

Тонг ёриши билан халқ майдонга чиқди. Бировнинг қўлида болта, бировнинг қўлида паншаҳа, чўкич, яна бировнинг қўлида белкурак, мисранг — ҳамма қуролланган. Николаев асир олинган фашистларни ҳам, сотқин полицайларни ҳам, юзидан қон оққан старостани ҳам майдонга олиб чиқди. Колхоз идорасининг зинапоясига чиқиб, энди сўзламоқчи бўлганида Темиров ва унинг партизанлари шаҳар йўлидан ушланган Клаусни, Эберт ва уларни кузатиб келаётган фашист солдатларини боғлаб, майдонга олиб келаётганлари кўринди. Шундай қилиб, партизанларнинг ҳужуми ғалаба билан якунланди. Берёзовка қишлоғи озод қилинди. Фашистларнинг партизанларни қўлга тушириш, раҳбарларини осиб ўлдириш планлари охиригача барбод бўлди. Николаев зинапоядан туриб, баланд овоз билан сўзлади:

— Дўстлар! Бутун совет халқи оғир зиқиб кутган кунлар келди. Шонли Қизил Армиямиз бундан бир неча кун бурун қудратли қарши ҳужумга ўтган эди. Ана шу ҳужумнинг якунлари тўғрисида Совет информбюросининг ахборотини ўқиб беришга рухсат берингиз: «Бизнинг қўшинларимиз ҳужумга кирганларидан кейин 6 декабрдан 10 декабргача аҳоли яшайдиган 400 дан ортиқ жойни ишғол этиб, бу ерларни немислардан озод қилдилар. Немисларнинг шу вақт ичида берган талофатлари фақат ўлганлар бўлиб 85 минг кишидан ортади».

— Дўстлар! Ўша 400 та шаҳар ва қишлоқлар қатори Берёзовка қишлоғи ҳам фашист босқинчиларидан озод қилинди. Сизларни ғалаба билан табриклайман!

— Дўстлар, ўртоқ Сталиннинг тарихий нутқини ҳаммангиз жуда яхши биласизлар. «Душман ишғол қилган районларда, — деган эди ўртоқ Сталин,— душман армиясининг қисмлари билан курашмоқ учун, ҳамма ерда ва ҳамма жойда партизанлик урушларини авж олдириб юбормоқ учун, кўприкларни, йўлларни портлатмоқ, телефон ва телеграф алоқасини бузмоқ, ўрмонларга, омборларга, обозларга ўт қўйиб, ёндириб юбормоқ учун отлиқ ва пиёда партизан отрядлари ва қўпорувчи группалар тузиш керак. Босиб олинган районларда душман ва унинг ҳамма кўмакчилари асло тоқат қилолмайдиган шароит туғдириш, уларни ҳар бир қадамда таъқиб қилиш ва қириб ташлаш, уларнинг ҳамма тадбирларини барбод қилиш керак».

Энди мана бу фашистлар ва уларга сотилиб ўз Ватани ва халқига хиёнат қилганлар трибунал олдида уруш даврининг бешафқат қаттиқ қонунлари асосида жавоб берадилар.

— Хоинларга ўлим!— деган овозлар янгради. Николаев икки қўлини кўтариб, қий-чувни тинчитган эди, худди шу пайтда катта йўлдан шу томонга бурилган машина кўринди. Партизан отрядининг патруллари дарҳол уни тўхтатишди. Ҳамманинг назар-эътибори машинага қаратилган эди. Николаевнинг имоси билан Шахов машина томон югуриб кетди.

Серёжа қай кўз билан кўрсинки, машинадан тушиб, Шахов билан кўришган йигит Омонов эди, ўша Бобоёр Омонов, Иван Иванович билан ғалати тилда гаплашган, болалар учун мўъжизадай бўлиб кўринган учрашувдаги Омонов эди. Иван Иванович ҳам, Миша бобо ҳам, Ирина, Тараслар ҳам хурсанд бўлганларича ундан кўзларини узишолмасди.

Омонов Шахов билан бирга келиб, Николаевга честь берди, қўлига пакет тутқазди. Николаев пакетни очиб, кўз югуртириб чиқдида, унинг бир нима дейишини сабрсизлик билан кутаётган одамларга юзланди.

— Азиз ҳамқишлоқларим, икки хушхабарни Сизларга етказиш билан бахтиёрман, — деди ҳаяжон билан Николаев қўлидаги пакетни баланд кўтариб, — бири — Берёзовка партизан отрядимиз қўмондонликнинг ташаккурига сазовор бўлибди...— Одамлар қарсак чалиб юборишди, хурсанд лик ларидан бир-бирларини табриклаб елкаларига қоқиб қўйишарди. Халқнинг бу қувончи немис офицерлари, солдатлари, улар қаторида турган Ватан хоинларини кўзларига ўқ, таналарига ханжар бўлиб қадаларди.

— Иккинчи хабар,— деди одамлар ғовури босилгач Николаев,— ҳамюртимиз майор Есин муҳим жанговар операцияга моҳирлик билан раҳбарлик қилгани учун Жанговар Қизил Байроқ ордени билан...

Николаев сўзини давом эттиролмай қолди. Шу пайт кўзлари ваҳшиёна қонга тўлган староста пимасининг қўнжидан катта пичоқ чиқариб, бир қадам нарида, Николаевнинг ёнида турган Шаховга шердай ташланди, кўкрагига икки марта пичоқ урди. Кетма-кет Серёжага урмоқчи бўлганида, Юра автомати билан билагига туширди, пичоқ отилиб ерга тушди. Тарас шартта пичоқни олиб, жон ҳолатда отасига ташланди, қоқ кўкрагига пичоқни суқди. Пичоқ шунчалик зарб ва ғазаб билан санчилгандики, бир зумда Герасимнинг кийими, пичоқнинг дастасигача қонга беланди. Болани дарров отасининг устидан тортиб бағрига олган Иван Иванович, дастрўмолчаси билан унинг панжаларини арта бошлади.

Николаев қонга беланган Шаховнинг кўкрагига юзини қўйиб, қучоқлаб олганди. Миша бобо уни оҳиста кўтариб олди. Темиров, Мартинов, Юралар жасадни аравага олишди.

Майдондаги одамлар ҳаммалари Шаховнинг ҳалокати ғами билан чуқур қайғуда турардилар. Сал нарида тилка-пора бўлган старостанинг жасадига ҳеч ким қиё боқмасди.

Бутун берёзовкаликлар гап-сўзсиз, буйруқ-топшириқсиз Шаховнинг жасадини елкаларида кўтариб бораётганлар кетидан ғамгин одим ташлардилар. Серёжа билан Ирина Омоновни икки ёндан қучоқлаб олган ҳолда бошларини эгиб боришарди.

Шаховнинг дафн маросими садоқат, фидоийлик, ватанпарварлик, жасорат-мардликнинг буюк жанговар кучи намойишига айланди. Милтиқлардан бир йўла отилган ўқ овозлари, қабр устида янграган жанговар нутқ, қасамёд сўзлари бутун қишлоқ халқининг фашизм устидан узилкесил ғалаба қозонишига бир жон, бир тан сафарбарлигини тағин ҳам жипслаштирди.

МАРДЛИК-МАНГУЛИК

ИБРАТЛИ ТАҚДИР

Улуғ Ватан уруши даврида мамлакатимиздаги барча эл-элатлар каби Хоразм халқи ҳам минглаб фарзандларини она-Ватан ҳимоясига отлантирди. Уларнинг жангларда кўрсатган жасорати ҳеч қачон унутилмайди. Социалистик Ватанга чексиз муҳаббатни, интернационал бурчга садоқатни жанггоҳларда ёркин намойиш этган баҳодирлар орасида Хазораспнинг алп ўғлонларидан бири Зариф Исмоилов ҳам бор эди. Қатрада уммон акс этганидек, ана шу оддий йигит, ўзбек деҳқони фарзандининг Улуғ Ватан уруши фронтида кўрсатган жасорати халқимиз патонатининг жонли тимсолидир.

У 1942 йили кўнгиллилар қаторида Совет Армияси сафига отланган чоғида 18 ёшда эди.

— Ҳарбий комиссарликдан чақирув қоғози кетишини кутиб ўтирмадик,— дея хотирлайди ўша дамларни Зариф Исмоилов.— Ватан олдидаги бурч бизни фронтга чорлади.

Зариф офицерлар тайёрлаш ҳарбий ўқув юртини момлагач, 1-Украина фронтига юборилди. 3-гвардиячи танк армияси 22-моторлашган ўқчи бригадасида взвод командири қилиб тайинланди.

Ёш офицернинг жанговар йўли Украинани, қарош Польша территориясини фашист босқинчилардан озод қилиш учун бўлган жанглар билан бошланди. Зариф Исмоилов взвод командири сифатида Берлинни забт этиш, Дрезден шаҳрини ва Чехословакия пойтахти Прагани озод қилиш учун олиб борилган аёвсиз жангларда мислсиз матонат кўрсатди. Унинг жанговар йиллар хотира дафтарини варақларканмиз, ўзбек командирининг жасорати кўз ингимизда гавдаланади.

...Маглубият яқинлашгани сари талвасага тушган ашистлар қўшинларимиз ҳужумини тўхтатиш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қиларди. Қўмондонликнинг жанговар топшириғига мувофиқ 1945 йилнинг қаҳратон қиш кунларида Зариф Исмоилов 12 кишидан иборат жангчилар группаси билан Висла дарёсининг нариги қирғоғида, немисларнинг орқа томонида муҳим разведка операциясини ўтказди.

Разведкачиларимиз душманнинг ғарбий фронтдан кўчирилиб, Совет Армиясига қарши ташлашга мўлжалланган бронетанк қўшиклари тўпланаётган нуқталарни аниқладилар ва бундан қўмондонликни огоҳ қилдилар.

...1945 йили 22 апрелдан 23 апрелга ўтар кечаси Берлин яқинидаги канал кўприги учун шиддатли жанг бўлди. Кўприк учун бўлган қаттиқ жангда Зариф Исмоилов взводида фақат тўртта жангчи қолганди. Шу пайтда саккизта немис танки кўприк томонга шитоб билан кела бошлади. Зариф Исмоилов, сержантлар Иван Сердюк, Михаил Степанов танкларга қарши ўт очишди, гранаталар ирғитишди. Улар дастлаб тўртта танкни яксон қилдилар, яна икки танкни портлатдилар. Бу жангда Исмоилов қўлидан яраланди, лекин у жанг майдонини ташлаб кетмади. Шу орада мадад кучлар етиб келди. Фашистларнинг охирги танкидаги жангчилар ҳам таслим бўлдилар.

Батанимизнинг минг-минглаб асл фарзандлари каби Зариф Исмоилов ҳам Улуғ Ватан урушн фронтларида чинакам мардлик, қаҳрамонлик кўрсатиб, буюк ғалабага ўз ҳиссасини қўшди. Кўксини безаб турган жанговар Қизил Байроқ ордени, биринчи даражали Ватан уруши ордени ва медаллар халқимизнинг асл фарзанди Зариф Исмоиловнинг буюк ғалаба йўлида кўрсатган мислсиз жасоратининг тимсолидир.

Жасорат фақат жанг майдонида эмас, балки тинч бунёдкорлик меҳнати жараёнида ҳам туғилади, деган сўзларда бир олам мазмун бор. Кўплар қатори Зариф Исмоиловнинг урушдан кейинги ҳаёти ҳам ибратлидир. Фронтдан ғолиб қайтган Исмоилов Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети физика-математика факультетини тамомлади. Сўнгра ёш авлодга таълим бера бошлади. Мана, орадан йиллар ўтди. У бундай ҳисоблаб кўрса, педагоглик фаолияти 30 йилдан ошибди.

Тиришқоқ, тиниб-тинчимас ўқитувчининг ижодий изланишлари беиз кетмади. 1971 йилда Зариф Исмоилов «Мактабда Эйнштейннинг нисбийлик наза-

ЧИГИТ СОҒЛИҒИ — ДЕҲҚОН КЎНГЛИНИНГ ЧОҒЛИГИ

«Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан Пахта тозалаш саноати министрлиги олимларни жалб этиб, пахта уруғчилиги соҳасидаги ишни кучайтириши, уруғлик чигит тайёрлаш технологиясини такомиллаштириши, асосан биринчи класс уруғлик тайёрлаши зарур».

(Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг
1982 йил апрель Пленуми қароридан)

Яқинда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий марказларининг сафи яна кенгайди: СССР Энергетика министрлигига қарашли Энергетика ва автоматика институти республика Фанлар академияси ихтиёрига ўтказилди. Маълумки, Тошкентда бир неча йиллардан бери ўз фаолиятини давом эттириб келаётган мазкур институтда Иттифоқ миқёсидаги проблемалар билан бир қаторда Ўзбекистонга оид илмий масалалар устида ҳам иш олиб борилаётир. Масалан, бу ерда пахта териш машиналари шпинделларини электр қуввати билан ишлатиш, чигит намлигини тез аниқлаш, юқори қувватли электр майдонида туксиз чигитни саралаш ва калибрлаш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, Ўзбекистон шароитида электр энергиясидан унумли фойдаланиш ва бошқа масалалар илмий жиҳатдан ўрганилаётир. Эндиликда бундай илмий тадқиқотлар миқёси тағин ҳам кенгаяди.

Биз институтда беш-олти йилдан бери олиб борилаётган бир кузатиш ва унинг қувончли илмий натижалари хусусида тўхталмоқчимиз. Яъни суҳбатимиз мавзуи уруғлик чигитнинг энг соғлом ва чидамли навини саралаш ва электр токи билан ишлаш масаласига қаратилади.

...Аслида чигит навини саралаш ҳақидаги ғоя шолидан бошланди. Институтнинг юқори кучланиш лабораторияси мудири Аҳматилла Қудратуллаев ва илмий ходим Лазиз Ғафfoровнинг шолини чиқиндилардан тозалаш ва уларни электр магнит майдонидан ўтказиш бўйича ясаган мосламаси Тошкент дон заводларидан бирида муваффақият билан синовдан ўтди. Унинг саноат нусхаси кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Ҳозир бу мослама Қозоғистон дон заводларида ҳам кенг қўлланилаётир.

Маълумки, 70-йилларда Иттифоқ пахтачилигида ҳар томонлама соғлом, чидамли ва унумли чигитни ишлаб чиқариш, уларни саралаш масалалари устида кўп ишлар амалга оширилди. Ўрта Осиё ва айниқса Ўзбекистон шароити ва иқлимига мос чигитни ишлаб чиқиш мақсадида жуда кўп илмий-текшириш ташкилотлари ва илмий муассасалар ишга киришдилар. Аммо ҳозирги кунга қадар деҳқонларимиз талабини тўла қондирадиган уруғлик чигитнинг юксак намунаси қўлга киритилган эмас эди. Шу сабабли партия ва ҳукуматимиз олимлар диққатини кўпроқ ана шу масалага жалб этди.

Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

1973 йили биз сўз юритаётган институтнинг юқори кучланиш лабораториясида ясалган ускунанинг шолини ажратиш ишидаги илмий кузатишлари муваффақиятли якунланди. Сўнгра мазкур ускунада уруғлик чигитни юқори кучли электр майдонидан ўтказиш ва сифатли саралашни тажриба қилиш ғояси туғилди. Мазкур ғоянинг эгалари дастлаб бу ҳақда институтнинг ўша пайтдаги директори Зарбдор Солиҳовга маслаҳат солишди. У бу фикрни қўллаб-қувватлади. Эндиги навбатда уруғчилик бўйича мутахассислар билан ҳам маслаҳатлашиш керак эди. Энергетик олимлар ўз ташаббусларини машҳур селекционер олим, академик Содиқ Мираҳмедовга айтганларида, олим ушбу ишга қизиқиб қолди ва яқиндан ёрдам беришга киришди.

— Биласизми, — деди Содиқ ака азбаройи қувонганидан, — Тошкент область Янгийўл районида менинг дўстим, «Ленинизм» колхозининг раиси Юсуфжон Толипов деган киши бор. Ана шу киши бизга ёрдам беради.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги министрлиги ҳам уларнинг ташаббусини ижобий баҳолади. Ишга киришилди. «Ленинизм» колхозининг раиси Юсуфжон Толипов ташаббусга қўшилди. Чигитлик уруғни танлаш ва уни қаердан олиш масаласини ҳал қилишда ҳам олимларга Юсуфжон ака ёрдам берди. Улар Чиноз пахта тозалаш заводидан керакли уруғлик чигитни танлашди. Завод директори Шукур Ғуломов олимларни чигит тозаловчи ускуна олдига олиб борди. Жуда катта шовқин билан ишлаётган бу ускуна КСМ—1,5 деб номланар экан. Лойиҳасида кўрсатилишича, ускуна бир соатда 1,5 тонна уруғлик чигитни саралаб бериши керак. Аммо унинг амалдаги кўрсаткичи 650—700 килограммдан ошмасди. Чунки чигит шланглар орқали ғалвирсимон темир сатҳга тушгандан кейин, уруғликдан ажралган туклар тез орада ана шу чигитни ажратиб пастга туширувчи тешикларни бекитади. Шу сабабли бирмунча вақтдан кейин чигитлар ажралмасдан, анчагина қисми чиқиндилар қаторига ўтади. Натижада машина тўхтатилиб, ғалвир тешиклари тозаланади. Бу эса чигит навининг бузилиши, уруғлик чигитнинг кўп сарфланиши, шикастланишидан ташқари вақтни кўп олади. Шубҳасиз, бундай уруғлик чигит экилганда майдонларда ниҳоллар бир текис униб чиқмайди.

Мен олимларнинг янги мослама тўғрисида директорга ҳикоя қилаётган пайтидаги Шукур аканинг чеҳрасига назар солар эканман, унинг кўзларида ўзига хос ёрқинлик, юзида иш манфаатини белгиловчи нур пайдо бўлганлигини сездим:

— Ускунамиз жуда оддий, — сўз бошлади Лазиз Ғафforов, — уруғликка ажратилган чигит махсус йўл орқали юқори кучланиш электр зарядлари бўлган камера — ғалвирлар устига тушади. Уруғлик чигитга электр нури ва заряди ижобий таъсир қилиши бизга кўпдан маълум. Зарядланаётган уруғлик ичида тўклари қатори пучи ҳам мавжуд. Тўқ чигитлар тешиклардан тўғри чизиқ орқали тушса, пучлари енгиллиги туфайли электродлар тортиши натижасида эгри чизиқ билан бошқа қисмга ўтади. Мосламага берилган электр заряд натижасида уруғлик чигит экилгандан кейин ғўза ниҳолининг тез ўсишини таъминласа, бошқа жараёнлар чигитларни бир хил солиштирма оғирликда ва ҳажмда қилиб ажратади. Яъни шикастланган, пуч, яроқсиз чигитлар қолиб, экиш учун фақат соғлом чигит сараланади. Янги мослама бир соатда 1700—2000 килограмм уруғлик чигитни ажратиш имкониятига эга.

Олимлар ўз ихтиролари билан пахтакорлар дилидагини топган эдилар. Эндиги масала уруғликнинг қайси нави ва шаклидагисини танлашда қолганди. Улар пахтакорлар билан маслаҳатлашиб уруғлик чигитнинг «Тошкент-1» навининг туксизланган хилини ускунадан ўтказишга қарор қилдилар. Чиноз пахта заводидан 600 килограммга яқин чигит синаш учун мосламадан ўтказилди ва Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг 26 гектар ерига экилди. Тажриба ўтказилаётган участканинг ёнида таққослаш мақсадида оддий уруғлик чигитдан ҳам экилди. Чигитнинг дастлабки униб чиққан ниҳоллари — умид ниҳоллари эди. Зеро электр зарядидан ўтказилган уруғ 2—3 кун олдин ерни ёриб чиқди. Натижалар бирин-кетин қувонарли бўлиб чиқаверди: мосламада соғлом чигит сараланганлиги сабабли унинг униши 96 фоиз, ўсиши бир текисда, оддий уруғлик чигит ниҳолларидан 5—6 сантиметр бўлиқ эди. Бунинг устига пахта ҳам 3—5 кун олдин пишди, кўсакнинг солиштирма оғирлиги 9 фоиз ортди, бу эса ҳосилдорликни гектарига 5—8 центнергача оширди. Ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олинди.

Бироқ, бу натижа ҳали олимларимиз учун тўла ишонч билан якун ясашга асос бермасди. Тез орада йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилиб, тажриба учун янги районлар танланди. Худди шу йили Жиззах область «Пахтакор» тажриба-хўжалик базасида 70 гектар, Янгийўл районидаги «Ленинизм» номли колхозда 80 гектар ерга чигит экилиб, тажриба давом эттирилди. Натижа кўнгилдагидек бўлди. Илгариги ижобий якунлар янгидан-янги кўрсаткичлар билан тўлди. Айрим ерларда ҳосилдорлик одатдагига нисбатан 10 центнер кўпайди.

Институт олимлари мана тўққиз йилдан буён ўз ускуналарини янада пухта ва аниқлаштириш мақсадида турли ерларда тажриба ўтказмоқдалар. Энг қувонарли томони шундаки, ҳозир институт мосламасидан ўтказилган уруғлик чигитни ўз ерида экиш нияти борлигини билдирган хўжаликлар талайгина. Бу йилги тажрибаларни ўтказишга шароит яратиб берган Чиноз районидаги Охунбобоев номли (раиси К. Азимов), Навоий номли (раиси Х. Акрамов), Карл Маркс номли (раиси М. Абдуллаев) колхозлар шулар жумласидандир.

Мана, бу йилги натижалар ҳам ёмон эмас. Бу йил 8 тонна уруғлик мосламадан ўтказилиб синаш учун экилди. Чигитлар бир текисда униб чиқди, ҳар туп ғўзада кўсаклар сони кўпайди, ҳосилдорлик ошди, уруғлик чигит тежалди, пахта 6—10 кун олдин етилди ва ниҳоят машина териминнинг қулайлигини таъминлади.

Мазкур ихтиро муаллифларининг дастлабки ҳисобларига биноан, агар республикада экиладиган уруғлик чигитнинг барчаси шундай мосламалардан ўтказилса, жуда кам маблағ сарфлаш эвазига ҳар йили фақат ҳосилдорликни ошириш ҳисобидан 70—75 миллион сўмгача соф даромад олиш мумкин экан. Қатор ораларини кесишга сарфланадиган ишчи кучи ва маблағ, уруғликни тежаш ва бошқа жуда кўп ишлар бундан мустаснодир.

— Қувонарли томони шундаки, — дейди институт директори, техника фанлари кандидати Наримон Каримович Муқумбоев, — биз Чиноз пахта тозалаш заводи ва бир неча хўжаликлар билан бу борада ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантириш тўғрисида илмий-техникавий дўстлик шартномасини имзолаганмиз. Бу бизнинг тадқиқотимизни янада кенг планда олиб боришимизга асос бўлади. Аммо тажриба ўтказилаётганига 10 йилдан ошганлигига қарамасдан, пахтачилигимизнинг энг долзарб масаласига бағишланган ушбу тадқиқот ишининг миқёси кенгаймаётир. Институт коллективи ва пахтакор хўжаликлар бир неча марта СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига тажриба ишларини кенг йўлга қўйиш, тадқиқот ишларини тегишли маблағ билан таъминлаш ҳақида мурожаат қилган бўлсалар ҳам ҳануз бу масала натижасиз қолаётир.

Ҳозиргача қилинган тажрибалар Энергетика ва автоматика институти ходимлари томонидан ихтиро қилинган мосламанинг катта иқтисодий аҳамиятини кўрсатиб турибди. Аммо мазкур мосламанинг ишлаб чиқариш вариантини яратиш учун айрим илмий хулосалар, якунлар зарур. Бунинг учун эса, мутахассис кадрлар, маблағ ва энг муҳими, алоҳида эътибор талаб қилинади. Ўйлаймизки, Энергетика ва автоматика институтининг СССР Энергетика министрлигидан ЎзФА қошига ўтиши институтнинг шу каби тадқиқотларига кенг йўл очиб беради.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ

риясини ўқитиш» деган мавзуда диссертация ёқлаб, педагогика фанлари кандидати илмий даражасини олишга муяссар бўлди.

1979 йилда З. Исмоилов ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Республикада халқ маорифи ва педагогика фанини ривожлантириш, ёш авлодни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялаш, мактаблар ва бошқа маориф муассасалари учун малакали кадрлар тайёрлашдаги катта хизматлари учун у Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги томонидан Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги медаль билан тақдирланди. Ёш авлодга таълим-тарбия бериш борасидаги самарали хизматлари туфайли унинг кўксидаги жанговар орденлар ёнига Ҳурмат Белгиси ордени ва «Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси» нишони қўшилди.

Ўн бир фарзандни камолга етказган пири бадавлат ота, унинг умр йўлдоши Дурхоним опа фароғатли замон нашидасидан баҳраманддирлар. Фарзандлари Ҳалима, Шавкат, Гулсара, Ғайратлар оталари изидан боришиб, педагог бўлиб етишганлар. Бахтиёр билан Шариф — олий маълумотли мутахассис. Гулнора, Замира ва Даврон эса олий ўқув юртида таҳсил кўраётирлар.

— Фарзандларнинг бошини қўша қиляпмиз. Комсомол тўйлари ўтказяпмиз,— деди бахтидан мамнун ота.— Эзгу мақсадимиз шуки, дунёда тинчлик барқарор бўлсин. Фарзандларимиз биз кечирган мусибатларни кўрмасинлар.

Ҳа, Ҳазорасп районидаги А. С. Пушкин номли ўрта мактаб ўқитувчиси, кекса коммунист, уруш ветерани Зариф Исмоиловнинг ҳаёти бошқалар учун ибратлидир.

Фозил ЗОҲИДОВ

ТИНИҚ ОСМОН

Ҳамроқул РИЗО

Пахтакор қизнинг хати

Қишлоқдаги мактабда,
Бирга ўқиган эдик.
Сирдарё тўлқинига
Шеърлар тўқиган эдик.
Сиз кетдингиз шаҳарга,
Мен-чи, қишлоқда қолдим.
Сиз-чи, шоир бўлдингиз,
Мен далага йўл олдим.
Сиз қалам ушлаганда,
Мен қурдим дала шийпон.
Сиз китоб чиқарганда,
Мен уйдим пахта хирмон...
Кейин эллар кезибсиз:
Америка, Ҳиндистон...
Чет эл маликасига
Бағишлабсиз бир достон.

Париж билан Мадриднинг
Завқи кўчибди шеърга.
Бир китоб бағишлабсиз,
Канада деган ерга.
Ер шарини кезибсиз
Тема излаб достонга.
Айтинг, қачон келасиз
Бизлар қурган шийпонга?!
Атрофи кенг пахтазор,
Ёнида оқади сой.
Бунда ҳам осмон тиниқ,
Бунда ҳам тўлиндир ой.
Ўз боғин куйламаган
Булбул куйи куймикан?
Қишлоғин ўйламаган
Шоир ўйи ўймикан?

Далам

Пахтазор кўркидан яшнаган далам,
Гўё жаннатнинг бир яшил бўлаги.
Шунда умри кечиб, ташвиш, завқ ила —
Энтикиб ургандир отам юраги.

Шу ерни дегайман бахтим тимсоли,
Шамоли келтирар олам қўшиғи.
Шу ер бор эканки, нонимдир тотли,
Кенг дунёга очгум қувонч эшигин.

Она ернинг хушбўй ҳиди ва таъми,
Яшаш ишқи бўлиб кирар қонимга.
Пахтакорлик касбин ёнувчи шаъми —
Нурини сочади ҳар бир онимга.

Сени сўроқлар

Қишнинг изғирини эсарди тинмай,
Сукунат қўйнига чўмганди боғлар.
Шундай дамлар мени ҳолимга қўймай,
Сени ёдга солар, сени сўроқлар.

Баҳор кунларини бўларми суймай,
Ям-яшил тўнини кияди боғлар.
Шундай дамлар мени ҳолимга қўймай
Сени ёдга солар, сени сўроқлар.

Ёзнинг хислатига қоламиз тўймай,
Узум шарбатидан — шарбат дудоқлар.
Шундай дамлар мени ҳолимга қўймай,
Сени ёдга солар, сени сўроқлар.

Кузни куйлаб, чўпон лабга қўяр най,
Сут юзини қоплар тотли қаймоқлар.
Шундай дамлар мени ҳолимга қўймай,
Сени ёдга солар, сени сўроқлар.

Қўшни яшар эдик

Қўшни яшар эдик иккимиз,
Дуч келганда ўтишардик жим.
Лекин қалбда тўла эди ҳис,
Айрилиқни айт, ўйлабди ким!

Сўз айтишга бермаганди йўл
Ғурур отли эгилмас чинор.
Келганда ҳам юртга янги йил
Қутламасдик бир-бирни
зинҳор.

Шу ҳолатда етдик камолга,
Изҳор этмай дилларга дилни.

Наҳот, севги учса шамолга,
Наҳот, севги боғласа тилни.

Охир уни олиб кетдилар
«Ёр-ёр» айтиб узоқ қишлоққа.
Қалбдаги ҳис тўлқин отдилар,
Урилгандай мунгли қирғоққа.

Энди бўлса у ўйлар мени,
Мен ҳам ўйлаб боққум
юлдузга.
«Оҳ, қанчалик севардим
сени»,—
Дея толе тилайман қизга.

Қўшиқ сеҳри

СССР халқ артисти Ҳанифа МАВЛОНОВАга

Жўжа каклик онасин
Сайрашидан топади.
Кийиклар Бадахшонда
Сув ичгани чопади;
Кўлобнинг боғларида
Хил-хил пишади узум;
Қайроққум бўйларида
Баҳор бошлайди базм.
Юлдузларни бўйнига
Маржондай тақар
қизлар.
Норакнинг ёгдусидан
Шуъла олар юлдузлар;
Муҳаббат қудратига
Таъзим айлайди юрак.
Тўлин ойни бошига
Қўндиради оқ терак.
Ҳанифа куйлаганда,
Ҳаёт боқийлигидан —
Сўз айтар кекса Помир.
Ноннинг лаззатлигини
Ёниб сўзлайди тандир;
Арчадай минг йил яшаш
Орзусига тўлар дил.
Ва илҳом тулпорида
Парвоз айлар бутун эл
Ҳаннифа куйлаганда!

Отелло

(Спектакль томошасида)

Биларди дунёда борлигин ғорат,
Биларди борлигин муҳаббат, севинч.
Кўзига бир оташ берди табиат,
Танда-чи, жо эди арслондаги куч.

Бироқ, иғво, туҳмат, бўҳтон уяси —
Яго қутқусига эргашгач ҳар вақт,
Заҳарнинг дудига тўлиб миясн,
Бешиктебратгичга айланди у нақд.

Оқибат рашк олди зулукдай сўриб,
Яраланган шердай ўкирди ул дам.
Дездемонасини ўлдирди тутиб,
Ақлан ўлган эди бу занжи одам.

Панфиловчи сўзи

Севардим юрт тошини
Силаб ўтган шамолни;
Ва ёргинам бошини
Тангиб турган рўмолни.
Севардим Обой каби
Саҳро, осмон, юлдузни;
Ғунча мисоли лаби —
Кулиб турган қундузни:
Манглайимни нишонга —
Олиб отганида ўқ.
Шу севгим сингиб қонга —
Кўзларимда ёнди чўғ.

Айлансам-да нишонга,
Чўчимадим мен бироқ.
Бомба тушганда ёнга
Ҳатто босмади титроқ.
Ялмоғиз аждар мисол
Танк келганда мен томон;
«Энди таслим бўлақол!»—
Дегач душман беомон;
Ҳандақ ичра маҳкамроқ —
Ўрнашдим мен жаҳл билан
Окопда қолдим, ўрток,
У энди менга Ватан.



Александр УДАЛОВ,
Узбекистон ССР халқ ёзувчиси

СЎЗ СЕҲРГАРИ

СЕРГЕЙ ПЕТРОВИЧ БОРОДИН ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ



Узбек халқи орасида ўзи эъзозлайдиган кишиларга домла, уста, оқсоқол деб мурожаат қилиш одати бор. Муаллим, устоз, донишманд.., Булар — мўътабар сўзлар. Уларни беҳудага айтавермайдилар. Бу сўзлар халқ иззат-икром қилган ва севган энг муносиб одамга нисбатан қўлланилади.

Шунинг учун ҳам Сергей Петрович Бородинни унинг ҳамкасблари — адиблар, шунингдек, кўпдан-кўп китобхонлар домла, уста, оқсоқол деб атар эдилар. Бу сўзларни шундай айтар эдиларки, уларнинг юракюракдан чиқаётганлиги, меҳр-муҳаббат, юксак эҳтиром ифодаси эканлиги аён бўлиб турар эди.

Биз, адиблар учун Сергей Петрович Бородин азиз муаллим, меҳрибон мураббий, ажойиб дўст эди. Биз ундан сабоқ олганмиз, ҳозир ҳам ундан маҳоратни, ижод сирларини очиш йўлларини ўрганмоқдамиз. Адиб қанчалик улкан бўлса, унда ижодий сирлар шу қадар кўп деяверинг. Сергей Петрович эртакдагидек бой эди. Шунчалик бой эдики, ўзининг хазиналари қанчалигини, уларда қандай дуру жавоҳирлар яширинганлигини билмас эди. Лекин шунча хазина унинг юрагига, қалбига жо бўлган эди. Асл сеҳргар, сўз устаси сифатида, Сергей Петрович қайси вақтда қайси сирхонани очиш кераклигини, ундан қайси бебаҳо сўзни, сифатлаш, истиора ёки ўхшатишни ахтариб топишни, сўзлардан ўқувчи кўнглида куйдек янграйдиган ва кўз ўнгида жонли манзара ҳосил қиладиган, одамларнинг бетакрор образларини гавдалантирадиган — дилда шу қаҳрамоннинг қўлини қисиб кўришиш, суҳбатлашиш иштиёқини уйғотадиган даражада жумлалар туза олар эди. Хуллас, теран инсоний характерларни, кишиларнинг жонли, ёркин портретлари чизилган оммавий саҳналарни, китобхон кўз олдида ёркин ва қуйма бир тарзда жонлаштирадиган, ўқувчи маънавий воқеликка киргандек киладиган ва бошқа унинг иштирокчисига — шу даврнинг қатнашчисига айланадиган бутун бир тарихий даврни ҳаёт майдонига чиқариш, «Дмитрий Донской» ёки «Самарқанд осмонидаги юлдузлар»га ўхшаш эпопеяларни яратиш каби сирлар Сергей Петрович Бородин изнида эди.

Мен «Самарқанд осмонида юлдузлар» романининг бошланишини тезтез эсга олиб тураман. «Самарқанд туни қоронғи, илиқ». То шу кунларгача бу жумланинг сири нимада эканлигини англаб етолмайман. Бор-йўғи тўрт сўз. Шу тўрт сўз бутун бир манзара ҳосил қилади. Ҳар доимги тун эмас, балки бошқача, алоҳида тун, қандайдир улуғворликни, эҳтимолки, фожиёликни бағрида яширган Тун. Шунча мазмун бор-йўғи тўрт сўзда ифодалаб берилган. Бу сеҳргарлик эмасми, ахир?! Бу Сергей Петровичнинг афсунгарлиги эмасми, ахир?

Санъатда сеҳргар нима дегани? Бу истеъдоднинг даражасини билдиради. Адиб ўз асарлари билан китобхонларини қанчалик кучли мафтун этса, демак, унинг истеъдоди даражаси шунчалик юқори бўлади. Шу маънода Сергей Петрович улуғ санъаткор эди.

У таржимон сифатида ҳам улуғ эди. Эсланг, Садриддин Айнийнинг «Бухоро жаллодлари» китобини ёки Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романини Сергей Бородин таржимасида яна бир марта ўқиб кўринг. Ана шунда сиз таржимон маҳоратига қойил қоласиз. Мана шунинг учун ҳам Ўзбекистон Ёзувчилар союзи энг яхши таржималар учун Сергей Бородин номида мукофот таъсис этди. Демак, Сергей Петрович тирик. Унинг асарлари, шарафли номи халққа хизмат қилишда давом этмоқда.

БАХШИДА УМР

Бегимқул бобонинг бирдан-бир орзуси ўғли Шодиёрни шифокор қилиб етиштириш эди. Ўғли шифокор бўлса-ю, кишиларга беминнат хизмат қилса, қадами етган ерга бало-қазолар доримаса... Шодиёржон элда обрў-эътибор топса!.. Ўғли еттинчи синфни битиргач, Бегимқул бобо уни шифокорликка ўқитишни ният қилди. Бу касбга боланинг ҳам меҳри баланд эди.

Шундай қилиб Бегимқул бобонинг ўғлига Тошкентдай улкан шаҳарда ўқишдек бошланғич бахт насиб қилди. Бу — кирк саккизинчи йилги гап. Урушнинг жароҳатлари, кўргуликлари — бир марта қовзанарлик қора нон учун кези келганда кун бўйи навбатда туришлар, ҳафталаб бир талқоннинг ўзи билан тамадди қилишлар, яланг-ёрти кийинишлар, бирярим-икки кунлаб оч қолишлар ортда қолди. Бегимқул бобонинг ўғли тўрт йиллик медицина билим юртининг хамшира-доячилик факультетини имтиёзли диплом билан тугатиб, ўзи туғилган гўша — Зомингa йўлланма олди.

Бегимқул бобонинг орзулари озгина бўлса ҳам ушалгандай бўлди. Бироқ ўғлининг касби-кори узанги йўлдошлари ўртасида кўкрак кериб мақтанишга ҳали йўл бермасди. Ҳар қалай, савоб ишни бажаради. Соғ-саломат кўзи ёрган уй бекаларн ёш шифокордан миннатдор. Бироқ интилганга толе ёр, дейдилар. Туяни миниб олиси кўзла, деганларидек ишда ҳам, ўқишда ҳам сал узоқни кўзлашга тўғри келди.

Шодиёр эллик учинчи йили ТошМИнинг даволаш факультетига ҳужжат топширди. Чиниқам талабалик йиллари бошланди. Табобат илмининг етук алломалари — медицина фанлари доктори, профессор Султон Аминович Долимов, профессор Содиқ Алиевич Маъсумов, Шоқосим Илёсов сингари қилни қирқ ёриб текшира билиш қобилиятига эга бўлган атоқли олимларнинг маърузаларини жон қулоғи билан тинглаш онлари бошланди. Тиниқмсиз изланишлар, мутолаалар, жаҳон медицинасининг сўнгги ҳар бир ютуғини кузатишлар, уни амалда қўллай билишлар... Институтнинг охирги курслари. Ҳадемай ҳаётга йўлланма олинади. Бегимқул бобонинг бўлғуси жарроҳ ўғлига медицина фанлари доктори, машҳур хирург Вали Қулиевич Жумаевнинг назари тушди. Бўлғуси жарроҳ ҳам ўқиб, ҳам наркотизаторлик қилди. Операция қилишнинг кўз илғамас, кўнгил бовар қилмас нозик томонларини кузатди, ўрганиб-ўзлаштира борди. Жарроҳлик бобида пайдо бўлган ҳар бир янги ихтиронинг туб моҳиятини илғашга уринди.

Ниҳоят, эллик тўққизинчи йилдан бошлаб мустақил иш, мустақил ташвиш — Шодиёр Бегимқуловичнинг шарафли йўлдоши. Уша йиллардан бери қанчадан-қанча беморларни ўлимдан олиб қолди. Донишмандннинг адашгани — оламнинг қоқилганн. Жарроҳ тиғининг ҳар бир бежо ҳаракатларида ўлим хавфи, ўрнини ҳаракатида эса бус-бутун ҳаёт ётади. Шу боисдан шифокорлар таъбирича, ҳар бир операцияни ниҳоясига бекам-кўст етказиш — мукаммал янги бир асар яратиш билан баробар.

«Ярим оқшомда кўнглим айниб, кўз олдим қоронғилашиб кета берди. Узимни қўйгани жой топполмайман. Аҳволим оғирлашгандан оғирлашиб бормоқда эди. На ердалигимни, на кўкдалигимни биламан... Улим деганлари шу бўлса керак, деган хулосага келдим. Бу ёғини билмайман... Кўраси куним бор экан. Онадан қайта туғилгандай бўлдим.

Шифокорларга, сизга қайта-қайта қуллуқ қиламан.

Рустам Холбоев,
қурувчи».

«Ҳамёнинг тўла пул, қўра тўла қўйинг бўлганн билан танда жонинг кирарли-чиқарли бўлгандан сўнг... Бу касаллик кўпдан бери менн олиб бориболиб келиб юрарди...

Мен ўзимни дунёга қайта келган деб биламан. Менинг ҳаётим қайта бошланди.

Сизга, барча шифокорларга бошим ерга теккунча таъзим қиламан.

Юсуф Аҳмаров,
савдо ходими».

Булар — шифокорнинг номига келаётган хатларнинг юздан бири.

Шодиёр Бегимқулов айни пайтда Жиззах область шифохонасининг бош врачи сифатида беморларга беминнат хизмат қилаётир.

— Область шифохонасининг имкониятлари қандай?— дея савол берамиз унга.

— Шифохонамизда олтн юзга яқин бемор даволанади. Етти юз олтмиш нафардан знёд медицина ходими беморлар хизматида. Олий маълумотли, тажрибали ҳамкасбларимнинг ўзи тўқсондан ошади. Ҳамид Ҳожиматов, Жума Жабборов, В. Д. Тимошенко, В. В. Подмосковная, Абдумалик Норқулов, А. Ф. Никулина, К. О. Исаева сингари врачларнинг фидойи хизматлари билан ҳамиша ҳақли равишда фахрланамиз. Шифохонамизнинг бир йиллик харажати, яъни беморларни даволаш учун сарфланадиган пул салкам икки миллион сўмга боради.

Қаранг, ахир бу бошн ёстиққа теккан кишиларга партия ва ҳукуматимиз томонидан қилинаётган ғамхўрликнинг ёркин ифодаси, инсон қадр-қимматининг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган йўсиндаги улуғланиши эмасми?!.

— Энди сизни бир қадар ноқулай аҳволга соладиган сўнгги савол: шифохонада таъмагирлик касалига мубтало бўлган врачлар ҳам йўқ эмас, деган гаплар баъзан қулоққа чалинйб қолади?

— Бу гапда жон бор. Бу «касал»га йўлиққан шифокорларни шифокор деб бўладими? Оғриган тишнинг давоси омбур, дегандай, бундай қўли, йўли эгри кишиларнинг давоси — тўғри тўқмоқ. Масалан, яқинда область тери касалликлари шифохонасининг бош врачи Абдурашид Қўзиев таъмагирликда қўлга тушиб ўз ҳамкасбларининг юзини ерга қаратди, ҳаммамизни номусга қўйди. Бундан ташқари уйидан қимматбаҳо ноёб дорилар топилди. Шунга яраша жазосини олди у...

Уз ҳаётини кишилар умрини узайтиришга бахшида этган шифокор Шодиёр Бегимқуловнинг кўксига кўрк бериб турган орден ва медаллар ҳам, «Узбекистонда хизмат кўрсатган шифокор» фахрий унвони ҳам унинг ўз замондошларига сидқидилдан хизмат қилганлигининг шаҳодати. Бегимқул бобо ўз фарзандининг элда ана шундай эътибор топишини орзу қилган эди. Бегимқул бобонинг ўз жигарбанди ҳақидаги орзу-ҳавасларн, армонлари ушалиб бораётир.

Тўра СУЛАЙМОН

ГЎШТ ФАБРИКАСИ

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ «БАХМАЛ» ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ ДИРЕКТОРИ АБДУВАЙИТ УСАНОВ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ:

Илгари молбоқарларимиздан бирининг «Молларимизнинг сони кўпу, салмоғи оз. Бундан кўра эчки боққан ҳам маъқул», деб хуноби чиққани эсимда. Ўшанда ҳисоблаб қарасак, 6 ой бўрдоқига боқилган 150 бош қорамолнинг ҳар бири атиги 300 килограммга етар-етмас тош босибди.

Молбоқарнинг гапида жон бор эди. Моллар маҳсулдорлигининг пастлиги туфайли сут етиштириш юзасидан белгиланган планлар ҳам аро йўлда қолар эди. Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак, деганларидек катта ферманинг ҳам, кичигининг ҳам ташвиши бор. Шундай бўлгач, фан ютуқларига асосланиб моллар зотини яхшилаш керак, деган хулосага келдик. Гўшт етиштиришга ихтисослаштирилган ферма ташкил этдик.

Чорва моллари маҳсулдорлигини оширишда каммаҳсул маҳаллий молларни сермаҳсул зотлар билан чатиштириш муҳим роль ўйнади. Худди шу йўл билан яратилган қорамолларнинг насли яхшиланиб, тоғли салқин ва серўт яйловларга мослаштирилган зотли молларга эга бўлдик.

Бу фермани чорвадорларимиз мамнунлик билан гўшт фабрикаси деб аташади. Аслида ҳинд зебусининг авлоди бўлган «Санта-Гертруда» зотли Канада молларидан бир нечтаси совхозимизга бундан 15 йил муқаддам келтирилган эди. Уларни маҳаллий моллар билан чатиштириш орқали шу ўтган давр мобайнида ҳаммаси бўлиб бир ярим минг бошдан зиёдроқ авлод олинди. Бундан тўрт юз бошга яқин буқача давлат йўли билан область хўжаликларига тарқатилди.

Шу тариқа янги нав қорамоллар пайдо бўлди. Биз уларни шартли равишда Бахмал қўтослари деб атайбошладик. Ҳозир ана шу янги навли қорамоллардан 5 минг бошдан зиёдроғи область хўжаликларида боқилаётир. Бундай дурагай буқаларнинг тирик вазни 800—1000 килограммни ташкил этмоқда. Демак, шундан маълумки, уларнинг ҳар бири бемалол иккита жайдари молнинг ўрнини босади.

Маҳаллий қорамоллар ва қўшни республикалардан келтирилган молларни ҳинд зебуси авлоди билан чатиштиришдан ҳосил бўлган учинчи авлод дурагайлари ҳам шароитга мослашуви, маҳсулдорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу сабабли биз чатиштириш ишларини Ўзбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари томонидан тузилган махсус танлаш ва саралаш плани асосида берилган тавсияларга биноан олиб бормоқдамиз. Дурагайлашган моллар сони ошган сари бизда зотдор моллар сони ортмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, дурагайлаштириш йўли билан яратилган учинчи авлод буқаларининг тирик вазни бир ёшлигидаёқ 300—350 килограммни ташкил этади. Серўт яйловларда боқилган молларнинг ҳар бири суткасига 600—700 граммдан семираётир.

Палахмон яйловларида зотли молларни кўпайтираётган уста чорвадор, Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Неъмат Назаров бошлиқ чорвадорларнинг ютуқлари айниқса қувончлидир. Бу фермани рамзий маънода гўшт фабрикаси деб аташимиз бежиз эмас. Ҳозир бу ерда янги нав қорамоллардан 715 боши боқилаётир. Наслчилик зоотехниги Турдибой Тожиев танлаш ва саралаш ишларини зоотехника қоидалари асосида уюштирмоқда. Қувондиқ Назаров, Гулбой Ибодов ва Абдуқодир Муродов сингари жонкуяр молбоқарлар ҳар бош сўқим молнинг тирик вазнини 550 килограммга етказиб, гўштга топширмоқдалар.

Озиқ-овқат программасини бажарамиз!

Одатда, чорвадорларимиз Бахмал қўтосларини қишда Қорабулоқ комплексига ўтказадилар. Бу ерда 1 минг 200 бош қорамол сиғадиган чорва комплексининг 2-навбати қурилиб тугалланмоқда. Бахмал қўтослари сермаҳсул бўлгани учун бу зот областимизда тобора кўпайтирилмоқда. Биз яна 1 минг 200 бош сигирга ва 1 минг 600 бош ғунажинга мўлжалланган комплекс қуришни планлаштиряпмиз. Комплекс атрофида қорамоллар яйрайдиган майдончалар, бўрдоқичилик бостирмалари ҳам қурилади.

Совхоз партия комитетининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган тадбирига кўра 1985 йилга бориб совхозимизда зотли моллар сонини 12 минг бошга етказамиз, камида 2 минг тонна гўшт етиштирамиз, яъни гўшт етиштириш ўтган йилги кўрсаткичга қараганда 2,2 баробар ўсади.

«Мол гўшти етиштиришни жадал ўстириш, — дейилади СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасида,— гўшт ресурсларини кўпайтиришнинг асосий йўналиши бўлиб қолиши керак». Бу мўътабар сўзлар биз чорвадорларнинг зиммамизга юклатилган фахрли вазифадир. Шунга кўра биз суғориладиган майдонларни кенгайтириш, яйловлар ҳолатини яхшилаш, оқсилга бой ҳосилдор озуқа экинларини кўпайтириш тадбирларини кўрмоқдамиз.

Гўштга топшириладиган мол вазнини ошириш КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленумида таъкидланган энг муҳим вазифалардан биридир. Бу вазифани бажариш учун чорва туёғининг сифат составини такомиллаштириш, наслчилик ишини яхшилаш, сермаҳсул чорва зотларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Юбилей йилида минг тонна гўшт етиштириш учун курашаётган чорвадорларимиз сермаҳсул зотлар — қорамолларнинг вазнини ошириш учун астойдил ҳаракат қилиб, ҳар бош молнинг суткалик семиришини 900—1000 граммга етказмоқдалар. Ҳар бир килограмм гўшт учун сарфланаётган харажат планда белгиланганидан кам бўлаётир. Бу эса ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини кундан-кунга оширмоқда.

Олдинда маъсулиятли қиш синови турибди. Бу йил ҳам кўм-кўк Бахмал тоғларининг адирларида лалми бедалар ҳар йилгидек бўлиқ бўлди. Лекин бу табиий ўтнинг ўрнини босмайди. Шу туфайли биз чорва молларини ширали озуқалар билан таъминлашда қийналмаслигимиз учун маккажўхоризорларни кенгайтираётирмиз. Серғайрат чорвадорларимиз шу тариқа Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун барча куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

Суҳбатни Нуъмонжон **МИРЗАЕВ** ёзиб олган

Тоғ ёнбағирларида боқилаётган сергўшт «бахмал қўтослари»ни кўриш, илғор чорвадорлар тажрибасини ўрганиш учун бу ерга республикамизнинг турли областларидан меҳмонлар ташриф буюришади.

М. Тўйчиев фотоси

Совет турмуш тарзи

ЗАМОНАВИЙ ТЎЙЛАР — ТУРМУШИМИЗ ЗИЙНАТИ

Тўй — дунёдаги барча халқлар, элат ва миллатлар томонидан жуда қадим даврлардан бошлаб ўтказилиб келинаётган анъанавий маросимлардан биридир. Тўй ижтимоий ҳаёт тақозоси билан жамоатчилик иштирокида тантанали равишда ўтказилади. Шунинг учун ҳам одамлар азалдан тўйга алоҳида эътибор билан қараганлар, тўйлардаги ажойиб миллий анъаналарни асраб-авайлаб келганлар ва авлоддан-авлодга мерос қолдирганлар.

Бошқа халқларда бўлгани сингари ўзбек халқининг ҳам тўй маросимлари ўзининг жуда қадимий ва бой тарихига эга. Халқимиз эъзозлаб келаётган тўй ва бошқа эзгу урф-одат ҳамда маросимларда биз аждодларимизнинг неча минг йиллардан бери давом этиб келаётган ақл-идроки ва заковати, бой ҳаётий тажрибасини кўрамиз. Ота-боболаримизнинг турмуш тарзини ҳамда моддий ва маънавий маданиятлари даражасини билиб олишда тўйлар катта ёрдам беради.

Дунёдаги бирон-бир халқ тўй тантаналарининг сони ва хилма-хиллиги жиҳатидан совет халқига тенглаша олмаса керак. Бизнинг мамлакатимизда, қолаверса, республикамизда ўтказилаётган тўй тантаналарининг сони ва тури жуда ҳам кўп. Кишиларимиз ўзларининг ижтимоий ва шахсий ҳаётларида рўй берадиган ҳар бир қувончли воқеа ва ҳодисани баланд руҳ билан кутиб олишга одатланганлар. Фарзанд туғилиши, унинг балоғат ёшига етиши, паспорт олиши, мактаб ёки олий ўқув юртини тугатиши, Совет Армияси сафига чақирилиши, туғилган кунини нишонлаш, никоҳдан ўтиш, меҳнат дафтарчаси олиш, кекса кишиларни пенсияга узатиш ва ҳоказолар ана шундай шодиёна дамлардир. Айниқса, ҳозир ривожланган социализм даврида совет кишилари турмуш шароитлари тобора яхшиланиб боришининг қонуний оқибати сифатида тўйлар мазмунан бойиб, шаклан хилма-хиллашиб бораётир. Тўйларнинг замонавий турлари юзага келди. Ҳовли тўйи, янги уйга кўчиб ўтиш тадбирлари шулар жумласидандир. Кейинги йилларда ота-оналарнинг «олтин» ва «кумуш» тўйлари ҳам турмушимиздан кенг ўрин олди. Совет кишилари 60, 70, 80, 90 ёки 100 ёш сингари ўзларининг ҳаётидаги қувончли дақиқаларни ифодаловчи саналар ўтказаётирлар. Ўзбекистон меҳнаткашлари қардош халқлар каби совет кишиларининг энг шарафли байрами — 7 ноябрни, СССР ташкил топганлигининг тарихий 60 йиллигини, 9 Май — Ғалаба кунини, СССР Конституцияси кунини, 8 Март — Халқаро хотин-қизлар озодлиги кунини энг ажойиб байрам сифатида қизғин тайёргарлик кўриб кутиб оладилар. 22 апрель бутун совет халқи учун энг азиз кун — улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кундир.

Халқ сайллари, ҳосил байрами, ўроқ ва болға байрами, пойга, улоқ, турли базм-томошалар, дор ўйинлари, лола сайли, наврўз, музика, ашула ва рақс байрамлари ҳамда бошқа тантаналар аллақачон анъана тусини олгандир.

Олимларимизнинг фикрларига қараганда, Тошкент шаҳрининг ўзида бир кунда тахминан 4 мингдан ортиқ тўй ўтказилаётган экан. Биргина Тошкент шаҳар Акмал Икромов районининг Киров номидаги маҳалласида кейинги 7—8 ой ичида ўғил уйлантириш ва қиз чиқариш тўйлари, мўътабар кишиларнинг юбилей тантаналари, «олтин», «кумуш» тўйлар, ҳовли тўйлардан 92 таси ўтказилди. Маҳалла комитети ҳар бир тўй тантанасига замонавий тус беришга, уларда гўзал маданиятимиз ва юксак ахлоқимиз акс этишига астойдил ҳаракат қилди.

Тўйларни, айниқса, никоҳ тўйларини оддий бир тадбир, одамлар тўпланадиган шунчаки бир йиғилиш деб бўлмайди, албатта. Тўйлар жуда катта тарбия мактаби ҳамдир. Ёш авлод тўйлардан кўп нарса ўрганади, уларнинг фикр-доираси кенгаяди. Чунки тўйда иштирок этаётган катта ҳаётий тажрибага, чуқур билимга эга бўлган обрўли кишилар, ишлаб чиқариш илғорлари, шоирлар, олимлар ва ёзувчиларнинг ўзларини тутишлари, табрик ва нутқлари ёшларимизни тарбиялашнинг муҳим омилидир.

Киров номидаги маҳалла комитети тўйларда ҳаддан ташқари ҳашамдорликка йўл қўймасликка ҳаракат қилмоқда. «Ном чиқарар»га, «ким ўзар»га тўйлар қилишга, ўзининг мол-дунёсини кўз-кўз қилишга бу ерда рухсат берилмаётир. Ўзингиз ўйлаб кўринг: кишининг обрўси унинг нечта ва қандай катта тўй қилганлиги билан ўлчанмайди-ку, ахир! Ортиқча оворагарчиликнинг, тер тўкиб топилган маблағни шамолга совуришнинг нима кераги бор?! Биз ҳар бир тўй ниҳоятда камтарона, камчиқим, тежалган тарзда ўтсин, деймиз. Тўйлар гўзал одоб-ахлоқимиз талабларига тўла мос келган кўринишда ўтмоғи зарур. Баъзи кишилар тўйларига ҳаддан ташқари кўп одамларни таклиф қилмоқдаларки, бу ҳол анча-мунча одамларнинг ишдан узрсиз қолишларига, нормал дам олмасликларига сабабчи бўлади. Буни адолат юзасидан қилинган ҳаракат деб бўлмайди. Бундай «катта» тўйлар одамларнинг ҳақли эътирозларига дуч келаётир.

Киров номли маҳалла комитети хонадонларда ўтказаётган ҳар бир тўй-маъракада нон маҳсулотлари ҳамда таомларнинг ортиқча исроф қилинишига йўл қўймаслик учун кенг кураш олиб бораётир. Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» асарида, «Нонга ризқ-рўз сифатида мана шундай муносабатда бўлмай туриб, муносиб, тўла маънодаги ахлоқли кишини тарбиялаб бўлмайди деб ҳисоблайман», деб айтган доно сўзлари маҳалла комитети аъзоларининг қалбидан жой олган. Ҳар бир тўйда ва жамоа йиғинларида аҳолини нонни ҳурмат қилишга, уни авайлашга даъват этилмоқда.

Маҳаллада ўтказилаётган тўйларнинг таълим-тарбиявий аҳамиятини кучайтириш ва унга замонавий тус бериш мақсадида никоҳ тўйлари ва бошқа тантаналарда кўзга кўринган олим, шоир ва ёзувчилар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат ветеранлари, донгдор кишилар, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган қаҳрамон оналар, мактаб ва олий ўқув юртлари педагоглари, матбуот ходимлари кўплаб таклиф қилинаяпти. Дарҳақиқат, бундай тадбирларнинг тарбиявий аҳамияти катта бўлмоқда.

Кўпчилик никоҳ тўйларида келин ва куёв тўйхона остонасига қадам қўйганда уларнинг ота-оналари, қавм-қариндошлари, ёр-биродарлари келин билан куёвни нон-туз ва гул билан кутиб олишга одатланмоқдалар. Илгарилари эса уларнинг бошидан танга-пул ва ҳар хил ширинликлар сочиларди. Бунинг ҳам деярли олди олинди.

Маҳаллада бўладиган тўй тантаналарини ташкил этиш ва ўтказиш учун маҳалла комитетининг 10—12 кишидан иборат тўй комиссияси ишлаб турибди. Тўй комиссияси составига катта ҳаётий тажриба, билимга эга бўлган кекса отахон-онахонлар, меҳнат ветеранлари, жамоат активлари, олимлар, коммунист ва комсомоллар, олий ўқув юртлари, техникум ва мактаб педагоглари вакиллари жалб этилган. Ўз фарзандини уйлантирадиган ёки турмушга узатадиган ҳар бир киши, аввало шу комиссияга мурожаат қилади. Комиссия аъзолари ҳар икки томоннинг вакили билан келишиб тўй кунини белгилайди, тўйни қандай тартибда ўтказиш тадбирлари кўриб чиқилади, тўй учун керакли сарф-харажатлар миқдори аниқланади, тўй бошилари ва хизматкорлар тайинланади.

Фурсатдан фойдаланиб, тўйларни замонавий тарзда ўтказиш ҳамда тўйларимизда ҳозиргача учраб турадиган баъзи бир нуқсонларни бартараф этиш масаласида ўз фикр-мулоҳазаларимизни ўртага ташламоқчимиз.

Агар ҳозир шаҳар ва қишлоқларимизда бўлаётган тўйларга разм соладиган бўлсак, кўпчилик одамларни дабдабали тўйлар ўтказишга ҳаракат қилаётганликларини кўрамиз. Бу, фаровонликнинг белгиси, албатта. Тўй-ҳашамни бизда ҳеч ким таъқиқламайди. Аммо тўй ўтказишда ўзбилармончиликка, манманликка берилиш, «бировлардан кам эмаслигини» кўрсатиб қўйишга интилиш яхши эмас. Бизнинг замонда обрў орттиришнинг бирдан бир йўли — ҳалол меҳнат қилиш, халқ ҳурматига сазовор бўлишдир. Айрим кишилар ҳалол меҳнат ва пешона тери билан топган пулларини дабдабали тўйларга, турли ноўрин маросимларга сарфламоқдалар. Бир умр йиққанини тўкиб ташлашлари, бунинг устига баъзан турмуш қурган ёшларни қарзга ботириб қўйишлари шартмикан? Ахир, инсон дунёда фақат тўй қилиш учун яшамайди, тўй ҳам фақат дабдаба учун қилинмайди-ку! Тўйларда кўпинча спиртли ичимликларга зўр берилади. Спиртли ичимлик эса ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтиради. Айниқса болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Авваломбор, тўйларда спиртли ичимлик ичиш шарт эмас. Усиз тўй қизимайди, таъзияга ўхшаб қолади, деган ноўрин фикрларга қўшилиб бўлмайди. Наҳотки, тўйни спиртли ичимликсиз ўтказиш, бир умр эсда қоладиган даражада ташкил этиш мумкин бўлмаса! Ҳолбуки, бундан 30—40 йил илгари ўзбек тўйларида спиртли ичимлик ичиш уят ҳисобланган. Мана шу одатни яна қайтадан тиклаш ва оммалаштириш лозим.

Тўйнинг икки жойда: ҳам куёвнинг ҳамда келиннинг уйида бўлиши хусусида ҳам баъзи мулоҳазаларни айтишга тўғри келади. Ортиқча оворагарчилик, беҳуда чиқимдор бўлмаслик учун тўйни бир жойда қизнинг ёки куёвнинг уйида, клуб ёки ресторанда ширингина қилиб ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари кейинги вақтларда кўп ерда ЗАГСдан — никоҳдан ўтиш ҳатто росмана тўйга айланиб кетяпти. ЗАГС куни 8—10 та енгил машина ясатиб келиш, юзга яқин одамга ресторан ёки бирон-бир қавм-қариндошиникида зиёфат беришларга чек қўйиш пайти келди.

Шунингдек, айрим ота-оналар ўғилларини уйлантираётган ёки қизларини узатаётганларида орзу-ҳавас деб чет эл гарнитуридан тортиб қўша-қўша гилам, идиш-товоқ, «етти пуштига» етадиган кийим-кечак, сон-саноқсиз кўрпа-ёстиқ, қимматбаҳо соат, радио ва рангли телевизор, эшик ва дераза пардаларигача совға қиладилар. Бундай ҳотамтойликни кўриб ачинасан киши! Ахир, бу турмуш қурган ёш келин-куёвни текинхўрлик билан ҳаёт кечиришга ўргатиш, пешона тери тўкмасдан, ҳузур-ҳаловатда яшашга даъват этиш, уларни меҳнат машаққатини чекиб қўлга киритиладиган ҳақиқий инсоний бахтдан маҳрум этиш эмасми? Йўқ, ҳар бир фарзанд — инсон ўз бахтини ўзи яратмоғи даркор. Шундагина ҳаёт ширин, бахт қадрли бўлади.

Йигит ва қизларнинг тўй кийимлари ҳақида ҳам айрим фикрларни айтмасдан бўлмайди. Тўй куни келинлар бошларига оқ харир рўмол ташлаб, оқ нафис кўйлак киядилар. Бу жуда яхши. Бироқ баъзи куёвлар тўй куни бамисоли шаҳзодаларга ўхшаб кийинадилар — бошларида оқ салла ва жиға, устларида зарбоф тўн. Бизнингча, куёвлар ҳам кийимларини замонавийлаштиришлари керак.

Ҳар қандай тўй базмсиз, ўйин-кулгисиз бўлмайди. Тўй куни турли кўнгил очувчи ўйинлар ташкил қилинади, ҳар хил ашула, ялла, лапар ва «ёр-ёр»лар айтилади, қизиқчилик, аскиялар бўлади. Буларнинг ҳаммаси эстетик тарбиявий аҳамиятга эга. Аммо булар хусусида ҳам эътирозимиз бор. Баъзи тўйларда ижро этиладиган қўшиқ ва музикадан кишилар ҳеч қандай маънавий-руҳий озуқа ололмайдилар. Яъни ўта бачкана, нуқул панд-насиҳатдан иборат пессимистик, диний-мистик ашулалар ижро этилади. Бундай ҳолларга кўпинча саёқ отарчи ва яллачилар сабабчи бўлмоқдалар. Улардан кўра даврани қизитиш учун хушовоз хонанда, машҳур созандаларнинг овозлари ёзиб олинган пластинка ва магнитофон ленталаридан бемалол фойдаланиш мумкин.

Тўйларни замонавий тарзда ўтказиш ҳақида қайғуриш ҳаммамизнинг бурчимиз. Бу соҳада мамлакатимиздаги қардош халқларнинг тўй ўтказиш борасидаги илғор тажриба-анъаналарини ўрганиш, ўзимизда бўлмаган янгиликларни улардан қабул қилиб олиш фойдалидир.

Замонавий талабларга жавоб берадиган даражада яхши ўтган ва кишиларда чуқур таассурот қолдирган тўйлар матбуотда ёритиб борилса, илғор тажриба ва ютуқлар махсус илмий-оммабоп асарларда, методик қўлланмаларда акс эттирилса, тўйлар ҳақида телефильмлар яратилса хайрли ишга қўл урилган бўларди. Булар шу кунги ҳаётимиз талабидир. Зеро, янги урф-одатлар, маросимлар сингари замонавий тўйлар ҳам коммунистик жамият кишисини тарбиялашнинг муҳим омилларидан бири, турмуш маданиятининг ажралмас таркибий қисми эканини унутиш асло мумкин эмас.

Қ. ФОЗИЛХЎЖАЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор,
З. ҒОФУРОВ,
фалсафа фанлари кандидати, доцент.

Хосият БОБОМУРОДОВА

Сени излайман

I

Энг шод дамларимда сени излайман,
Сархуш ҳисларимга бўл дейман шерик.
Жуфт қалб шодлигидан умид узмайман —
Келасан, қалбингда мен бўлсам тирик!

Қайдасан, ичсанг-чи, шодликларимни,
Улар лабларингдан нурдай тўкилсин.
Олгин севинчимни, бутун боримни,
Улар сенинг кўзларингдан ўқилсин.

Сен шод бўлган ўша бир лаҳза учун
Мен бутун умримни ҳадя қиламан!

II

Изтироб онлари сени излайман,
У дамлар бўласан мендан йироқда,
Барибир келасан!
Умид узмайман...
Тан бергим келмайди сира фироққа.

Ич, демасман сенга, қайғуга чўмган,
Ёлғиз юрагимнинг изтиробларин,
Ич, демасман сенга хазонлар кўмган,
Сўнган умидларнинг бор харобларин.

Сен йўқлаб келсангу, мен бир кўрсам бас,
Кўзларинг айтсалар: бекор алам, оҳ!
Ҳасрат мени тугатмоққа этиб қасд
Турган чоқда англаб қолсам мен ногоҳ:

Шодликларинг учун кераклигимни,
Шу лаҳза дунёга қайта келаман!

Сиз гул тақдим этганда

Жисмимда юракни асраган каби,
Авайлайман берган гулларингизни.
Токи куз фаслининг беором лаби
Ногоҳ сарғайтириб қўймасин уни.

Юракда тилакни асраган каби,
Авайлайман берган гулларингизни.
Токи бир лоқайднинг энг хира таъби,
Сўлдириб қўймасин япроқларини.

Худдики севгимни асрагандайин,
Асрайман ҳаммадан уни қизғониб.
Токи ёлғиз меннинг ризқим — бахт майин
Ўзга бирор кимса ичмасин ёниб!

Энг тотли азобни яширган мисол,
Бекитиб қўяйин қалбим тўрига,
То ҳар лаҳза ундан сўрасин, аҳвол,
Айланиб қаламим содиқ чўрига.



Бирдан босган каби аччиқ ғазабни,
Ширин лабларимга босайин уни.
Қонлар сизиб чиқсин, бундай азобнинг
Ишқ билан, шеър билан тўлансин хуни.

Қирқ бор алмашса ҳам тўрт фасл
сабримда,
Гулларга бахш этай мен мангу кўклам.
Токи ёзув пайдо бўлсин қабримда:
«Гулсиз яшамади у ҳатто бир дам!»

* * *

Нафратингиз учун Сизга ташаккур,
Ахир кимдир мени ёмон кўриши,
Кимдир пешонангни боссин дея шўр,
Қарғаши керак-ку, куйиб, тиришиб.

Яхши фазилатлар кетса ҳам тошиб,
Суюк бўлмоқ қийин ҳаммага бир
хил.
Келмоғи керак-ку, кимнингдир ғаши,
Лаънатлаши керак қай бир узун тил.

Кимдир озор берсам ҳам, атай
кулиб,
Шаънимни ихлос-ла кўтарса кўкка.
Кимдир қаҳри билан қалбимни
тилиб,
Чиқармоғи керак номимни йўққа.
Совуқ нигоҳлардан чекмасам азоб,
Гулдек қисларимни босганча биров,
Сиз каби куйиниб сочмаса ғазаб,
Зерикиб қолардим яшашдан дарров.

Нафратингиз учун Сизга ташаккур!

* * *

Ҳеч қачон, ҳеч кимга бермайман сени,
Бекорга хушомад қилмасин баҳор.
Сенга бўлган меҳрим қучоқларида
Нафақат баҳормас, тўртта фасл бор.

Илтифот қилмасин дайди шамоллар,
Учириб кетсин у омонатларни.
Шамол... бир кун тиниб ташлаб кетади,
Мен эса қилмасман хиёнатларни.

Қизлар! Минг бир ҳадик билан дейман бу сўзни,
Улар шундай гўзал, улар шундай ёш.
Аммо улардан ҳам ёш ва гўзалроқ,
Менинг қалбимдаги қўшиқ ва бардош!

Мен сени бермасман юлдузларга ҳам,
Менинг орзуларим улардан баланд.
Мен сени чорлайман тилакларимга
Юлдуздан юксакда тиклаганча қад.

Сен ҳали билмайсан, мен кимлигимни,
Беҳуда севмайди кўксимда юрак.
Ҳеч қачон, ҳеч кимга бермайман сени,
Сен фақат меники бўлишинг керак!

Самарқанд.

Пахтамиздан тоғ-тоғ хирмон яратамиз.

УВАЙСИЙ.

Шоира юбилейининг
200 йиллиги олдидан

А. ХОЛИҚОВ чизган расм

КАМТАРГА КАМОЛ

1981 йилнинг кузи. Областнинг пахта хирмонини тезроқ тиклаш учун каттадан-кичик оёққа қалққан қизғин кунлар. Айни ўша пайтларда шу долзарб масалага бағишлаб Фарғонада йиғилиш бўлди. Минбарга нотиқлар чиқишиб, пахта планини тезроқ бажариш хусусида ўз режалари ҳақида гапиришди. Навбат Бувайда район партия комитетининг биринчи секретари Мақсудали Ҳайдаровичга келди. У фавқулодда ҳотиржамлик билан сўзлар экан, область хирмонига яна 4 минг тонна қўшимча пахта билан ҳисса қўшамиз, деди. Йўқ, у ўзи етакчилик қилаётган район аллақачон маррага етиб, ўша кунларда янги юксак маррани кўзлаётгани ҳақида бирон оғиз сўз айтмади, камтарлик қилди.

— Камтар-да. Бўлмаса, Бувайда райони теримда ҳам, кунлик суръатда ҳам пешқадам,— деди йиғилиш иштирокчиларидан бири...

Мақсудали Ҳайдарович билан кейинги гал редакция топшириғи билан Бувайда районига борганимизда учрашдик. У одатига кўра пиёда кетаётган эди. Кўча бетида иссиқ сўрашдик. Шу вақт йигирмайигирма икки ёшлардаги башанг кийинган йигит ёнимизга келиб саломлашди. Секретарь йигитга юзланиб:

— Исмингизни унутибман... Яқинда армиядан келдингиз шекилли,— деди.

— Ҳа-а,— деди йигит ийманиб.

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Политехника институтига кирмоқчиман. Унгача...

Секретарь ўз қадрдонига муомала қилаётгандек самимият билан деди:

— Менга қаранг, ука. Районимиз марказида тўқимачилик фабрикаси ишга тушган. Унда ишчилар, мастерлар етишмаяпти. Фабрика қошида ҳунар-техника билим юрти ташкил этдик. Ҳам ишлаб, ҳам билим юртида ўқисангиз яхши бўларди. Кейин сиртдан институтга кирсангиз ҳам бўлади. Имтиёзларини биласиз-а?

Йигитнинг юз-кўзлари ёришиб кетди. Афтидан, секретарь унга янги бир оламни очаётган эди.

— Соз бўларди-ку! Лекин мени билим юртига олишармикин?— ҳаяжонини яширолмади йигит.

— Олишади,— далда берди Мақсудали Ҳайдарович,— бирор соатдан кейин билим юрти директорига учранг. У кишидан илтимос қиламиз.

— Раҳмат!— Йигит қўлини кўксига қўйиб, секретарь билан мамнун хайрлашди.

Бувайда — Фарғона областининг салмоқли районларидан. Районда пахтачилик етакчи тармоқ. Чорвачилик, мактаб-маориф, қурилиш ишлари ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Район қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан, пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан областда биринчи ўринда. Ободончилик ва маданий қурилиш соҳаларида ҳам бу ерда ибратли ишлар қилинаяпти.

Ҳамма ишни кадрлар ҳал қилади, деган ленинча принцип Бувайда район партия комитети фаолиятида муваффақиятлар мезони. Район партия комитети салоҳиятли, куйди-пишди, топшириқ ва директиваларни кутиб ўтирмай дадил иш кўрадиган, изланувчан кишиларни қўллаб-қувватлайди, уларга энг маъсулиятли участкаларни ишониб топширади. Масалан, секретарь агроном Турдивой Хўжаевни институтни битириб келиб, «пайкалга кирган кунларидан» биларди. Ёш мутахассисдаги янгиликка интилиш, ишчанлик каби хислатлар Ҳайдаровнинг эътиборини тортди. У Т. Хўжаевни участка агрономлигидан район қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи вазифасига кўтарди. Кунларнинг бирида секретарь унга:

— Энди «Ленинобод» колхозини кўтариб берасиз. Райком бюросининг фикри шу,— деди.

Мақсудали Ҳайдаров бу гал ҳам хато қилмади. Энди 28 ёшга кирган Хўжаев астойдил ишга киришиб кетди. Хирмон салмоғи йилдан-йилга ошиб, ўтган йили ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 42,4 центнерни ташкил этди. Колхоз шу кунларда 45 центнерлик маррани эгаллаш арафасида турибди.

Райком секретарининг докладларидан бирини назардан ўтказаётганимизда қизил қалам билан белгиланган 84 рақами эътиборимизни тортди. Бу 60—70 центнерчи бригадалар сони эди. Райондаги 210 та бригададан шунчаси ўтган йилги маррадан ўзиш, қолганлари 45—55 центнердан ҳосил ундиришга аҳд қилган. Бундан бир неча йил илгари 40 центнер кўпнинг кўзига эгаллаш қийин бўлган чўққига ўхшарди. Энди эса, қирқ центнер ўртача бригаданинг кўрсаткичи бўлиб қолди.

* * *

«Партия XX съезди» колхозининг Марказий Фарғона зонасидаги ерларида Мамадали Усмонов деган ажойиб деҳқон бригадирлик қилади. Коммунист Усмонов бундан ўн йил илгари район партия комитетининг тавсияси билан чўлга келди. У бошлиқ коллектив йил сайин пахта майдонларини кенгайтириб борди. Дастлаб 90 гектар ердан 500 тонна ҳосил ундирди. Ўтган йили эса давлатга 630 тонна пахта топширди. Бу йил ҳосил янада бўлиқ бўлди. Албатта, бу ютуққа осонликча эришилмади; мўл ҳосил уйқусиз тунлар, бедор кунлар ҳисобига етиштирилди.

Ўтган йили вегетация даврида колхозга боғланган вакиллардан бири Мамадали Усмонов бригадасига бориб, хуноб бўлиб қайтиб келди: Мамадали Усмонов агротехниканинг амалдаги қоидаларига унча амал қилмаётган эмиш, агар бунинг олди олинмаса, бригада қаттиқ панд ейиши мумкин эмиш. Мақсудали Ҳайдарович вакилни тинчлантириб деди: Сиз билан биз Мамадалининг ерларига бир ойда бир, нари борса икки марта борамиз. У эса, йил ўн-икки ой ўша пайкаллар ичида, ғўзалар тепасида. Ерларининг хусусиятини сиз билан мендан кўра яхшироқ билади. Унга ҳалақит бермайлик, эрк берайлик.

Ҳа, хўжалик раҳбарлари, бригадирлар, агрономларнинг мустақил ижодий фикр юритишларини маъқуллаш — Мақсудали Ҳайдаровнинг раҳбарлик фазилатларидан.

Ўтган йилнинг баҳори эди. Ғўзалар қўшқулоқ бўлиб ер бетини қоплай бошлаган кезлар. Бир куни Мақсудали Ҳайдаров Киров номли колхознинг Жумақўзи Эргашев бошлиқ бригадасига йўл олди. Битта-иккита томчилаб турган ёмғир секретарь бригада шийпонига етгунча жалага айланди. Шийпонда учтўрт киши чопиқ трактори атрофида куйманарди. Бригада бошлиғи ҳам, механизаторлар ҳам ҳавонинг авзои, ёмғирнинг шиддатини кўриб, тракторларга қатқалоқ юмшатгич мосламаларни тиркашар эдилар. Секретарь буни кўриб, ич-ичидан мамнун бўлди. Орадан бирор соат ўтар-ўтмас барча хўжаликларда тракторларга ёппасига худди шундай мосламалар тиркаш хусусида топшириқ берилди. Шундай қилиб, уч кун ичида район хўжаликларида ғўзалар қатқалоқдан чиқарилди.

Ишлаб чиқариш командирлари бўлмиш бригада бошлиқлари, тажрибали деҳқонлар билан доимий мулоқот қилиб, улар билан бамаслаҳат иш тутиб секретарь тўғри иш қилаяпти. Билганини ўргатиб, билмаганини кўпдан ўрганиш унинг камолоти учун ҳам яхши мактаб бўляпти. Бу иш методи эса ажойиб самара беряпти. Зеро, районнинг 1975 йилдаги даромади 25 миллион сўмдан 1981 йилда 40 миллион сўмга етган экан, бу улкан ютуқ замирида ишчан раҳбарнинг омилкорлиги ҳам ётибди...

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили вазифалари ҳар қачонгидан салмоқлироқ. Бу йил район пахтакорлари ҳосилдорликни 42 центнерга етказиш ва давлатга 50 минг тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилганлар. Район чорвадорлари эса 1 минг 400 тонна гўшт, қарийб 7 минг тонна сут, 400 тонна пилла, 2 миллион дона тухум топшириш мажбуриятини олганлар.

Меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини ошириш ҳақида ғамхўрлик қилиш район партия комитетининг доим диққат-марказида. Кишиларнинг ариза ва шикоятлари район ташкилотларининг ўзида ҳал этилади. Принципиаллик, объективлик, инсон тақдири ҳақида қайғуриш — буларнинг ҳаммаси Бувайда район партия комитетининг фаолиятига тўла сингиб кетган. Бунда жонкуяр коммунист, ажойиб ташкилотчи. Мақсудали Ҳайдаровнинг хизмати катталадир.

Шу ўринда бир мисол келтириб ўтишни истардик. Райкомнинг бюро мажлиси борарди. Кун тартибида навбатдаги масала каттагина бир коллектив раҳбарининг фаолиятини муҳокама этиш эди. Райком секретари бюрога масала тайёрлаган ўртоқларнинг ҳам, масаласи кўриладиган коммунистнинг ҳам руҳиятида қандайдир асабийлик устун эканлигини сездик. Мажлис шу тахлитда давом этаверса, ҳис-туйғулар ғолиб келиб, битта одам меъёрдан ортиқча жазо олиши, иззат-нафси ерга урилиши ҳеч гап эмасди. Секретарь иккиланиб ўтирмай шу масаланинг навбатдаги йиғилишга қолдиришни таклиф қилди... Бу таклиф бюро аъзоларининг аксариятига маъқул келди. Кейинги бюро мажлисида бу масала атрофлича ва принципиал муҳокама этилиб, объектив қарор қабул қилинди.

Кенг кўламлардаги ишларнинг ҳаммаси одамлар билан битади. Тажрибали ходимлар ҳам баъзан хатокамчиликларга йўл қўйишлари мумкин. Шунақа танг ҳолларда ҳам мулоҳаза билан, инсон тақдирини ўйлаб иш тутиш район коммунистлари етакчисининг характерига хос фазилатдир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» эпопеясида коммунист фазилати сифатида алоҳида қайд этилган вазминлик, сабот-матонат, мулоҳаза билан иш тутиш Мақсудали Ҳайдаровичда ҳам мужассамлашган.

Бувайда райони меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида юқори кўрсаткичларга эришиб, улуғ юбилей — СССРнинг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олаётган эканлар, бунда коммунистларнинг ҳамда район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, камтар ва ташкилотчи раҳбар Мақсудали Ҳайдаровнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Охунжон ҲАКИМОВ

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

САМАРҚАНДНИНГ СУТ БУЛОҒИ

Қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳри йилдан-йилга кенгайиб, аҳолиси кўпайиб бораётир. Табиийки, шаҳар аҳолисининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масъулияти шаҳар атрофидаги хўжаликлар зиммасига тушади. Ана шу масъулиятни ҳисобга олган сабзавотчилик ва чорвачилик хўжаликлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Кейинги йилларда гарчи мазкур колхозларнинг суғориладиган ерлари маълум даражада шаҳар қурилиши ҳисобига камайган бўлса-да, омилкор деҳқонлар ҳар гектар ернинг унумдорлигини ошириш туфайли бунинг ўрнини қоплашга эришмоқдалар. Улар ярим миллионли шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ўзларининг ички резервларини ишга солаётирлар.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларини изчил амалга ошираётган Самарқанд районининг меҳнаткашлари шаҳар магазинларига сабзавот, мева ва гўшт-сут маҳсулотларини пешма-пеш етказиб турибдилар. Айниқса, бу соҳада район сабзавоткорлари ва чорвадорларининг ишлари ибратлидир. Район хўжаликларида сабзавот билан бир қаторда сут маҳсулотлари етиштириш яхши йўлга қўйилган. Самарқанд райони анчадан буён сутчилик самарадорлиги жиҳатидан областда биринчи ўринни эгаллаб келаётир. Бу ерда ўз касбининг машҳур усталари бўлган ажойиб ишлаб чиқариш новаторлари бор. Улардан бири «Москва» колхозининг машҳур сут соғувчиси Раҳима Султоноводир. Раҳимахон соғувчиларнинг Тошкентда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ конкурсида фахрий биринчи ўринни эгаллади. Унинг номи бугун республикамизнинг моҳир соғувчилари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Мунаввара Исҳоқова, Анастасия Чудняялар билан бир қаторда тилга олинади.

Район хўжаликларида сутчиликни тағин ҳам ривожлантириш учун янги-янги сут-товар комплекслари ишга туширилаётир. Замонавий механизм воситалари билан ускуналанган бундай комплекслар «Москва», Максим Горький номли колхозларда айниқса катта фойда келтирмоқда. Ҳар иккала хўжаликда ҳам аҳоли зич жойлашган, ортиқча ҳайдов ерлар йўқ. Лекин мазкур хўжаликларнинг тажрибали деҳқонлари ҳар қарич ерни тежаб, ундан унумли фойдаланиш ҳисобига самарадорликка эришмоқдалар. Ишлаб чиқариш участкаларига уддабурон, конкуяр ва ташкилотчи кишилар етакчилик қилмоқдалар.

Бундан ўн йил илгари ёш, ишчан зоотехник Сирож Усмонов Максим Горький номли колхознинг сут-товар фермасига мудир қилиб тайинланди. У колхоз правлениеси ва колхозчиларнинг ишончини оқлаш учун тинмай меҳнат қилди. Сирож Усмоновнинг ташаббуси билан озуқа етиштириш соҳасида тубдан бурилиш ясалди. Даставвал, фермага ажратилган майдонлар бирлаштирилиб, яхлит картага айлантирилди. Бу эса техникадан унумли фойдаланиш имкониятини берди. Сўнгра ферма қошида ихтисослаштирилган озуқа бригадаси тузилди. Шушу сут-товар фермасида озуқа танқислигига барҳам берилди. Бу ерда ҳар йили етарли миқдорда озуқа етиштирилди. Ўтган йили ҳар гектар ердан 90 центнердан маккажўхори дони, 500 центнердан кўкат, емишбоп лавлаги экилган майдондан эса 700 центнергача ҳосил олинди.

Шу ўринда яна бир ишни алоҳида таъкидлаш лозим. Сирож Усмонов колхоз территориясига яқин озиқ-овқат саноати корхоналарининг чиқитларини чорва озуқаси рационига киритишни йўлга қўйди. Шу туфайли ҳозир фермада қишлоқ хўжалик хом ашёси ишланадиган заводнинг чиқитидан тўйимли озуқа сифатида фойдаланилмоқда. Айни пайтда чорва молларига берилаётган жами озуқанинг 50 проценти саноат чиқити ҳисобига тўғри келаётир. Чунки сут-товар фермаси қошида иккита озуқа цехи муттасил ишлаб турибди. Бу цехларда корхоналарнинг чиқитлари билан бир қаторда моллардан қолган нушхўртлар ҳам қайта ишланиб, яна молларга едирилмоқда. Демак, озуқалардан ҳеч қандай чиқит чиқмайди. Бундай омилкорликнинг самараси шундаки, сигирлардан соғиладиган сут миқдори йил сайин ортиб бормоқда. Агар беш йил илгари ҳар бир соғин сигирдан йилига 3 минг 200 килограммдан сут соғилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 4 минг 200 килограммга етди.

— Имконият ўз қўлимизда,— дейди Сирож Усмонов коллектив ютуғини изоҳлаб.— Ер, техника, ишчи кучи ҳамда саноат чиқитларидан тежаб-тергаб фойдаланиш натижасида кўзлаган мақсадимизга эришяпмиз. Тежамкорлик эса партиямизнинг май Пленумида таъкидланганидек, ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосидир.

Сирож Усмонов бошлиқ ферма коллективи қорамоллар зотини яхшилашга алоҳида эътибор берди. Шу тариқа зотдор говмишларнинг сути ортаверди. Шунинг учун соғин сигирларнинг 30 проценти зотдор ғунажинлар билан алмаштирилди. Аслида тадбиркор мудир Сирож Усмонов гарчи районда хўжаликлараро қорамолчилик комплекси бўлса-да, моллар наслини ички имконият ҳисобига янгилади. Бунда у маъмуриятчилик йўли билан эмас, балки зооветеринария фани ютуқларига таянган ҳолда иш кўрди. Говмиш сигирларнинг зотидан бўлган ғунажинлар ва буқалардан ёш молларни урчитишда омилкорлик билан фойдаланилди. Ферма чорвадорларининг бу тажрибаси эндиликда райондаги бошқа хўжаликларга ҳам тарқалмоқда.

Колхознинг сут-товар фермасида ишлар намунали ташкил этилган. Бу ерда кишиларнинг ишдан сўнг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларидан тортиб, ҳар бир соғувчининг кунлик иши ҳисоб-эътиборда. Моҳир соғувчилардан Ҳабиба Исоқова ҳар сигирдан бир йилда 5 минг 200 килограмм, Матлуба Қаршиева эса 5 минг килограмм сут соғиб олиш мажбуриятини олган эдилар. Улар ярим йиллик планларини ошириб бажардилар. Сут-товар фермаси коллективи эса шу беш йиллик давомида ҳар бош соғин сигирдан йилига 5 минг килограммдан сут соғиб олинишини таъминлаш мажбуриятини олган.

Албатта, ярим миллионли шаҳар аҳолисини бир-икки колхозда етиштирилган сут билан таъминлаб бўлмайди. Самарқанд районида сутчилик яхши ривожланган хўжаликлар анча. Бундан етти йил илгари ташкил этилган хўжаликлараро чорвачилик комплекси хўжаликларни наслдор моллар билан таъминлаш ва молларни сўкимга боқишда катта роль ўйнаётир. Рамзий маънода, Самарқанднинг сут булоғи ҳам шу комплексдан бошланган, дейиш мумкин. Мазкур комплексда сутдан қолган ориқ сигирлар ва ҳўкизлар сўкимга боқилади, урғочи бузоқлар 15 кунлигидан боқиб ўстирилиб, шу ҳисобга хўжаликлардаги сигирлар ўрни тўлдирилади. Ҳозир комплексда 10 минг бош қорамол боқилмоқда. Эндиликда қорамоллар сонини бир ярим баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Қисқаси, Самарқанд районининг аҳдига вафодор чорвадорлари беш йиллик охиригача йиллик сут етиштиришни 25 минг тоннага етказиш билан Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Аҳмаджон МУХТОРОВ,
Игорь МОЧАЛОВ

ОЛИМ ВА ШОИР

Отаулла ОҚИЛОВ,
медицина фанлари доктори, профессор

Илк кузак пайти. Тошкентнинг Чиғатой даҳасидаги Пичоқчилик маҳалласида ўртаҳол деҳқон Зоҳид ака хонадонида ўн учинчи фарзанд дунёга келди. Бу хонадонни ҳам қон қақшатиб келаётган қизамиқ, чечак, безгак каби касалликлардан сурункали азият чеккан оила бошлиғи кенжа фарзандига шифокор бўлса ажаб эмас дея, Ҳаким деб ном қўйди. Ота ўзининг эзгу нияти рўёбга чиқишини кўролмади. Ҳакимжон тўрт ёшга қадам қўйганида отаси оламдан кўз юмди.

Ўз замонасининг аҳлу илм аёлларидан ҳисобланмиш биби Убайда отасиз қолган фарзандларини меҳр билан тарбиялади. Уларга ҳам ота, ҳам она меҳрини бахш этди. Уларни илмга, покликка, меҳнатга, хусусан, чин инсон бўлишга ундади.

Ота васияти, она даъвати Ҳакимжонни Тошкентдаги илк тиббиёт ўчоғи — медицина техникумига етаклади. Техникумнинг аълочи талабаси Ҳакимжон шаҳар касалхоналарида беморлар аҳволини кузатар экан, Октябрь ёғдусидан баҳраманд бўлиб, юксалиб келаётган серқуёш ўлкада шу шифокорлик илмига ўз умрини бахш этишга қарор қилди. Техникумни тугатиб, Самарқанд областига ишга йўлланма олди. Биринчи марта муолижалар ўтказар экан, ҳали тажрибаси етарли эмаслигини ҳис этди. Уша йили Самарқандда ташкил топган Медицина институтига биринчилар қаторида қабул қилинди. Институтни имтиёзли диплом билан битирган қобилиятли ёш шифокор аспирантурага тавсия этилсада, қалб

амри билан амалий ишга отланди. Тоғли Нурота районига врач бўлиб йўл олди.

Нуротада дув-дув гап:

— Районга катта дўхтур келибди...

Дарҳақиқат, шундай эди. Уша кезларда районда тўртта врач бўлиб, штатдаги ўн икки врачнинг ишини бир ўзи бажарар эди. Халқ соғлигини сақлашни ўзининг олижаноб бурчи деб тушунган ёш врач Ҳаким астойдил ишга киришди.

Уша пайтларда Нурота районида медицина хизмати анча аянчли аҳволда эди. Буни яхшилаш учун жонкуяр, ўтюракли шифокорлар талаб этиларди. Ҳаким эса, ана шундайлардан эди. У тиним билмай ишлаб ҳаммага танилиб қолди. Кечани-кеча, кундузни-кундуз демай қаерда бемор бўлса, ўша ерга чопарди. Касалларнинг дардига дармон бўларди...

Ўттиз бешинчи йилнинг сентябрь ойи. Касалхонанинг бош врачи Ҳаким Зоҳидий ишдан қайтди. Уйга келгач, кийимларини алмаштириб, чой ичишга ўтирди. Қош қорайиб қолганда эшикни бироз зарб билан тақиллатди. У дарҳол ташқарига отланди. Кўчада икки киши уч от билан турарди.

— Қани, доктор, отга мининг!— деди улардан бири.

Вақт алламаҳал эди. Тоғ этагида жойлашган Са-

Ҳиндистонлик адиблар— Ғафур ҒУЛОМ меҳмони.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси

ара қишлоғи яқин қолди. Отлар чарчаб, тердан ишиб, ҳансирамоқда. Ахир ўттиз чақирим йўлни осиб ўтиш осонми? От юриши секинлашгач, ши-окор сўради:

— Ўзи нима гап?

— Самара қишлоғида турувчи «Пролетар» колхо-и аъзоси, актив комсомол ёшларимиздан Холбиби Йўлдошевани пичоқлашибди!

— Пичоқлашибди?!— врачнинг юраги орқасига ортиб сўради,— Ким пичоқлабди?

— Эри. Озодликнинг ашаддий душмани, колхозга уқилиб кириб олган бойвачча.

— Сабаби нимада экан?

— Район хотин-қизлар йиғилишида қатнашгани учун, очилгинг келиб қолдими, деб пичоқлабди.

— Номард, уч-тўрт жойидан пичоқлабди-я,— ўшиб қўйди шериги.

Кўримсизгина уй, кичкинагина лампа хонани хира оритиб турибди. Ёш жувон қонга беланиб беҳуш тибди. Бир кампир унинг атрофида парвона. Врач арҳол амалий чоралар кўриб, жароҳатларини боғ-ади, укол қилди. Жувон бир оз ором топгандек ўлди.

— Онажон, йиғламанг,— дея юпатди врач,— Хол-ибини район касалхонасига олиб дароламиз. албатта тузалиб кетади.

Врач Ҳаким Зоҳидийнинг «Холбиби Йўлдошева — иллионлардан бири» очерки ўша пайтда республи-а ёшлар газетаси «Ёш ленинчи»да ҳам босилиб иққан эди.

Ўттизинчи йилларда Нурота районига радио етиб ормаган, электр станцияси қурилиши эса тўхтаб олган эди. Кинофильмлар намойиш этиш кўнгилда-дек эмасди. Бу ҳақда «Қизил Ўзбекистон» газета-ида танқидий хабар босилди. Шундан сўнг аҳвол ибдан яхшиланди. Ҳатто ҳаваскорлик тўгараклари шкил этилди, унга танқидий хабарлар муаллифи, ифокор Ҳаким Зоҳидий раҳбар этиб тайинланди.

Ҳаким Зоҳидий Нуротада бир неча йил ишлагач, амарқанд Медицина институтининг госпитал хирур-яси клиникасига чақириб олинди. Кейинчалик дам анатомияси кафедрасида ассистент бўлиб шлади.

Қайноқ ҳаёт қучоғидан қайтган меҳнатсевар йигит утун куч-ғайратини, қобилият ва шижоатини илмий-едагогик ишга қаратди. Ўқиш, изланиш ёш олимга увонч бахш этди.

У 1941 йили Тошкент Медицина институтида кан-дидатлик илмий даражасини олиш учун муваффақиятли равишда диссертация ёқлади...

Немис-фашистлари мамлакатимизга хиёнаткорона бостириб кирган ўша йили Ҳаким Зоҳидий ҳам минглаб кўнгиллилар қатори фронтга жўнади. Бироқ кўп ўтмай Ўзбекистон ССР ҳукумати илтимоси билан у армия хизматидан чақириб олинди ва ўзи таълим олган Самарқанд Медицина институтига ректор қилиб тайинланди. Кейинчалик Ҳаким Зоҳидий Тошкент Медицина институтида ректор бўлиб ишлади.

1947 йили Зоҳидий ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлди. У яна Нуротага борди. Район меҳнаткашлари ўзлари севиб қолган шифокорни шу райондан республика Олий Советига депутат қилиб сайладилар. Шу йили у Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри этиб тайинланди.

Янги министрга Бухородан телефон қилишди. Унинг зудлик билан бу ерга етиб келишини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов чақиртираётганини хабар қилишди. Тезда етиб борган Ҳаким Зоҳидий Усмон ота билан область районларини айланиб чиқди, меҳнаткаш халқимизнинг моддий аҳволи, сиҳат-саломатлиги билан яқиндан танишдилар. Ғиждувон райони марказида бўлиб ўтган бир кичик воқеа унинг хотирасида ўчмас из қолдирган эди.

Усмон ота ва Ҳаким Зоҳидий эрта наҳор район марказидаги чойхоналардан бирига кириб келишди. Ота чойхоначи билан саломлашиб, бир чойнак чой сўради. Кимлар билан мулоқатда эканини дафъатан сезмаган чойхоначи бурни чегаланган чойнакда, четги учган ва дарз кетган иккита пиёлада чой олиб келди. Усмон ота дарҳол район раҳбарларини бу ерга чақиртириб, аҳволни тубдан яхшилаш учун уларга бир ҳафта фурсат беради. Натижасини эса шахсан ўзи назорат қилади. Бу каби раҳбарнинг халқ фаровонлиги борасида ғамхўрлиги Ҳаким ака учун ҳаёт мактаби эди.

Яна ўқиш, яна изланиш! Ҳаким Зоҳидий Москвада СССР Медицина фанлари академияси институтларидан бирида таҳсил кўра бошлайди. У яна илм чўққисига интилиб, Иттифоқимизда, машҳур забардаст олим, меҳрибон устоз академик В. Н. Терновский раҳбарлигида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди.

Устоз ва мураббий Ҳаким Зоҳидий 40 йилдан ортиқ вақт ёшларга медицина сирларини ўргатди. У медицинанинг актуал масалаларига оид 60 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. Олий ўқув юртлари учун биринчи бор ўзбек тилида нашр этилган китобларнинг муаллифларидандир. Унинг ўзи етти фан кандидатига устозлик қилди. Бир шогирди эса докторлик диссертациясини ёқлади. У морфология фани соҳасида етук олим ва моҳир тарғиботчи сифатида кўпчиликка танилган.

Ҳикоямиз қаҳрамони табобат бўйича етук мутахассис сифатида танилган бўлса, уни кўпминг сонли адабиёт мухлислари ҳозиржавоб журналист-ёзувчи сифатида ҳам яхши эслашади.

«Қизил Ўзбекистон» газетасида унинг табобат мавзуидаги бир мақоласи эълон қилинганда, муаллиф номига газетхонлардан кўплаб миннатдорчилик хатлари келади. Ўша мактублардан бирига тўхталиб ўтмоқчимиз. Хат муаллифи Садриддин Айний эди. У шундай ёзади: «Ўртоқ Ҳаким Зоҳидович! Сизнинг 23 октябрда «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган «ТОРТИҚ» номли очеркингизни ўқидим. Бундан бурун ҳам медицина мавзуига оид бир ҳикоянгизни ўқиб эдим. Шунда сизда ҳикоячилик таланти борлигини сезган эдим. Сизни ўзбек адабиётида медицина фанини бадиий ҳикоялар орқали акс эттиришга чақираман. Янги кашфиётлар йўлида ҳаётий фикрлар юргизиб, янги ҳақиқатларнинг вужудга келишига йўл очишингиз мумкин. Агар ҳозирча «Тортиқ» каби ҳикоя ва очерклар ёзаверсангиз, келажакда шу мавзуда катта романлар вужудга келтиришингиз мумкин. Ўртоқлик саломи билан С. Айний».

Шундан сўнг унинг бадиий асарлари республика газета ва журналларида босилиб чиқа бошлади. Алоҳида китоб сифатида ҳам чоп этилди. Муаллифнинг кичик ҳажмли «Ватан учун», «Икки қаҳрамон» пьесалари Улуғ Ватан урушн йилларида Самарқанд театрида саҳналаштирилган эди.

Телетомошабинлар ва радио тингловчилар унинг «Қалб қукми», «Устозингни унутма», «Мурувват», «Курсдошлар» каби инценировкаларини мароқ билан кўришган ва тинглашган. Унинг ўткир сатирик асарлари «Муштум» журналида ҳам мунтазам босилган.

Ажойиб медик олим Ҳаким Зоҳидийнинг хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Икки марта «Ҳурмат белгиси» ордени ва кўплаб медаллар билан мукофотланди. Унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилган. Шунингдек, у СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси эди.



Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати УЙҒУН.

Беруний номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати, филология фанлари кандидати Музайяна АЛАВИЯ.

Н. Шарипов фотолари

РАССОМ ТЕМУР САЪДУЛЛАЕВ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Ғазал сеҳри.

Уйғур шоири Билол Назим китобига ишланган миниатюралардан.

Ой юзли ва ҳилол.

Висол.

Баҳром олтин қасрда.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони асосида ишланган расмлардан.

Баҳром мушкин қасрда.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори Солиҳ МУТАЛЛИБОВ.

ЭЗГУ ИЖОД

Музайяна АЛАВИЯ,
Беруний номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати

Дўстлик ва ҳурматдан туғилган қалбнинг муқаддас туйғуси — меҳру муҳаббатнинг жалолий шуъласи кишини комил инсон сифатида танитади. Мана шу севги олови ҳар қандай зангни тозалайди. Натижада одамнинг пок руҳи эзгуликка интиладиган, ёвузликдан ҳазар қиладиган бўлади. Санъаткорнинг ҳам руҳидаги, сийратидаги поклик, инсонийлик, билағонлик хислати яратган асарида кўриниб туради.

Ақл, қалб, ҳиссиётнинг тарозуси бўлган виждон яхшини ёмондан, оқни қорадан тез фарқ қилиб олиш хусусиятини юзага келтиради, зарарли одатларга, қабиҳликка, умуман, халқ томонидан рад этилган ярамасликларга қарши онгли курашишга ўргатади. Кўпчилик қизиққан масалани қўйиб, халқ кўнглидагидай ҳал қилувчи ижодкор севимли ҳам обрўли бўлади.

Бошқалар илғамайдиган томонларни кўра оладиган, теран мушоҳадали, ҳаёт ҳодисаларидан хабардор, воқеаларга одамларнинг муносабати қандайлигидан огоҳ, диди ўткир шоир, адиб, мунаққиднинг юритган фикри, ёзган асари ҳаққоний, ҳамма ишонадиган бўлади.

Ақлу идроки қудратли инсонни ва унинг ҳаётини тасвирлаган шоир, адиб юксак муҳаббат билан, руҳан, қалбан ҳис этиб, англаб, тушуниб ёзганда, маърифати ва маданияти асарида ҳам билинади.

Муҳаббат алангасининг ҳарорати таъсирида турли ҳолатлар юз беради. Дам изтиробдаги руҳ, иложсиз кўнгилнинг туғёни мана шу каби дил ва хаёлдаги нозик ва мураккаб томонларни намоён қилади, яъни лирик қаҳрамон гоҳ бепарво бўлади, гоҳ бирдан қанот ёзиб учади.

Муҳаббатда садоқат бўлади.

Улуғ Ватан уруши йилларида ватандошларимиз жудолик кулфатини бошдан кечирдилар. Уруш даҳшати, айрилиқ кулфати кечалари уйқу билан оромни қочирди, юздаги шодлик, кулгуни ўчирди. Маҳбублар ҳадик, ишонч аралаш жангдаги ёрларига омонлик тилаб, уларнинг ғалаба билан қайтишларини кутардилар:

Боққа кирдим гул, райҳондан
терганиң,
Ўйнаб кулган жойларимиз кўргани.
Ўт-ўчоқсиз жоним куйиб боради
Иложим йўқ сизга жоним бергани.

Ҳар ким сир айтади яқин дўстига,
Айтар сўзин қараб баланд пастига.
Йўлингизга: «Келасиз», деб қарайман
Қўйинг қадамингиз кўзим устига.

Шундай қўшиқлардан бирини ёзиб олиб: «Куйган ҳам қўшиқчи, суйган ҳам» десам, бир келин мағрур туриб: «Суйган ҳам биз, куйган ҳам!», — деган эди. Яна биттаси: «Иложимиз қанча: «одам ҳоврини одам кўтаради», деганлари ҳам, «меҳнат қайғуни қувади», деганлари ҳам тўғри экан. «Кетганларимиз келади», деб умид билан юрибмизда», — деди. Ўшанда инсонни, унинг меҳнатини қадрлаган Алишер Навоийнинг:

Ерни, дерларки, чекмиш юз жафо
мен зор учун,
Бўлса минг жоним фидо айлай
жафокаш ёр учун, —

деган байтлари дафъатан ёдимга келган эди.

Умид лаззат беради, ишонч шижоат бағишлайди. Дўстлик, аҳиллик бор жойда қийинчиликлар ҳам осон кўчади. Одам ўзини бардам сезади.

Ғамидин гарчи жон йўқ эрди танда,
Тирилдим лаълидин ўлдим деганда.

Ҳодисани шоир ўз кўзи билан кўриб, ҳис этиб, ўз фикрини югуртиб, ўз сўзи билан айтиши лозим. Ўз туйғуси билан тўлқинланиб, жўш урмаса, шеър чиқмайди. Сўзлар танланиб, ўз ўрнида ишлатилса, ўқувчи талабига жавоб бера олади, манзур бўлиб қўшиққа айланади. Шоирдан самимият, ҳиссиёт талаб қилинади, шеърдан эса, билим, завқ кутилади. Шоирнинг фикр доираси кенг, маънавий дунёси бой бўлса, мавзуга мос иборалар ва таъбирлар қўлласа, ўқувчига маънавий озиқ беради. Масалан, ғазалда лирик қаҳрамон бўлмиш ошиқ-маъшуқлар тили латиф бўлиши лозим. Қўлланган сўз, ибора, таъбир ва тасвирлаш воситалари мавзуга муносиб, ўз ўрнида ишлатилиши керакким, ошиқнинг ниёзи, шу билан бирга, қизлар табиати талаб қиладиган мардлик йигитда сезилиб турсин. Шунингдек, маъшуқанинг нози билан ҳаёси, яъни йигитлар табиати талаб қилган ҳаё, ибо ўз аксини топсин. Лирик қаҳрамон турли шароит, ҳар хил вазиятда яна бир хислат билан кўриниш бераверади: сийрат ва суратдаги гўзаллик ҳар гал бир фазилати билан ўқувчига завқ бахш этади.

Ижодкорнинг руҳий тўлқинлари, садоқат-самимияти ҳар сафар ўзгача: янада теранроқ, янада гўзалроқ; барчасида ҳам лирик қаҳрамон севги, садоқатда тенгсиз инсон сифатида кўз ўнгимизда гавдаланиб, меҳримиз, ҳурматимиз оша боради. Зеро, шеърдаги латифлик унинг табиийлигида ва равонлигида эканини унутмаслик, ўзи билмаган, ҳис этмаган фикрни шеърга солмаслик керак. Муҳаббат ҳақида шеър ёзмоқ учун, мантиққа мувофиқ хулоса чиқармоқ учун аввало севмоқ керак.

Ё раб, ул юзни дами кўзимга
пинҳон айлама,
Ё кўзимни андин ўзга юзга ҳайрон
айлама.

Жонима лаълидин ўзга лаълдин
берма ҳаёт,
Лаълиға жонимдин ўзга жонни
қурбон айлама.
(Навоий).

Мавзу, мазмунга кўра вазн, қофияга эътибор берилади, мана шунда шеърий асарнинг мусиқийлиги найкамалакдек товланади. Улуғ Навоийнинг «Хамса»сидаги беш достоннинг ҳар бири бошқа-бошқа вазнда ёзилиши ҳам бежиз эмас. Ҳар бир асарда қўлланилган бадиий воситалар мазмунни тўла-тўкис ифодалашга хизмат қилмоғи керак. Шеърда параллелизмнинг кўп қўлланиши ижодни ҳаётга яқинлаштиради. Кўзга кўринмаган руҳий олам билан кўринган нарсалар тенг қўйилиб, сурат ва сийратдаги яқинлик, ўхшашлик кўзда тутилади. Ишонч, эътиқод, урф-одат, иримларга боғланган ҳолда фалсафий хулоса чиқарилади. Зид ва тобе тушунчалар, қиёфа ва ҳолатлар эркин бир тарзда жонлантириб берилади.

Пари сўзи мисрада келса, шу байтда албатта девоналик, ақлу-ҳушни йўқотиш, телба бўлиш бор. Шоҳ — гадо, табиб — бемор, қуёш — зарра, шам — парвона доимо биргаликда қўлланилади. Ганж — хазинанинг қоровули, албатта, илон, аждаҳо бўлади. Ғазаллардаги ташбеҳ шеърнинг рангинлигини, таъсирчанлигини, тўғриси, бадиийлигини ошириш учун мазмунга тобе.

Ўтди хўблар ой каби, йўқдур орада
ул қуёш,
Воҳки, ул бадмеҳрни кўрмай ўтадур
моҳлар.
Хўблар зулфу занахдонига бординг,
эй кўнгул,
Ҳозир ул тундур қоронғу, йўлда
бордур чоҳлар.

Бир ғазалда бир неча санъат бор. Бир сўз бир неча маънода келган. Бу юксак санъат бўлиб, буни ийҳом дейилади. Юқоридаги шеърда «ой» сўзида ҳам гўзаллик, ҳам фурсат-вақт маъноси бор. Гўзаллар ойга ўхшаб ўтди, орада ул қуёш йўқ. Эссизким, у бадмеҳрни кўрмай ойлар ўтади. Бу ерда ҳам ой сўзи икки маънода: «афсуски, моҳлар (ойлар — гўзаллар) бу бадмеҳрни кўрмай ўтади ҳам у бадмеҳрни кўрмай ойлар (вақт, фурсат) ўтади.

Сочнинг узунлиги, қоралиги тункечага, ўрими занжирга, илонга ўхшатилади. Юздаги кулгич зиндон, чоҳга ташбеҳ қилинади. Маъшуқа ҳуснга бой: у — хазина, қоровули — илон (соч). Қора соч бошга савдо (луғавий маъноси: қора) солади. Бошга савдо тушса, одам жинни бўлади. Жиннини одатда занжирга соладилар. Бир-бирига зид ва тобе тушунчаларни бадиий воситалар, кўчма маънодаги сўзлар орқали ифодалаш кишига таъсир этади.

Шунинг учун яхши шоир яна халқдан ўрганишга ҳаракат қилади. Мавсум — табиат ҳодисалари, маросим — ишонч-эътиқод, урф-одат, иримларга боғлиқ ибора, таъбир, мақол ва бошқалардан ўринли фойдаланади.

Кўп мақол, таъбир, иборалар аҳолининг яшаш шароити, машғулоти, ишонч-эътиқодини акс эттиради. Уларнинг мазмунига халқнинг ҳаёт тажрибаси сингган бўлади. Қарғиш, олқишлар ҳам шу тариқа юзага келган. Деҳқончилик, чорва билан кун кўрадиган аҳолидан чиққан достончилар қўллаган иборалар, мақоллар ҳам ижодчи, ижрочи, тингловчи турмушига тегишли бўлади. Мисоллар келтирамиз: «Майиб нордай инграб»; «бўтадай бўзлаб»; «ит қувган танадай»; «оёғим тагига тариқ тўкиб, бир ҳийла қилмоқчи». Олқиш: «сулув суюб, югурик мингин». Қарғиш: «тўймагур»; «ёлчимагур». Мақол ва таъбирлар: «ҳолини билмаган ҳалок бўлади»; «борга бор дунё, йўққа тор дунё»; «оқ кўнгилнинг юзи кўркам»; «туси яхшидан тўнгилма (тортинма, чўчима)»; «эгри битганни эл тўғрилар»; «ел иши совурмоқ, ўт иши қовурмоқ»; «югурик тўқлигини билдирмайди, мард йўқлигини». Бу мақолларни, таъбирларни асосан деҳқонлар, чорвадорлар қўллайдилар.

«Қарчиғайдай қимтиниб», «итолгидай интилиб», «йўлбарсдай чопиниб», «қоплондай гирд уриб», «олғир қушдай ютиниб...». Бу мисралардаги ҳар бир сўз туб маъносига муносиб тарзда қўлланилган. Одам ва қушларнинг қайси ҳолатда қандай ҳаракатда бўлишларини тўғри мушоҳада этилган ҳолда ўхшатилган. Акс ҳолда, тасвир қоронғи, фикр сиқати йўқ — мажолсиз бўлиб қоларди. Масалан, қаҳрамоннинг отда кетиш тасвирида халқ шоири отнинг югуриклигини шундай тасвирлайди:

Тўплаб-тўплаб тўпни бузиб боради,
Жонивор қуйруғин сузиб боради.
Қаттиқ қистов билан, дўстлар,
ёронлар,
Қайси отга етса, ўзиб боради.

Қаҳрамон дунёсини шундай таърифлайди:

Ерининг хумори тутиб боради,
Қўшиғини чўлда айтиб боради
Уч кунлик йўлини бир кунда босиб,
Тўзони офтобни тутиб боради.

Вазн ҳам, оҳанг ҳам отда қаҳрамоннинг кетиб бориши тасвирини тўлдиради, тингловчининг чуқур таъсирланишига ёрдам беради. Тингловчи ҳам худди шу воқеаларда иштирок этаётгандай шавқланиб, завқи ортиб кетади. Уруш тасвирида мазмунни эркин очадиган вазн, қофиялар ишлатилади, мусиқийлик ўзгариб, жанг жараёнига тингловчини тортади.

Халқ оғзаки бадиий ижодида ортиқча пардоз бўлмайди. Халқ шеъри самимий, бадиий содда — кўпчилик онгига тез етиб боради, эсда қолади. Масалан, мунтазирлик ҳолати қуйидагича тасвирланади:

Куя-куя устихонлар кул бўлди.
Оқа-оқа кўзнинг ёши кўп бўлди.
Келар деб боққаним узун йўл бўлди,
Ер деб сарғайганим неча йил бўлди.

Ёки қизларнинг сайри боғ қилишлари эса мана бундай:

Қарасанг, олмалар, мевалар пишган
Пишгани тапиллаб тагига тушган,
Қизлар юрар атроф томоша гуллар
Кўрганлар ақлидан, ҳушдан адашган

Мужда — хушхабар келтирганда ҳис-туйғулар янада жўш уради:

Қирғий деган қуш ўлтирар қиёда.
Жамоллари ою кундан зиёда.
Ҳуснин кўрса шоҳлар юрар пиёда,
Жон олгувчи жонон кўрдим,
бувижон

Юқоридаги «қирғий деган қуш ўлтирар қиёда» анъанавий тайин мисрадир. Оғир ғам-андуҳни ифодалаган халқ қўшиқларидан қуйидаги мисраларни келтириш мумкин:

Кўрганларим менинг ёруғ дунёда,
Ғамим сони сочимдан ҳам зиёда.
Агар ундан қутулмоққа уринсам,
Ғамим — отлиқ, қочолмайман пиёда.

Ҳар юракка ларза соладиган бундай қўшиқлар одамлар кўнглидагини ифодалагани учун аллада ҳам, азада ҳам, тўйда ҳам айтилиб келинган.

Халқ шоир — жировларининг бадиий восита, таъбир, мақолларни қўллашидаёқ билими, ҳаётни зийраклик билан кузатиши билиниб туради.

1952 йилнинг ёзи эди. Халқ достончиси Ислом шоир Назар ўғли ҳамда бир колхозчи билан Хатирчи йўлида борар эдик. Кенг дала ё... ясани билан кўзга, кўнгилга ҳалова... берарди. Нарироқдан бир мол ўти... кетгандай бўлди. Эгаси етиб келиб «Шу ердан сигир ўтдими?», — де... сўради. Ислом ота: «Ўтди, ўғлим ўтди. Сариқ сигир, орқа оёғида оқи бир, Тасмачига қараб кетди», деди... Ҳайрон қолдим. Ўтиб кетган сигир... нинг ранги, орқа оёғида оқи борли... гигача, ҳатто қайси томонга кетгани... гача айтиб берди. Ўзи-ку, биз била... суҳбатлашиб, шу жойлардан ўтга... достончилар ҳақида, қишлоқлар тў... рисида гапириб борар эди. Демак... халқ манфаати билан яшайдиган... гражданлик туйғуси кучли кишида — у шоир ёки адиб бўлмаса ҳам, — ку... затувчанлик, мушоҳада юқори бўла... ди. Таъсирланиш, завқланиш учу... ҳам ақлу идрок, билим ва ҳиссиё... тўғри назар кўз, уриб турган юра... керак.

Истеъдод соҳиби, муҳтарам муал... лим Чингиз Аҳмаровнинг ҳашаматл... бинолар фойеси деворларига иш... ланган — ҳайратга соладиган, ўйла... тиб қўядиган, саёҳат қилдирадига... расмларининг мусиқийлиги кўнгилг... ҳаловат бахш этади. Бу асарларда... реал турмуш, табиат манзараси би... лан одам ички дунёси нақадар уй... ғун. Чингиз Аҳмаров тасвирлага... аёлларнинг қарашларига уларни... дилрабо назокати, латиф ҳаракат...

X АСРДА ТОШКЕНТ ҚАНДАЙ БЎЛГАН?

Тошкентнинг 2000 йиллиги

Фан тарихидан маълумки, Муҳам-
д Мусо ал-Хоразмийнинг «Суратул
» номли географик асари тарқал-
идан кейин араб халифалигида
нинг мазкур соҳаси бўйича изла-
лар изчил давом этди. IX—X
ларда ёзилган кўплаб географик
муалар географ-сайёҳлар томо-
ан тартиб берилган бўлиб, бу
рлар асосан «ал-масолик ва ал-
олик», яъни «йўллар ва мамла-
лар» қабилида битилган. Бу мавзу
роқ тавсифий географияга таал-
ли эди. X асрда яшаб ижод этган
ёҳ ва географлардан Истахрий ва
Ҳавқал географиядаги ана шу
алишнинг ўша даврдаги энг йирик
ояндаларидан эдилар.
Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳам-
 ал-Форисий ал-Истаҳрий Эрон-
г жануби-ғарбидаги Истаҳр шаҳ-
а туғилиб ўсади. У Шарқ мам-
атлари, жумладан, Хуросон ва
вароуннаҳр бўйлаб саёҳат қилади
930—933 йиллар атрофида «Китоб
олик ал-мамолик» («Мамлакатлар
лари китоби») номли асарини
ди. Истаҳрий бу асарида ўзидан
 оз илгари яшаган мовароуннаҳр-
 олим ва географ Абу Зайд Бал-
нинг асарини қайтадан ишлаб
қан бўлса ҳам Ўрта Осиё ерлари
ан яхши таниш бўлганлиги сабаб-
у ердаги вилоят ва ўлкаларни
и ва аниқ тавсифлаган. Истахрий
асарида хариталар ҳам келтиради.
Абул Қосим ибн Ҳавқал асли
додлик бўлиб, Истахрий билан
рли бир вақтда яшайди ва у ҳам
рқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат
ади. У 951 йили Истахрий билан
ашади ва унга асаридаги камчи-
ларини кўрсатади. Ибн Ҳавқал
ахрийнинг илтимоси билан унинг
рини тузатишга ва қайта ишлашга
ишади ҳамда 977 йили бу ишни
расига етказади. Ибн Ҳавқал ўз
рини «Китоб ал-масолик ва ал-
олик» («Йўллар ва мамлакатлар
би») деб атайди. Бу китобига у
хрийнинг асарини бутунлай ки-
ди ва қайта-қайта таҳрир қилиш
жасида уни кўп янгиликлар би-
лан бойитади. Хусусан, Ибн Ҳавқал ўз асарининг Ўрта Осиёга тааллуқли қисмини Истахрийга нисбатан анча мукаммаллаштиради. Шундай бўлсада, биз қуйидаги Ибн Ҳавқалнинг асаридан келтирилган Тошкент воҳасига алоқадор парчани Истахрий қаламига мансуб деб қараймиз. Бу парчадан кўринадики, мазкур олимлар Тошкент воҳаси Ал-Хоразмий каби Шош ва Торбанд («Гулистон» журнали, 1982 йил 4-сон) водийларидан иборат деб қарамай, балки Шош (Тошкент) ва Илоқ (Оҳангарон водийси) водийларидан иборат деб қараганлар. Демак, Тошкент воҳасининг чегараси Ал-Хоразмийдан Истахрий ва Ибн Ҳавқаллар замонигача ўтган қарийб 100—150 йиллик давр ичида шимолий томондаги ерлар ҳисобига бир оз торайган кўринади. Келтирилган парча X аср биринчи ярмидаги Тошкент (Шош) шаҳри ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Қавс ичида бизнинг изоҳлар келтирилди.

ШОШ ВА ИЛОҚ

Шош ва Илоқ ўлкасига келсак, унинг катталиги энига икки кунлик ва бўйига уч кунлик ўтиш масофасидан иборат. (Карвон билан ўтиладиган масофа назарда тутилади). Хуросон ва Мовароуннаҳрда жомий масжидларининг, обод қишлоқларининг ва иморатларининг кўплиги, ҳашаматлилиги ва аҳолисининг жасурлиги билан унга тенг келадиган ўлка йўқ. Ўлканинг чегараси бир тарафдан Хоразм кўлига (Орол денгизига) қуйиладиган Шош дарёсигача (Сирдарё) етади, иккинчи тарафдан эса Шош ва Исфижоб (Сайрам) орасида чўлдан Темир дарвозагача етади: бу ер Калас (ҳозирги Келес) деб аталади ва у яйловдир. Учинчи тарафдан ўлканинг чегараси тоғгача етади, бу тоғлар, у ерларга ёндашган обод қишлоқлардан бўлак, Шош вилоятига киради. Бошқа жойлар эса алоҳида турган деҳқончилик қилинадиган ерлардан иборат. Тўртинчи тарафдан ўлканинг чегараси насронийларнинг (христианлар) қишлоғи бўлмиш Винкардга бориб тақалади.

Шош текис ерда жойлашган бўлиб, унга ёндашган обод ерларда на тоғ ва на бирор тепалик бор. Шош туркларга қарши турган энг йирик чегаравий жойдир. Ундаги бинолар катта бўлиб, улар пахсадан қурилган. Ҳар бир хонадонидан сув оқиб ўтади, бутун шаҳар дарахтларга чўмиб ётади ва у Мовароуннаҳрдаги энг бақувват шаҳарлардандир.

Шош ва Илоқда дарвозалари, девор ва қалъалари, бозор ва анҳорлари кўп бўлган шаҳарлар талайдир. Шошнинг шаҳарлари мана булар: Бинкат, Данфиғонкат, Чинончкат (Чиноз), Нажокат, Банокат, Харашкат, Ашбинғу, Ардалонкат, Худайнкат, Кенгроқ, Калашжик (Келесча), Ғаржанд, Ғаནож, Жабузан, Вардук, Каборна, Ғадронак, Нужакат, Ғазак, Анузкат, Бағункат, Баркуш, Хотункат, Жабғукат, Фаранкат, Кодок ва Наколик.

Илоқнинг шаҳарларига келсак, уларнинг қасбаси (бош шаҳри) Пункат деб аталади. Унинг яна (бошқа) шаҳарлари: Сакокат, Банжхош, Навкат, Балоён, Арбилаҳ, Намузлиғ, Туккат, Хумрак, Пискат (Пискент), Куҳисим, Даҳкат, Хош ва Харгонкат.

Бинкат — Шошнинг пойтахтидир. Унинг шаҳристони ва қўрғони бор бўлиб, қўрғони шаҳристондан ташқаридадир. Шундай бўлса ҳам шаҳристон билан қўрғон умумий бир девор билан ўралган. Шаҳристон ёнида работ бор, унинг атрофи ҳам девор билан ўралган. Бу девордан ташқари яна бир девор, боғлар ва хоналар бор. Бу работ ҳам девор билан ўралган. Қўрғоннинг икки дарвозаси бўлиб, бири работ тарафига ва иккинчиси шаҳристон тарафига қараган. Шаҳристоннинг эса учта дарвозаси бор. Уларнинг биринчиси — Аббос дарвозаси, иккинчиси — Каш (Шаҳрисабз) дарвозаси ва учинчиси Жунайд дарвозаси деб аталади. Биринчи работда ўнта дарвоза бор: уларнинг биринчиси Работи Ҳамдайн дарвозаси, иккинчиси Ички темир дарвоза, бешинчиси — Суркад дарвозаси, еттинчиси — Чўл кўчаси дарвозаси, саккизинчиси — Рашдижак дарвозаси, тўққизинчиси — Хоқон кўчаси дарвозаси ва ўнинчиси — Деҳқон Қўрғон дарвозаси деб аталади. Ташқи работда еттита дарвоза бор: улар — Фағкат дарвозаси, Хоскат дарвозаси, Санждижак дарвозаси, Темир дарвоза, Бақрдижак дарвозаси, Сакрак дарвозаси ва Сағрбад дарвозаси деб аталади. Ҳокимнинг саройи билан қамоқхона қўрғон ичида, жомий масжид эса қалъа деворига ёндошган. Бозорларнинг бир қисми шаҳристонда, кўпроғи эса работдадир.

Шаҳарнинг ҳар бир тарафи бошидан охиригача бўйи ва энига бир фарсахга тенгдир. Барча анҳорлар шаҳристон ва работ орқали ўтади. Работда боғлар, сувлар ва ҳар хил бинолар кўпдир.

Сойлиғ деб аталадиган тепаликдан Калас рўпараси бўйлаб девор ўтади ва у Шош дарёсигача етади. Бу деворнинг қуриб тикланиши натижасида туркларнинг хуружига қарши тўсиқ ўрнатилди. Уни Абдуллоҳ ибн Ҳумайд ибн Савр қурган. Бу девордан бир фарсах масофада тоғдан дарёга йўналишда ҳандақ кавланган.

Шош вилоятида бошқа бир дарё бўлиб, у Шош дарёсига қуйилади ва у Турк (Чирчиқ) дарёси деб аталади. Унинг бир ирмоғи Пискомдан, бошқа бир ирмоғи Жидғилдон (Чотқолдан) бошланади. Лекин унинг асосий ирмоғи хазлаж турклари ўлкасидан бошланади. У Кажокат шаҳри яқинида Шош дарёсига қуйилади.

Илоқ вилоятида Илоқ (Оҳангарон) дарёси деб аталадиган бир дарё бор. У турклар заминида бошланади ва сувининг бир қисми Банокат рўпарасида Шош дарёсига қуйилади. Шошдаги бошқа жойлар сувни Турк (Чирчиқ) дарёсидан ичади.

Илоқнинг бош шаҳри Тункат бўлиб, у Бинкатдан икки баравар кичик. Унинг қўрғони, шаҳристони ва работи бор. Шаҳар атрофи Илоқ дарёси бўйлаб девор билан ўралган. Ҳокимнинг саройи қўрғон ичида жойлашган, жомий масжиди ва қамоқхона эса унинг ёнидадир. Бозорларнинг бир қисми шаҳристонда ва бир қисми работда. Буларнинг ҳар биридан ҳам анҳорлар ўтади.

Шош ва Илоқнинг боғлари ва экин экилган ерлари бир-бири билан буткул туташиб ва қўшилиб кетган бўлиб, улар Илоқнинг охиридан то Шош дарёсигача муттасил чўзилган. Илоқдаги тоғларда олтин ва кумуш конлари бор. Бу тоғларнинг орқа тарафи Фарғона чегаралари билан туташган. Илоқда пул зарбхонаси бўлиб, у ерда кўп миқдорда танга пуллар зарб қилинади.

Катталиги бўйича Бинкатдан кейин иккинчи ўринда Харашкат туради, ундан кейин катталиги бўйича Сутуркат келади. Шошнинг бошқа шаҳарлари эса булардан кичик.

Илоқнинг энг йирик шаҳри Тункатдир, бошқа шаҳарлари бундан кичик бўлса ҳам, лекин миқдори ундан қолишмайди. Мовароуннаҳрда пул зарбхоналари Бухоро ва Илоқдан бошқа фақат Самарқанддагина мавжуддир».

Ашраф АҲМЕДОВ,
физика-математика фанлари
кандидати

рсиб тушиб, ҳар бир асарнинг
далилиги кишини маҳлиё қилиб
и. Бир томондан, санъаткорнинг
рати ҳайратлантирса, иккинчи
ндан, расмларнинг жозибаси,
йлиги мафтун этади. Қараб кў-
из тўймайди.
анъаткор ҳар вақт бошқалар
рига ўзида эҳтиёж сезиб туради.
н эътиқод, гражданлик туйғуси,
каноб мақсад билан ижод қилган
и ўзининг таъсирчанлиги билан
авлоднинг табиатини шакллланти-
га қанчалик хизмат қилар экан?
и шу ўй-андиша унга тинчлик
айди. Ҳар бир ҳаракатда, тасвир
фодасида шу андиша сезилиб
ди. Юксак маҳорат, зўр билим,
чексиз муҳаббат натижасида юзага келган ғоявий-бадиий баркамол асар ёшлар ҳар томонлама етук инсонлар сифатида вояга етишларида муҳим тарбиявий роль ўйнайди. Таъма-ҳасад, хушомадгўйлик каби хору забунликка туширадиган ёмон иллатларга йўл бермайди, манфаатпарастлик, ҳаммадан ўзини азиз тутишлик, беҳаёлик, андишасизлик каби ярамасликлардан йироқ қилади.

Танилган санъаткор кўпчилик эҳтиром кўзи билан қараганида, шу ҳурматга лойиқ бўлиш учун кучи, истеъдодини, иқтидорини ишга солиб меҳнат қилади. Асарида шу руҳ акс этади. Билим, ақл, зеҳн бўлмаса, ҳис ва хаёлотдай маънавий қанот юқори парвоз қилолмайди. Билим, ақл билангина — эҳтироссиз ёзилган: ўйлатувчи, ҳайратга солувчи, гоҳ соғинтирувчи, дам отлантирувчи, эркаловчи, юпатувчи, ҳиссий тўлқинларсиз ёзилган шеър ҳаяжон билан ўқилмайди, таъсир қолдирмайди, ўқувчи кутган вазифани ўтай олмайди.

Ўз ҳаётини, ижодини халқ ҳаёти билан боғлаб келган ҳар бир санъаткор инсонни ва унинг дунёвий туйғу ва тушунчаларини юксак санъат билан тараннум этар экан, атроф-муҳит ва ҳавонинг соф бўлиши билан бирга ўқувчи, тингловчининг ҳам нафосатни ҳис қилиши, таъсирланиши зўр аҳамиятга эгадир.

Кимнинг маънавий тайёргарлиги бўлса, санъат асарларини теран тушунади.

Демак, чинакам санъаткор — ижод эгаси бутун борлиғи билан эзгулик, инсоннинг даҳоси ва гўзаллигига, беғараз дўстликка таъзим, эҳтиром билан, ёмонликка чуқур нафрат билан инсоннинг маънавий юксалишига ёрдам берадиган, одам ҳақидаги олижаноб тушунча ва ҳисларни мустаҳкамлайдиган асар яратади. Шу билан бирга, барча ёвузликлардан нафратланишга, барча фазилатларни севишга ўргатади. Санъаткор одам, замон талаб ва эҳтиёжига эътибор бериб, мураккаб турмушда инсон тақдири ҳақида ўйласа, ёзган асаридан давр нафаси келиб туради.

БОБОЛИ

Ёш ёзувчи Эркин Усмонов бобоси — машҳур созгар уста Усмон Зуфаров ҳақида «Бобом» номли қисса ёзди. Шу асардан парча босамиз.

ДУТОР

ХОНАМ деворида бир дутор осиғлиқ туради. Жуда нозик дид билан ишланган, ниҳоятда ихчам ва енгил дутор. Ичига жажжигина қўнғироқча ўрнатилган.

Қўлга олиб синчиклаб қарасангиз, унинг дастаси чўрт сингани ва кейинчалик уланганини, қопқоғидаги дарзлар ва қовурғалари ниҳоятда маҳорат билан елимланганлигини кўрасиз.

Ана шу дуторнинг уланган ери ҳам, дарзлари ҳам азиз ва қадрдон бўлиб қолган менга...

* * *

Бу дуторнинг ишланганига роппароса 30 йил бўлибди. Айтишларича, мен туғилган куни бобом устахонада ишлаб ўтирган экан. «Невара муборак бўлсин!» деб суюнчига келишибди.

Бобом эртасига эрта билан кечагина ишлаб битирган дуторини тўнининг барига ўраб Чорсуга (ўшанда биз Эски шаҳарда турардик), пиёда йўлга тушибди. Бобом шу тариқа дуторни менинг туғилган кунимга совға қилиб олиб келган экан. Ушандан бери у мен билан бирга.

Дуторнинг ёнига: «1952 йил. Уста Усмон иши» ва «1967 йил» деган сўз ва саналар ўйиб ёзилган.

1952 йил дуторнинг ишланган йили.

1967 йил эса...

* * *

...Уша куни нимаям бўлди-ю, деворда осиғлиқ дуторни олмоқчи бўлиб қўл узатдим. Шу пайт дутор бехосдан қўлимдан тушиб кетди. Бундай қарасам, ерда парча-парча бўлиб ётибди. Нима қилишимни билмай қотиб қолдим.

Орадан бир неча кун ўтди. Ҳамон дуторни бобомга кўрсатишга чўчир, уни ранжитишдан, хафа қилиб қўйишдан қўрқар эдим. Охири бўлмади. Дуторнинг ёрилган қопқоғи ва қовурғаларини газетага ўраб устахонага кирдим. Худди кутганимдек бўлди. Бобом лов этиб ёниб кетди.

— Вой, вой, вой! Эсизгина дутор-а! Бундан кўра, менинг белимни синдириб, мажағлаб қўяқолмайсанми? Шундоқ дутор-а! Кимнинг қўлига тушдим деб йиғлаяпти-я, шўринг қурғур!..

Нима дейишимни билмай, ломмим деёлмай чиқиб кетдим.

Орадан бир ҳафта ўтди. Яна устахонага кирдим. Бобом индамади. Кўринниб турибди — мендан хафа. Нима қилай ахир? Атайлаб ташлаб юборибманми?! Дераза олдида бўлак-бўлак бўлиб ётган дуторимни кўрдим-у, индамай чиқиб кетдим.

Орадан яна бир неча кун ўтди... Дарс тайёрлаб ўтирсам, онам кирди-да: «Опоқдаданг (мен у кишини шундай дердим) чақиряптилар!» — деди. Чиқдим. Устахонага киришим билан бобом ёнида турган қатор дуторлардан бирини олиб менга узатди.

— Мана! Таниялсанми?

Дуторни қўлга олдим-у, очиғи таниёлмай қолдим. У ёқ-бу ёғини ўгириб қарадим. Ичидаги жажжи қўнғироқчаси жиринглаб кетди. Унинг таниш товушини эшитдим-у, юрагим орзиқиб, алланечук ҳис қилдим ўзимни. Ҳа, бу ўша ўн-ўн беш кун олдин синдириб қўйганим, ўзимнинг дуторим эди. Нима дейишимни билмай ҳадеб: «Раҳмат, раҳмат, опоқдада»,— дедим.

Шу пайт дуторнинг дастасидаги сал-пал сезилиб турган улоғлиқ ерига ва елимланган қопқоғидаги дарзларга кўзим тушди-ю, ғалати бўлиб кетдим.

— Сингани билиниб турибди-ю, опоқдада! Бошқа дутор ясаб берақолинг?!

Бобомнинг бир чимдим қошлари чимирилиб, пешонаси тиришди:

— Бу-чи? Бўлмайдими?!— деди-да, дуторни қўлимдан олиб, у ёқ-бу ёғига кўз ташлади.— Бўлмаса, сотвораман!

— Ким ҳам буни оларди?— дедим бепарволик билан.

— Олади. Минг сўмга олади. Жуда қимматли дутор бу...

— Ж-жа бўлмаганда, қопқоғини алмаштириб берсангиз эди...— дедим бўшашиб.

— Шу қопқоғи учун-да. Салкам йигирма йиллик қопқоғ-а?! Кимда бор бунақаси?

Индамадим... Шу дутор ҳалиям ўзимда. У хонамнинг тўрида осиғлиқ турибди. Жуда нозик дид билан ишланган, ниҳоятда ихчам ва енгил дутор. Ичига жажжигина қўнғироқча ўрнатилган.

Дуторни қўлга олиб синчиклаб қарасангиз, унинг дастаси чўрт сингани ва кейинчалик уланганини, қопқоғидаги ва қовурғаларидаги дарзлар ниҳоятда маҳорат билан елимланганини кўрасиз. Унинг ана шу уланган ери ҳам, дарзлари ҳам азиз ва қадрдон бўлиб қолган менга... Бир вақтлар бобом ярим ҳазил, ярим чин қилиб бу дуторни «минг сўмга сотиб юбораман», деган эдилар. Бугун мен уни минг сўмга эмас, ундан ҳам ортиққа сотмайман. Чунки, у жуда қимматли дутор. Айниқса ҳозир... Қопқоғи ўттиз йиллик бўлганлиги учун эмас, албатта...

ҲАШАР

Холамникида қандайдир бир меҳмондорчилик ўтказиладиган бўлди-ю, ҳаммамиз ўша ерга отландик. Бобом биздан ярим соатча олдин ҳассани дўқиллатиб, пиёда йўлга тушди. Холамники яқин. Ораси икки-уч бекатча келарди.

Биз ҳам йўлга тушдик. Холамникига борсак, уч-тўрт киши ўтирибди бобом йўқ. «Қанилар?» десак, «Ҳали келмадилар» дейишди. Аввалига ҳайрон бўлдик. «Секин келаётгандирлар-да» деган фикрга келдигу, ўзўзимиз билан овора бўлиб кетдик.

Бу орада яна меҳмонлар келишди. Бир маҳал холам ошхонанинг эшигидан мўралаб мени чақирди.

— Опоқдаданг қаннилар?

— Билмадим, — елкамни қисдим мен. — Боя биздан олдин йўлга чиқувдилар. Анча бўлди...

— Боринглар дарров! Топиб келинглар! — деди холам жаҳли чиқиб. — Қари одамни кўчага ёлғиз чиқариб юборибсиз...

Холаваччам икковимиз кўчага отилдик. Келган йўлимиздан уйга қайтдик. Сўрадик, қарадик. Йўқ, устахона ҳам берк. «Битта-яримта оғайниларини учратиб, уйига кириб қолгандирлар», деган хаёлда яна орқага қайтдик.

Сал юрмай, муюлишда холаваччам биқинимга туртди.

— Аналар!

У кўрсатган томонга қарадим-у, анграйиб қолдим. Бобом яп-янги оқ кўйлагининг енгларини шимариб олган, кўлида теша. Янги қурилаётган иморатнинг томида нимандир чопаётган эди. Ёнида эса иккита йигит унинг ишини қизиқиш билан кузатиб туришибди. «Ана, томоша!» дедим ичимда.

Холаваччам икковимиз ўша томонга яқинлашдик. Кўча тарафда баланд нарвон, тагида катта-кичик тахталар, ходалар. Ерда майда-чуйда ёғоч бўлаклари, пайрахалар бетартиб сочилиб ётарди. Нарвондан томга чиқдик. Йигитлардан бири кўришатириб, хижолатомуз жилмайди.

— Шу... Томга пештоқ ўрнатаётгандик. Нотўғри қўйибмиз... Қайтадан кўчириб олдик. Бунинг устига пештоқнинг кунгира гулларинияам ўзи ўйғандим. Тескари чиқибди. Шунга Уста бува кўриб қолиб...

— Ҳашар қилишяптилар отахон, деди иккинчи йигит унинг гапини якунлаб.

Уларга шароитни тушунтирдик. Улар бобомга раҳмат айта-айта нарвондан тушишга кўмаклашишди. Бобом шунда ҳам юраколмай, ўзи тоқда искана билан ўйиб кўрсатган пештоқ-қошни кўрсатиб, қандай қилиб ўйишни тушунтиришда давом этяна алланималарни тинмай тайинлаэди.

— Уста бува бўлмаганларида, хкулгига қоларканмиз, — деди боя йигит кулиб.— Якши бўлди кўрқолганлари. Кўчада, қараб турдилатурдилар-да, кейин мени чақирдилар. Ҳаммаям бунақа қилавермай. Хатони кўриб-билатуриб ўзини кўмаганга солиб кетаверадиган одалар кўп-ку!? Қани энди, ҳамма одамга ўхшаган бўлса!..

* * *

Ўша иморат ҳозир ҳам бор. Жуобод, тинч-тотув хонадон. Уй эгани ҳам тез-тез кўриб тураман. Хкўришганимизда албатта бобомдау кишининг фазилатларидан гап оди. Мен ўша кўчадан тез-тез ўтканман-у бир нарсага эътибор бмаган эканман. Яқинда кўзим тушқолди. Ўша иморатнинг пештоқидакунгирадор гуллар орасига: «УсмонУсмон иши» деган сўзлар ўйиб ёзган экан. Энди билсам, ўша йибобомга бўлган ҳурматини ва мнатдорчилигини нақшга ҳам кўчирэкан...

СОЗЛАР СОЗ БЎЛСИН

Бобомнинг олдида ўтирганЁш, ҳаваскор хонандалардан брубобини қўлтиқлаб кириб кел қолди.

— Усмон ота, шу, негадир рубим... Овозининг мазаси йўқ. Бўчиқади, — деди у салом-аликкейин.

Бобом рубобни қўлига олди-у ёқ-бу ёғини айлантириб салмоқкўрди, кейин терисига бир-икки чтиб, кулимсираб қўйди.

— Буни кимдан олгандинг, ўғли

Йигитча устанинг номини айтганбобом бошини чайқаб кулди.

— Ўзим ҳам, ўшанинг иши бўкерак, дегандим. Яхши уста-ю, сал дангасароқ-да! «Шошилма, битириб, ўзингнинг кўнглинг тўлгунча бировга берма!» дейман, лоқ солмайди. Мана, оқибат!

Бобом шундай деб кичкина чоқчаси билан рубобнинг қорнкопланган терисини «ширт» эйиртди-да, кўчириб олди.

— Косасини қара!

Йигитча рубобни қўлига олМен ҳам қизиқсиниб қарадим. бобнинг косаси чала, юзагина киўйилган эди.

— Бунақада иш бўлмайди-да! койинди бобом,— шуям созБиринчидан овози чиқмайди, иккчидан, оғир, қўлни толиқтиради.

Йигитча худди врач беморнкасалликг белгиларини аниқ айбераётгандагидек «тўғри-тўғри» бош силкиб, маъқуллаб ўтирарди

— Куй чалиб, ашула айтиб бигга маъқул қилиш жуда қийинсўзида давом этди бобом.— Бордсоз номаъқул бўлса, унда чалаётодамгаям, тинглаётган одамгажавр. Дутор, тор, рубоб, ғижкосасини ишлашдан бошлан Қадимдан ўзи шунақа. Афлоту эшитганмисан?!

Йигитча «йўқ» дегандек бош чқади.

— Афлотун биринчи марот соз ишлаганида, унинг қорнини масдан, бутун ғўладан ишлаган эКараса, пўкиллаган товушдан босадо чиқмабди. Бунинг сабабини лаб, ўйинниг тагига етолмабди. Нлардан бир куни у кўчада ащайтиб кетаётган бир йигитни учра



қолмо: «қаердан келяпсиз» деб сурабди.

— Зиёфатдан, — дебди йигит. Унинг овози бўғиқ ва хира экан. Бир неча кундан кейин яна ўша йигитни учратиб қолибди. У яна ашулани ванг қўйиб кетаётган эмиш. Бу сафар Афлотунга унинг овози жарангли, тиниқ эшитилибди.

— Йўл бўлсин?— деб сўрабди Афлотун.

— Зиёфатга, — дебди йигит.

Шундан кейин донишманд сознинг ҳам қорни бўш, «оч» бўлса, овози яхши чиқса керак, деган фикрга келибди-да, сознинг қорнини ўйиб, қайтадан ишлабди. Натижада жарангли, овози юракни титратадиган соз дунёга келибди...

— Тушундим, тушундим, — дея кулди йигитча.

— Мана шунақа ўғлим. Кўркам, тиниқ овозли чолғу созандага ҳам, қонандага ҳам илҳом бағишлайди. Шунинг учун ҳам, созлар соз бўлиши керак!..

ИККИНЧИ УЧРАШУВ

Мен бу одамни биламан... Исм-фамилияси Тўхтамурод Мирсоатов. Филология фанлари кандидати. Тилшунос олим. Дуторни жуда қотириб чалади. Шу боисдан бўлса керак, у бобом билан жуда қадрдон эди. Ҳозир ҳам баъзан уйга келади, бобом ҳақида гапиради, ўтган-кетганларни эслайди.

Хуллас, ана шу кишн урушдан кейинги йилларда илмий иши юзасидан машҳур бахши Фозил Йўлдош ўғли билан ота-бола тутинган, ораларида бўрди-келди ҳам бор экан.

Эллигинчи йилларнинг бошларида Фозил шоир Тошкентга, унинг уйига келадиган бўлибди-ю, Тўхтамурод ака бу ҳақда бобомга хабар қилибди. Бобомни Фозил ота билан учраштириб, таништириб қўймоқчи экан.

Шундай қилиб, айтилган вақтда, бобом Тўхтамурод аканинг Тахтапулдаги ҳовлисига йўл олибди. Ўша пайтларда ҳам Эски шаҳардан Тахтапулга троллейбус юраркан. Чиқиб, риндиққа ўтирибди. Ўтирибди-ю, ён атрофдаги дераза олдида ўтирган йигитга салла ўраб, эгнига кенг олачопон кийиб олган чўққи соқолли кишн тушибди. Чолнинг бу ерни ёт эмаслиги шундоқ сезилиб турар, гоҳ-гоҳдеб атрофга кўзларини жовдиратиб қарар экан. Афтидан ниманидир



сурамоқчи буларкан-у кимдан сўрашни билмай ҳайрон ўтираркан. Ёнида кичкина хуржун, тиззасида эса ғилофга солинган қандайдир чолғу асбоби... «Фозил шоир деган шу кишидир» — дея кўнглидан ўтказибди бобом. Чол ўриндиқлар орасидан ўтаётган йигитнинг этагидан тортиб, хирқироқ товушда сўрабди:

— Бул мошин Тахтапулга борадими?

— Боради, боради, — дебди йигит ва олд тарафга ўтиб кетибди...

— Мен ҳам ўша ерда тушаман,— дебди бобом.— Узим айтаман сизга.

Чол бобом томонга: «Сендан сўраганим йўқ!» дегандек қовоғини солиб бир қараб қўйибди-да, юзини тескари бурибди.

Бобом Фозил шоир шу одам эканлигини ички бир туйғу билан ҳис қилибди-ю, бу болалардек содда мўйсафидга тегажоқлик қилгиси келибди. Секин у ўтирган ўриндиқнинг орқа томонига ўтибди. Чолнинг елкаси оша мўралаб тиззасида маҳкам ушлаб ўтирган ғилофдаги созга имо қилибди.

— Ғилофдаги қанақа асбоб ўзи, дўмбира эмасми?

Чол чўчиб орқасига қарабди.

— Сенинг не ишинг бор?

Бобом аста қўлини узатибди.

— Қани бир кўрай, жуда кичкина-ку?!

Чол унинг қўлини итарибди.

— Қўлингни тортш! Торт қўлингни!

— Бир кўрақолай! — дебди бобом.

— Жўқ! — дебди чол бобомга хавфсираб кўз ташлаб қўяркан.

— Вой-бў, шуниям қизғонадими, ота? — дебди бобом ғилофга яна қўлини тегизиб.

— Жаҳлимни шиқарма! — дебди чол тутақиб ва хуржуни билан дўмбирасини олибди-да, бобомга кўзини олайтирганча қараб, нарироққа ўтиб ўтирибди.

Троллейбус йўлга тушибди. Бобом бора-боргунча чолдан кўзини узмабди, чол ҳам унинг нигоҳини сезиб, тез-тез у томонга шубҳаланиб қараб қўярмиш... Тахтапулда олдинма-кейин троллейбусдан тушишибди. Олдинмакетин бир тарафга йўл олишибди. Чол бундай қараса, бобом унга эргашиб келаётганмиш. Шартта тўхтабди.

— Сен нега ортимдан журибсан?

— Менням йўлим шу ёққа!— дебди бобом унинг Фозил шоир эканлигига сира шубҳа қилмасдан.

— Бор! Кетабер унда! — дебди чол норози оҳангда.

Бобом олдинга ўтибди. Изма-из боришаётган эмиш. Бобом сал қадамини секинлатса, чол хавотирланиб тезарак-атрофга сергакланиб қарар эмиш. Шу кўйи олдинма-кетин Тўхтамурод аканинг ҳовлисига етиб келишибди. Эшик олдида турган мезбон уларни бирга кўриб қувониб кетибди.

— Ие, ие, ассалому алайкум! Алақачон топишиб олибсизлар-ку?!

— Ҳа, мана, Поэзл ота билан ҳангомалашиб келяпмиз, — дебди бобом кулиб.

Фозил шоир бир бобомга, бир мезбонга ҳайрон бўлиб қарабди-да, бобомни кўрсатиб:

— Мана у ортимдан журибди,— дебди.

Мезбон Фозил шоирнинг қўлидан хуржунини оларкан, кулибди.

— Ие, мен сизга айтганим Уста Усмон шу киши бўладилар-да!

Шундан кейин Фозил Йўлдош ўғли билан бобом қайтадан кўришибдилар. Дастурхон устида суҳбатлашиб ўтиришаркан, Фозил шоир ғилофдаги дўмбирасини олибди. Бобом қараса, дўмбиранинг қопқоғи ўрнига оддий фанер ўрнатилиб, устидан ип билан боғлаб қўйилганмиш. «Ота ўзинча устачилик қилган кўринади», дея кўнглидан ўтказибди бобом. Ва шу куни меҳмондорчиликдан сўнг шоирнинг дўмбирасини ўзи билан олиб кетибди. Орадан икки-уч кун ўтмай, дўмбира Устанинг қўлида яна асл ҳолига қайтибди.

Бобомнинг Фозил Йўлдош ўғли билан биринчи учрашуви шундай бўлган экан. Иккинчи учрашуви эса...

* * *

Иккинчи учрашув қарийб 30 йил кейин содир бўлди. Мен бу учрашувни кўрганман.

1975 йил. Фозил Йўлдош ўғлининг 100 йиллик юбилейига тайёргарлик кетаётган кезлар... Узбекистон ССР Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи залларида шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган экспонатлар ўрнатилаётган экан. Нимаям бўлибди-ю, музей хизматчиларидан бири Фозил шоирнинг дўмбирасини қўлидан тушириб юборибди. Дўмбира ерга тушиб, парча-парча бўлиб кетибди...

Уни зудлик билан бобомга келтиришди. Бобом дўмбирани қўлга олди-ю, бир зум хаёлга чўмиб қолди. Негадир юпқа лаблари унсиз шивирлар, афтидан нималардир ёдига тушган эди. Ҳа, бу ўша ўттиз йилча муқаддам ўзи Фозил шоирга тузатиб берган табаррук дўмбира эди.

Шу куни бобом машҳур шоир билан яна бир бор учрашди. Бу иккинчи учрашув эди!..

ҲУНАР

Бу воқеага олтмиш йилдан ортиқроқ вақт бўлган... Ўшанда бобом номи эндигина тилга тушган созгар усталардан бири экан. Унинг Эски шаҳардаги кичкинагина устахонаси ҳамиша гавжум бўларкан. Бир пиёла чой устида бошланган ғазалхонлик, куй-қўшиқларга уланиб кетаркан. Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Ҳожи Абдулазиз, Шораҳим Шоумаров, Абдуқодир сурнайчи, Уста Олим Комилов сингари машҳур хонанда ва созандалар, Мавлоно Камнй, Мискин. Хислат, Абдулла Қодирий сингари адиблар ҳам у ерга тез-тез ташриф буюриб туришаркан.

Эсимда бор. Бобом айниқса, тенгги йўқ созанда Султонхон танбурнинг номини фахр ва ғурур билан тилга оларди. Яқин-яқингача: «Мен асбобларни созлашни, нола қаердан чиқишини Султонхондан ўрганганман», дегувчи эди.

Маълум бўлишича, Султонхон танбур ҳам ҳали ёш бўлишига қарамай маҳорати билан донг чиқарган бобомни жуда ҳурмат қилар, уни эркалаб «Дўсирим» деяр экан. Ўша кишн бир куни бобомни ўз юртига, Чимкент тарафга саёҳатга таклиф қилибди. «Жуда баҳаво ерлар. Бир ҳордиқ чиқариб келасиз. Ҳофизлар бўлишади. Ҳар эҳтимолга қарши улбул асбоб-ускуналардан, ҳаррак, иплардан олволинг!» деб тайинлабди.

Шундай қилиб, беш-олти киши сафарга отланишибди. КунниНг иссиғи лоҳас қилибдими ё қимиз ёқмабдими, Чимкент йўлида бобомнинг тоби қочиб қолибди. Ҳамроҳлари уни йўл ёқасидаги бир чойхонада қолдириб: «Эртага қайтишда ола кетамиз»,деб йўлга тушишибди. Бобом шу кеча чойхонада қолибди. Чойхоначи ўлгудек баджаҳл, қўрс кишн экан. Унинг олдига лаби учган пиёла билан бир чойнак чой қўйибди-да, қайтиб хабар олмабди.

...Бобом кун ёришганда кўзини очибди. Арикда юз-қўлини ювиб, қийиқчасига артинаётган экан, чойхонанинг токчасида турган дуторга кўзи тушиб қолибди. Бориб қараса, на харраги, на қулоғи бор эмиш. Бунинг устига пардалари ҳам узилган, қопқоғи ёрилиб ётган эмиш. Дуторни жойига қўйибди-да, чойхона атрофини айланиб, уч-тўртта ёғоч бўлакларини топиб келибди. Асбобларини олиб ишга киришиб кетибди. Аввал дуторнинг қопқоғини елимлабди. У қуриб тургунча қаламтароши билан бояги ёғоч бўлакларидан харрак, қулоқ ишлабди, парда боғлабди. Кейин дуторга ип тортиб, созлаётган экан, чойхоначи кириб қолибди.

— Ие, нега дуторга тегдинг? — дебди кўзларини ола-кула қилиб.

— Шу... У ер-бу ерини бир кўрай деб олгандим, — дебди бобом гуноҳкорона оҳангда.



— Сенга биров олиб кўр, дедими? — Овозини баландлатибди чойхоначи ва дуторни унинг қўлидан олиб жойига қўйибди. — Ахир, уни Султонхон қўлларига олиб чалганлар-а! Мен буни у кишидан тошкентлик Уста Усмонга тузаттиришга бериб юбормоқчи бўлиб эдим. Нега қўлингдан келмаган ишга уринасан?..

Бобом индамабди. Яна ичкарига, ўрнига кириб кетибди.

Кун тушдан оққанда, бир отлиқ йигит келиб чойхоначидан: «Уста Усмонни чақириб беринг!», дебди. Чойхоначи ҳайрон бўлибди.

— Қанақа Уста Усмон?

— Қанақа бўларди? — дебди йигит. — Созгар уста-да! Тошкентлик меҳмон!

Бобом йигитнинг товушини эшитиб, ичкаридан чиқибди.

— Ҳорманг, тузукмисиз уста? — дебди йигит у билан кўриша туриб.— Султонхон оға айтдилар. Эртага эрта билан сизни бу ердан олиб ўтиб кетишар экан. Бугун қишлоқда тўй бор экан, шунга ушланиб қоладиган бўлишди. Айтмоқчи, дуторнинг ипидан бериб юборар экансиз!

Бобом «маъқул» ишорасини қилибди-да, ичкаридан икки-уч ўрам дутор ипи олиб чиқиб берибди. Чойхоначи эса бир бобомга, бир отлиқ йигитга қараб кўзларини пирпиратар, ҳадеб: «Тавба! Уста Усмон деганлари шу йигитми? Еш-ку ҳали! Жуда ёш-а?!» дер эмиш.

Шундан кейин чойхоначи бобом билан қайтадан сўрашиб, узр айтибди ва дастурхон ёзиб, янги чой дамлабди. Узи эса бешбармоқ тайёрлашга киришиб кетибди.

Кейинчалик бу воқеани Султонхон эшитиб, қотиб-қотиб кулибди.

— Кўрдингизми?!— дебди у бобомга ўгирилиб. — Ҳунарли-илмли одамнинг номи ўзининг қадами етмаган жойларга ҳам етиб боради!..

Эркин УСМОНОВ

Шифобахш маскан

Худойберди РАҲМЕТОВ,
УзССРда хизмат кўрсатган врач, Кисловодскдаги «Ўзбекистон» санаторийси бош врачи

Кисловодскдаги «Ўзбекистон» санаторийсининг дастлабки дам олувчиларни қабул қилганига бу йил ноябрь ойида роппа-роса 50 йил тўлади. Бу давр ичида республикамизнинг минг-минглаб меҳнаткашлари ҳамда партия ва совет ходимлари санаторийда ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини тиклаб, меҳнат қучоғига қайтдилар.

«Ўзбекистон» санаторийсини, совет давлати онласидаги халқлар дўстлиги, қардошлиги ғоясининг ёрқин сили касали билан оғриган ярадорлар учун ҳарбий госпиталнинг бир бўлимига айлантирилди. Уруш тугагандан кейин 1945 йил июнидан бошлаб Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети топшириғига биноан санаторийни яна республикамиз ўз ихтиёрига олди. Бино сақланиб қолган бўлса-да, бироқ у бутунлай қайта таъмирга — ремонтга, янгидан тўла жиҳозлантиришга муҳтож эди. Шу сабабдан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети 1945 йил 10 сентябрда «Ўзбекистон» санаторийсини тиклаш тўғрисида кўрсатма берди. Бу қарорга биноан Ўзбекистон ССР партия ва совет ходимлари активларининг даволанишлари учун санаторийни ремонт қилиш, жиҳозлаш ва кенгайтириш мўлжалланди ҳамда бу мақсад учун маблағ ажратилди. 1946 йил ғалаба куни олдидан санаторийнинг бош врачи Ўзбекистоннинг дастлабки дам олувчиларини қабул этишга тайёр эканлигини хабар қилди.

Шу тариқа «Ўзбекистон» санаторийси яна даволанувчилар билан гавжум бўлди. Йилдан-йилга дам олувчилар сафи кенгайиб борди. Уч корпусдан иборат санаторий биноси талабга жавоб беролмай қолди. Тор хоналарга жойлашган физиотерапевт ва бошқа тиббий хоналарда даволаш хизматини ўташ анчагина қийинчиликлар туғдирарди. 1954 йил ноябрь ойида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бу ерда уч қаватли янги корпус қуриш планини тасдиқлади. Бу корпус 1956 йили фойдаланишга топширилди. 1961 йили эски ошхона биноси ўрнида янги клуб-ошхона қурилди. 1966 йилда эса, санаторийнинг 3-корпусини қуришга киришилди. Мазкур бино санаторийнинг бош корпуси бўлиб қолди. Умуман, урушдан кейинги йиллардан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети санаторийни кенгайтиришга, даволанувчиларнинг дам олиш шароитини яхшилашга, бу ерда даволанувчиларга тиббий ёрдам беришни янада юксалтиришга мунтазам суратда ғамхўрлик кўрсатиб келдилар. Айниқса, табобат коллективини юксак малакали врач ва ҳамширалардан иборат қилиб уюштиришга, уларни энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилди. М. Н. Назаров, Б. Қ. Қосимов, М. Н. Ҳайитов, С. К. Каримов, Г. З. Отабоев, А. С. Ботирбеков ту ли вақтда бош врач бўлиб са торий коллективини бошқардил Ҳозир ҳам коллективимизнинг асос негизини тажрибали, қўли енг шифокорлар ташкил этадилар. Р публикада хизмат кўрсатган вр Анвар Сатторович Ботирбековни хизматлари катта ҳурматга лойиқ.

Кейинги йилларда санаторий ко лективи янада мустаҳкамланди. Ш фокорлар даволанувчиларга аъ даражада хизмат кўрсатиш ҳам юксак тиббий маданиятни эгалл ҳаракатига қўшилганлар. Ўзбекі тонда хизмат кўрсатган врач Р. Солматова, Б. И. Радомская, Н. Гогричиани, Л. А. Сахарова, С. А. Ч мак, бош тиббий ҳамшира А. Т. Пол кина, катта тиббий ҳамшира В. Петрова, тиббий ҳамширалар Л. Воробьева, Н. Е. Сибирцева, Л. Рудова, М. П. Фичкина, Е. Х. Богд сарова, М. Л. Лучкина, О. Г. Закар ва, М. М. Черная, Н. М. Баскаев С. В. Мочалина, Н. Д. Еремина, к чик тиббий ҳамширалар Р. И. Мак ренко, Л. Г. Девяткина, М. Блохин В. П. Каргина, кутубхоначи К. И. М марозова, хўжалик ишлари мудир Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Кибизов, Ўзбекистонда хизмат кў сатган автотранспорт ҳайдовчи Г. А. Парнакян, хўжалик ишла

Кисловодск шаҳридаги «Ўзбекистон» санаторийсининг тажрибали шифокорлари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врачлар: медицина фанлари кандидати Римма Тембуловна Солтамова (чапдан ўнгга), Валентина Ивановна Радомская ва Нина Григорьевна Гогричиани санаторий ҳовлисида ўзаро суҳбатлашаётирлар.

тимсолидир, десак янглишмаймиз. Зеро, Ўзбекистоннинг кичик бир бўлаги — санаторийнинг босиб ўтган катта йўлида халқимиз турмуш тарзи, қудрати, ютуқлари кўзгудагидек акс этиб турибди.

1932 йилнинг 7 ноябрида Кисловодскда қурилган Акмал Икромов номли санаторий Ўзбекистондан ташриф этган биринчи дам олувчи-даволанувчиларни қабул қилди. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ҳамда республикадаги Бутуниттифоқ курортология бўлимининг 1932 йил 26 апрелидаги шартномасига кўра Кисловодскдан санаторий учун 0,9 гектар ер ажратилган ва қурилиш ишлари бошлаб юборилган эди. Санаторийнинг ишга тушган уч корпусдан иборат бу биносига 20 киши жойлаша оларди, мавсум бўйича эса даволанувчилар сони 75 кишига етарди.

1937 йилдан бошлаб санаторийга «Ўзбекистон» номи берилди. Улуғ Ватан уруши даврида, 1941 йилдан 1945 йилгача бу шифобахш маскан СССР Мудофаа Халқ Комиссарлиги Санаторийлар Бош Бошқармаси ихтиёрига ўтказилди ва актив ўпка



та усталари, саноат корхоналари-
г ишчилари, партия ва совет
димлари дам олдилар ва даволан-
ар. Улар орасида Усмон Юсупов,
марта Социалистик Меҳнат Қаҳ-
мони Ҳамроқул Турсунқулов, ака-
мик Қори Ниёзий, Ғафур Ғулом,
зир Сафаров, СССР халқ артист-
и Ҳалима Носирова, Мукаррама
ғунбоева, академик СодиқАзи-
в, профессор Қўчқор Миразизов
гари республикамизнинг атоқли
боблари ва машҳур кишилари ҳам
эди.

Партия ва ҳукуматимиз санаторий-
ҳар тарафлама талабга жавоб
радиган шифобахш даргоҳ дара-
сига кўтаришга, даволанувчиларга
сатиладиган маданий хизматни
янада яхшилашга эътибор бериб
ди ва эътибор бераётир. Шу мақ-
да 1971 йили республикамиз ҳу-
латининг топшириғига биноан сана-
ий Ўзбекистон ССР Соғлиқни
лаш министрлиги ҳузуридаги Тўр-
чи бош бошқарма идораси қара-
ига ўтказилди.

Дарҳақиқат, ишлар жонланиб кет-
Тўққизинчи беш йилликда 150
шилик замонавий беш қаватли
рпус фойдаланишга топширилди.
да даволанувчилар учун барча
айликлар мавжуд. Дам олувчилар
атларга лифт орқали кўтарилади-
. Хоналар замонавий мебеллар
ан безатилган, идиш-товоқлар,
онавий ёритқич аппаратуралар
ан таъминланган. Шунингдек, бу
да янгидан чиройли клуб-ошхона
қурилди. Барча тиббий ўринлар
акали мутахассислар билан тўл-
илди. Бинобарин, табобат соҳаси
ича бош врач ўринбосари, меди-
а фанлари кандидати, Ўзбекис-
да хизмат кўрсатган врач Р. Т.
матова, Ўзбекистонда хизмат
сатган врачлар, табобат бўлими
ири Н. Г. Гогричнани, терапевт
1. Радомская, рентгенолог О. И.
инова, касалликни белгиловчи
М. М. Дельводянц, терапевт
. Бонкрошковлар олий ва бирин-
даражали шифокорлардир.

ўгунги кунда ҳам шифокорлари-
нинг малакаларини оширишга, са-
риймизни янги-янги кабинетлар
ан бойитишга астойдил ҳаракат
пмиз. Ҳозир санаториймизда 28
даволовчи кабинет мавжуд.
из шу атрофдаги бошқа табобат
анлари билан мунтазам суратда
риба алмашиб турамиз. Айни
да 9 қаватли янги корпус биноси
лишини муваффақиятли якунлаш
расидамиз. Коллективимизнинг
лигидан, ўз касбларининг моҳир
ри эканлигидан фахрланамиз.
эбийчиликнинг яхши йўлга қў-
энлиги, меҳнат ветеранлари би-
учрашувлар, сиёсий ўқиш ва
а тадбирлар кадрларни тар-
эшда катта аҳамиятга эга бўлаё-
Мана шундай тадбирлар туфай-
еспубликамиз партия ва ҳуку-
раҳбарлиги остида Ўзбекистон
Соғлиқни сақлаш министрлиги
идаги Тўртинчи бош бошқар-
иг бевосита ёрдами ҳамда
Кисловодск шаҳар комитети
ҳар ижроия комитети халқ де-
ари Советининг эътибори би-
изнинг аҳил коллективимиз ҳар
Кисловодск курорти шифохона-
коллективларининг социалистик
ақаси якунида ғолибликни қўл-
ритаётир. Коллективимизнинг
ҳар йили шаҳар ва «Кавказ-
дравница» газетасининг Ўлка
й тахтасига ёзиб келинаётир.
иг учун ҳам 1981 йилда биз-
коллективимизга «Коммунистик
коллективи» деган юксак ном
ди.

йил — коллективимиз учун
масъулиятли ҳамда шарафли
. Чунки биз қўшалоқ бай-
СССР ташкил топганлигининг
лиги ва санаториймизнинг ол-
ий —50 йиллигини кутиб олаё-
. Коллективимизнинг даволa-
эрга кўрсатаётган юксак мада-
бутун хизмати ва ташаббуси
саноларни муносиб кутиб
қаратилган.

Жўра РАҲИМ

ОЛҚИШ

Катта йўл — текис асфальт
Завқ қўзғатар чинакам.
Йўловчи юрса ҳар вақт
Ҳузур қилади ҳар дам.

Собиржон ҳам шу йўлдан
Дала томон келарди.
— Велосипед-дулдулда
Шамол каби еларди.

Ногоҳ унинг кўзига
Ҳамён чалиниб қолди.
Тўхтаб, қайтиб изига
Уни қўлига олди.

Эшак миниб узоқда
Кетарди бир мўйсафид.
Интилди ўша ёққа,
Тез жилди велосипед.

Ортидан қувиб етди,
Салом бериб тўхтатди.
Чолнинг олдидан ўтиб,
Шошганича сўз айтди:

— Бобо, бу, сизникими?
Мен йўлдан топиб олдим...
Чол кўзин катта очиб
Ҳамёнга боқиб қолди.

— Ие, шошма-чи, қўзим,
Ахир менiки-ку бу!
Қаерда эди кўзим,
Шўрим қуриганкану...

Кам бўлма, раҳмат! Балли!
Умрингдан барака топ!
Бозорга бориб ҳали
Сабзи сотгандим ўн қоп,—

Дея ичин қараса,
Ҳамма пули турибди.
Ота Собирни алқаб,
Пешонасидан ўпди.

ТАРИХ ДАРСИДА

Тарих дарсида
Ҳамма жамул-жам.
Суҳбат мавзуи:
Қадимги одам.

Ўқитувчи дер:
Норга қараб:
— Сан,
Аждодларимиз
Тўғрисида фан —

Нималар деган?
Қани айтиб бер.
Норвой:
— Унда мен
Йўқ эдим-ку,— дер.

Болаларга ўқиб беринг

АВТОМАТ

Ўткиржоннинг акаси
Олиб берди автомат.
Тепкисин босиб дарҳол
Ота бошлади: пат-пат.

— Ўғлим, бу ўйинчоқни
Укангга ҳам бериб тур.
Тандирга нонни ёпай,
Йиғлатмай ўйнатиб юр.

— Йўқ, бермайман,
онажон,
Ишимизни бузади,
Ёпилмасдан туриб нон
Тандирга ўқ узади.

АЧИНДИМ

Содиқ дўстига
Хат ёзди кеча:
«Зоопаркда-чи,
Бўлдик биз пича.

Фил ва йўлбарсни,
Қоплонни кўрдик.
Илон олдида
Анча вақт турдик.

Аммо у ерда
Туролмадим жим —
Сен йўқлигингга
Роса ачиндим».

МЕЪМОР БЎЛАМАН

Орзум улкан,
Ҳали боламан.
Улғайганда
Меъмор бўламан.
Мана, чиздим
Мен бир лойиҳа.
Томоша қил
Сен ҳам, Солиҳа.
Қават-қават,
Бинолар қатор,
Мактаб боғида,
Стадион бор.
Бир томонда
Катта хиёбон,
Гул сайрига
Чорлайди ҳар он.
Қамаштирар
Кўзларни, қаранг.
Иморатлар
Турфа, ранг-баранг.
Дейсиз: «Яша,
Қойил, болакай,
Меъморликка
Мойил болакай».

ГУГУРТ

Миттигина гугуртман,
«Тилим» билмасанг тутма.
Хизматим чакки эмас,
Буни асло унутма.
Гоҳо гулхан бўламан,

Сени хурсанд қиламан.
Пишиб келса ошу нон,
Тўкин бўлса дастурхон —
Унда менинг ҳиссам бор,
Мен шунақа бир дастёр.
Ҳой, ҳой, бебош болакай,
Гўё «юввош» болакай,
Бунча ҳаддингдан ошма,
Қўй, мен билан ўйнашма...

МУАЛЛИМ

Меҳрингиз — жўшқин дарё
Қалбингиз — чексиз дунё,
Сўзингиз — гавҳар, аъло,
Сизга минг таҳсин, таъзим,
Азиз инсон — муаллим!

Мисоли ота-она,
Бошим узра парвона,
Гоҳ қувона, гоҳ ёна,
Бергайсиз сабоқ-таълим,
Раҳмат, устоз — муаллим!

Эртамизни ўйлайсиз,
Нурли йўлга шайлайсиз,
Меҳр-ла ардоқлайсиз,
Соғ-омон бўлинг доим,
Бахтга посбон муаллим!

Ёш ленинчи авлодмиз,
Ҳамиша қувноқ, шодмиз,
Ўқиш фикру ёдимиз,
Дил орзуларга лим-лим,
Сиз туфайли, муаллим.

Ўқиб-ўсиб йилдан-йил
Камол топар ўғил-қиз.
«Бўлинг, деб, жасур, дадил»,
Истиқбол кутар доим,
Биз тайёрмиз, муаллим!

Шоди САТТОР

БЕКОРЧИНИНГ УЛФАТИ

Хуррам доим хуррак отар,
Ҳар қаерда тошдек қотар.
Уйида ҳам, синфида ҳам —
Унга уйқу ҳамроҳ, ҳамдам.
Зўрға босар қадамини,
Дер: «Койиманг, дада, мени.
Яна уйқум келаяпти,
Узига ром қилаяпти».
Ўқиш, меҳнат, физкультура —
Билан Хуррам эмас жўра.
Шунинг учун унга фақат,
Уйқу бўлиб қолган улфат.

Душанбе

Бир тўп сирень

А. И. КУПРИН

ХОТИНИ келиб эшикни очгунча тоқати тоқ бўлган Николай Евграфович Алмазов пальтоси билан фуражкасини ечмасданоқ тўғри кабинетига ўтди. Эрининг авзои бузилиб, қошлари чимирилиб, пастки лабини асабий тишлаб туришини кўриши ҳамоно хотини катта бахтсизлик юз берганини англади... У индамай эрининг кетидан эргашди. Алмазов кабинетида алланималарга кўз тикканча бир дақиқа туриб қолди. Кейин қўлидаги портфелини ерга ташлаб юборди, портфель очилиб кетди, ўзи эса креслога ўтириб, жаҳл билан бармоқларини қирсиллатди...

Унча бой бўлмаган, ёш офицер Алмазов бош штаб академиясида таҳсил кўрарди. У ҳозир ўша ёқдан қайтган эди. Бугун у сўнгги энг қийин тажриба ишини — жойининг айнан лойиҳасини профессорга тақдим этиш учун олиб кетган эди.

Шу кунгача у ҳамма имтиҳонлардан муваффақият билан ўтиб келарди. Бунинг нақадар машаққатли эканини биргина худонинг ўзию Алмазовнинг хотинигина биларди. Икки йилгача сурункасига кириш имтиҳонларини аранг топшириб келган Алмазов учинчи йили азбаройи тиришқоқлигидан ҳамма тўсиқлардан ўтди. Хотини бўлмаганида, балки иродасизлик қилиб, бор-е, деб қўл силтаб кетармиди. Лекин Верочка унга далда берарди, ундаги умид учқунини сўндирмасди. Бу аёл ҳар бир муваффақиятсизликни, гўё шундай бўлиши табиийдек, очиқ чеҳра билан кутиб олишга одатланганди. У ўзини кўп нарсалардан маҳрум қилса ҳам ақлий иш билан шуғулланадиган кишига зарур бўлган қулайликларни эрига яратиб бериш учун ҳаракат қилди. Верочка заруратга қараб, гоҳ эригa ҳаттот, гоҳ чизмакаш, гоҳ хотира дафтари ва ҳоказо бўлиб хизмат қиларди.

Жингироқли соатнинг кўпдан таниш, жонга тегиб кетган чиқ-чиқигина бузиб турган беш дақиқалик оғир сукунат чўкди. Алмазов пальтоси билан фуражкасини ҳали ҳам ечмай, юзини терс ўгирганича ўтирарди. Кўҳликкина юзида асабийлик ва азоб аломати акс этаётган Верочка эридан икки қадам нарида жим турарди. Ниҳоят у оғир ётган бемор қошида тургандай, эҳтиёткорлик билан гап бошлади.

— Ишинг нима бўлди, Коля?... Чатоқми?..

Эри елкасини учириб қўйдию жавоб қайтармади.

— Чизмаларингдан камчилик топишдими? Айтақол, Коля, бирга ўйлашиб кўрамиз.

Алмазов хотинига шарт ўгирилди-да, узоқ вақт аламини ичига ютиб юрган кимсаларга хос қўрслик ва жаҳл билан ичидагини тўкиб солди.

— Ҳа, шундай, шундай! Агар билгинг келаётган бўлса, чиппакка чиқаришди. Нима, ўзинг кўрмаяпсанми? Ҳаммаси чиппакка чиқди-кетди!.. Бу даҳмазаларни, — чизма солинган папкани зарда билан тепди у,— бу даҳмазаларни печкага тиқиб юборсанг ҳам бўлади энди. Мана сенга академия! Бир ойдан кейин полкка қайтаман. Яна шармандаи-шармисор бўлиб қайтаман. Қаёқдаги бир бўлмағур доғ туфайли-я... О, малъун!

— Қанақа доғни гапираяпсан, Коля? Ҳеч нимани тушунмаяпман.

Верочка кресло суянчиғига ўтириди-да, Алмазовнинг бўйнидан қучди. Эри қаршилик кўрсатмаса-да, ҳамон зарда билан бир бурчакка тиқилиб ўтирарди.

— Қанақа доғни гапиряпсан, Коля?— сўради Верочка яна.

— Қанақа бўларди? Оддий доғ, яшил бўёқ доғи. Хабаринг бор, кеча: «Шу ишни тамом қилишим керак», деб соат учгача ётганим йўқ. Планни бинойидек чиздим. Ҳамма шундай деяпти. Ярим кечагача ўтириб чарчадим, қўлим титраб, бир жойга бўёқ теккизиб қўйдим... Тағин дегин, қуюққина доғ. Учириб, тозалайман деб баттар суркаб юбордим. «Энди нима қилдим», деб ўйлаб-ўйлаб ўша ерга битта бутанинг расмини чизиб қўяқоламан, деган фикрга келдим... Жуда ўринли чиқди, доғ бўлгани сезилмай қолди. Бугун профессорга олиб бордим. «Шундай, шундай, ҳм. Хўш, бу бута қаёқдан келди, поручик?» деди. Шунда бутун бўлган гапни рўй-рост гапирсам-ку, олам гулистон бўларди. Ким билади, қулиб қўяқолармиди балки... Йўқ, йўқ, у бўладию кулармиди — расмиятчи немис. Мен унга: «Шу ерда бута ўсади», дедим. У бўлса: «Мен бу жойларни беш қўлимдек биламан. У ерда бута йўқ», деди. У гапирди, мен гапирдим, гапдан гап чиқиб, айтишиб қолдик. Яна қанча офицерлар бор эди ёнимизда. «Агар гапингизда туриб оладиган бўлсангиз, шу ерда бута ўсади, дейдиган бўлсангиз, ижозатингиз билан эртага отга минайлик-да, бирга ўша ерга борайлик... Шунда мен сизнинг палапартиш ишлаганингизни исбот қиламан...», деди.

— У ерда бута йўқ деб нега бунча туриб олмаса?

— Ё тавба, нега бўларди? Мунча болаларга ўхшаб савол бермасанг. Нега деганда, мана йигирма йилдирки, бу жойларни у ўзининг ётоғидан ҳам яхши билади. Узиям худо урган расмиятчи, бунинг устига-устак, немис яна... Борсак, раво бўлишим турган гап: ҳам ёлғончилик қилиб, ҳам тортишиб ўтирганим очиладиқолади... Ундан ташқари...

У гапиратуриб олдида турган кулдондаги қачондир ёқиб ташланган гугурт чўпларини битта-битта олиб майдаларди, ҳар гал гапи тугаганда эса, жаҳл билан ерга ураради. Шундай иродали одам йиғламоқдан бери эди.

Эр-хотин ўйга толиб, миқ этмай узоқ ўтириб қолишди. Бир вақт Верочка, тўсатдан, креслодан иргиб турди-да:

— Менга қара, Коля, зудлик билан йўлга тушишимиз керак! Турақол тезроқ!— деди.

Николай Евграфович қаттиқ оғриқ азоб бергандай юзини буриштирди.

— Бекор гапларни гапирма, Вера. Наҳотки, мени кечирим сўрагани, ўзини оқлагани боради, деб ўйласанг. Йўқ, мен бундай қилолмайман. Бу ўзимга ўзим ҳукм чиқариш билан баробар.

Беш дақиқа ичида ҳамма қимматбаҳо буюмлар йиғиштирилиб ридикюлга солинди. Кийинниб олган Вера: «Ҳеч нима хаёлимдан кўтарилмадимикан?» дея атрофга сўнгги бор аланглаб қаради.

— Кетдик,— деди ниҳоят Верочка қатъий.

— Қаёққа борамиз ўзи?— эътироз билдиришга уриниб кўрди Алмазов.— Ҳозир қоронғи тушади, у ергача эса ўн чақирим юриш керак.

— Кўп ошираверма,.. Кетдик!

Алмазовлар энг аввал гаровхонага киришди. Гаровхона эгаси, афтидан бахтсизликка учраган одамларни ҳар куни кўраверибми, ўрганиб кетган эди. У келтирилган буюмларни шошмай, у ёғини айлантириб, бу ёғини айлантириб, шу қадар узоқ кўздан кечирдики, Верочка диққинафас бўлиб кетди. Айниқса бриллиант кўзли узукни кислота теккизиб кўриб, тарозида тортиб бўлгач, уч сўм баҳолагани Верочканинг жон-жонидан ўтиб кетди.

— Ҳақиқий бриллиант-а, бу, — жиғибийрон бўларди Вера,— асл баҳоси, камида, ўттиз етти сўм.

Гаровхона эгаси ҳорғин бепарволик билан кўзини юмиб қўйди.

— Бизга барибир, хоним. Биз учун кўзнинг аҳамияти йўқ,— деди у бошқа буюмни тарози палласига ташларкан, — биз фақат металлни баҳолаймиз.

Лекин қадимдан қолган билакузук Вера ҳеч кутмаганда яхши баҳоланди. Хулласи калом, ҳаммаси бўлиб йигирма уч сўм пул бўлди. Бу пул улар учун керагидан ҳам ортиқча эди.

Алмазовлар боғбон ҳузурига келганларида Петербург оқшоми осмону фалакка ўз ҳукмини юргиза бошлаган эди. Чех боғбон — олтин кўзойнакли, кичкинагина чол бола-чақалари билан эндигина дастурхон атрофидан жой олган эди. Буюртмачиларнинг бунчалик кеч ва ғайриодий илтимос билан келиши уни ҳайратга солди.

— Кечирасиз. Қоронғида бунча узоқ жойга ишчиларни юборолмайман. Мумкин бўлса, эртага эрта билан келинг. Хизматингизга тайёрман,— деди у.

Энди бир чора қолди. У ҳам бўлса бор гапни, у лаънати доғ воқеасини боғбонга сўзлаб бериш эди. Верочка шундай қилди. Боғбон, аввалига, ишонқирамагандай бўлиб тингларди. Лекин Верочка ўша ерга бир туп кўчат ўтқазиш фикрига келганларини сўзлаганида, мойилроқ бўлиб, бир неча бор жилмайиб қўйди.

— Кўнмасдан иложимиз қанча,— дея рози бўлди боғбон Верочка сўзлаб бўлгач,— сизга қанақа кўчат керак?..

Лекин боғбондаги кўчатларнинг биронтаси тўғри келмади. Ўлганларининг кунидан сирень кўчати оладиган бўлишди.

Алмазов: «Уйга қайтгин», деб қанчалик уринмасин, хотинини кўндиролмади. Верочка эри билан ша ташқарисига жўнади ва кўчатни э бўлишгунга қадар уймаланиб, иш ларга халақит бериб юрди. Фақат чат атрофидаги чимни теварак кўкатлардан ажратиб бўлмаслиг ишонч ҳосил қилгандан кейинг уйга қайтишга рози бўлди.

Эртасига Вера тинниб-тинчиб у ўтиролмади ва эрини кутгани кўч чиқди. У узоқдан туриб, эрин елиб-елиб, енгил-енгил одим таш шиданоқ, кўчат воқеаси муваффа ятли ўтганини билди... Дарҳаки Алмазов чангга беланган, чарчага дан, очлигидан зўрға оёқда ту эди. Лекин қўлга киритган ғал туфайли чеҳраси порларди.

— Яхши! Жуда соз!— деб қичқ ди у ўн қадамча қолганда хоти нинг ташвишли нигоҳига жавоб Кўз олдингга келтиргин-а. Кўчатн у ёғига ўтиб қаради, бу ёғига ў қаради, ҳатто баргини узиб чай ҳам кўрди. «Бу қанақа дарахт?», сўрайди. «Билмадим, жаноб олий ри», дедим. «Қайин бўлса кера дейди. «Қайин бўлса бордир, жа олийлари», дейман. Шартта ме ўгирилса бўладими. Қўлини узатди ҳатто. «Мени кечирасиз, ручик. Қарияпман чоғи, шу ерда рахт борлигини унутибман», дей Ажойиб одам-да у профессор. кадар доно. Алдаганимга ачиняп Профессорларимизнинг энг яхш ридан. Билими — бир жаҳон. Жо баҳо беришда адашмаслигини, у лигини қара-я!

Вера эрининг сўзлари билан ноатланмасди. У профессор би бўлган суҳбатни такрор-такрор ҳи қилдираради. Энг майда деталлар қизиқтирарди уни: профессорн чеҳраси ўша топда қандай эди, н салиги ҳақида қандай оҳангда лади. Шу чоқ Коля ўзини қандай этди...

Улар кўчада ўзларидан бў кимса йўқдек қўл ушлашиб, қаҳ кулишиб уйга қайтишди. Йўловчи бу ғаройиб жуфтнинг орқасидан ҳ рон бўлиб қараб қолардилар...

Николай Евграфович ҳеч қа шу кунгидек иштаҳа билан овқат маган эди... Овқатдан сўнг, В унинг кабинетига бир стакан чой тариб кирганида эса, эр-хотин ё данига баб-баравар кулиб юборди ва бир-бирларига қараб қўйишди.

— Нега куляпсан?— деб сўр Вера.

— Сен нега куляпсан?

— Йўқ, аввал сен айт, мен ке айтаман.

— Ўзим шундай. Сирень воқе эсимга тушди. Сен-чи?

— Мен ҳам, шундай ўзим, ҳам сиреньни эсладим. Эндил сирень менинг энг севган гу бўлиб қолади...

Холида АҲРОРОВА таржим



Редакция почтасидан

ИНТИЛИШ

Қаюмжон Наимов қишлоқдаги аккиз йиллик мактабда ўқиб юрган езлариданоқ катталарга эргашиб да- ага чиқди, кетмон чопди, экинларни уғоришда ёрдамлашди. Уша пайт- арда оппоқ пахтазорда сузиб юр- ан «зангори кема»лар унга мўъжи- адек туюлар, уларни бошқараётган еханизаторларга ич-ичидан ҳаваси елар эди. Айниқса, у колхознинг ажрибали механизатори Ҳабиб Ҳа- ановнинг ишини қизиқиб кузатарди. уни сезган Ҳабиб ака бир куни:

— Ҳа, ўғлон, тракторга тикилиб олдинг?— деди.

— Жудаям зўр машина экан-да,— еди Қаюмжон ҳаяжонланиб.

— Хоҳлайсанми, ўзим ўргатаман... Қаюмжон мактабни тамомлаши илан Ҳабиб Ҳасановга шогирд туш- и. Кейин Бухоро шаҳридаги қишлоқ ўжалигини механизмлаш билим юр- ига ўқишга кирди. У ердан қадрдон олхозига қайтиб, Жўра Орипов бош- иқ бригадада механизатор бўлиб шлай бошлади.

1979 йили кузда колхоз правлениесининг йиғилишларидан бирида янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига хўжаликнинг ер оборотини кенгайтириш масаласи муҳокама қилинди. Ушанда кўпчилик кенгашиб, механизатор Қаюмжон Наимовни янги комсомол-ёшлар бригадасига бошлиқ этиб тайинлашди. Ёш бригадир Бахшулло Нўъмонов, Ҳаким Раҳимов сингари тенгқурларини уюштириб, янги ер ўзлаштиришга киришди.

Уша йилнинг баҳорги ишжикларини ёш механизаторни бир оз ўйлантирди, ёш ниҳоллар қатқалоқ исканжасида қолди. Аммо ўтюрак ёшлар омилкорлик билан иш кўрдилар, қўшимча агротехника тадбирларини ўтказдилар. Меҳнатнинг зўри, ўғитнинг кучи билан янги ерда бўлиқ ҳосил тўпланди. 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олинди.

Дастлабки муваффақият йигитнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлади. У энди ўз коллективини янада юксак марралар сари етаклади.

* * *

Саратон қуёши еру кўкка олов пуркайди. Қаюмжон Наимов ўз трактори- да ғўза қатор ораларига ишлов бераётган шогирди Ботир Ҳасановнинг ишини синчковлик билан кузатаркан, пайкал орасига кириб, ҳозиргина шогирди культивация қилиб кетган эгатдан бир қисм тупроқни олиб, кафтида эзғилади ва ўша заҳоти:

— Тўхта!— деди.

Ботир Ҳасанов устозининг жаҳли чиққанини кўриб, трактирини тўхтатди ва рулдан тушиб Наимов томон юрди:

— Ҳа, Қаюм ака, тинчликми?

— Ботиржон,— деди Қаюмов ўзини босиб,— қилаётган культивациянинг пичоқлари чуқурроқ кирсин. Ана шунда ёш ниҳолларнинг томирига ҳаво ҳам, озиқ ҳам яхши боради...

Томчилар йиғилиб дарё бўлур, деганларидек, илғор бригадалар, колхозлар ва районларнинг салмоқли ҳиссалари билан янги беш йилликнинг биринчи йилида бухоролик миришкорлар 655 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйдилар. Шу жумладан, Қаюмжон Наимовга ўхшаган омилкор деҳқонларнинг ғайрати билан Пешку райони давлатга 48 минг 470 тонна «оқ олтин» топширди. Ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 44,3 центнерни ташкил этди. Истат Қўзиева, Дурси Маъмурова, Истам Ўринов сингари илғор механизаторларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли етиштирилган ҳосилнинг 80 проценти «зангори кема»ларда йиғиштириб олинди.

Пешку районидаги Ибн Сино номли колхоз пахтакорлари бу йил янада юксак марраларни кўзламоқдалар. Улар СССРнинг шонли 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага фаол қўшилганлар. Колхознинг Жўра Орипов, Моҳитоб Муродова, Муртазо Нуруллаева, Жалол Қаҳҳоров бошлиқ бригадалари 60 йилликка 60 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Бу борада айниқса Меҳнат Қизил байроқ ва Ҳурмат белгиси орденлари кавалери Қаюмжон Наимов каби ишчан механизаторлар жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Рашид АСЛОНОВ



Говмушим — рўзғоримнинг тухин-сочинлиги

Н. НБРОҲНМОВ чизган расм

ЯНГИ ТОПИЛГАН МАНБАЛАР

Заҳириддин Муҳаммад Бобир сиймоси кўз олдимизда истеъдодли шоир, талантли ёзувчи, кўпқиррали олим, саркарда ва атоқли давлат арбоби сифатида гавдаланади. Бобир XVI аср ўзбек адабиётининг кўзга кўринган йирик вакилларидан биридир. У Низомий, Хусрав Деҳлавий, Лутфий, Навоий анъаналарини давом эттирган буюк санъаткордир.

Бобир ўзининг 47 йиллик умри мобайнида девон тузди, «Мубайян», «Рисолаи волидия» номли шеърий асарлар яратди, жаҳонга шуҳрати кетган «Бобирнома»ни ёзди, «Хатти бобурий» деб номланган янги алфавитни тузди, аруз, қофия, мусиқа ва ҳарб ишига оид рисолалари билан илмга маълум ҳисса қўшди. Афсуски, унинг қофия, мусиқа ва ҳарб ишига оид рисолалари қўлёзмаларининг тақдири бизга ҳануз номаълум бўлиб қолмоқда.

1975 ва 1977 йилларда марҳум, профессор Ҳамид Сулаймонов бошчилигида Ҳиндистонга қилинган экспедициялар ўзбек адабиётшунослигида бирмунча янги саҳифалар очди. Ҳофиз Хоразмий, Бобир, Қосимий, Фориғий, Дийда, Азфарий каби қатор туркийгўй шоирлар асарларининг бизга номаълум бўлиб келган қўлёзма нусхалари Ҳиндистон фондларида мавжуд эканлиги аён бўлди. Чунончи, бизга Бобир асарларининг Париж, Рампур ва Туркия кутубхоналарида сақланиб келаётган қўлёзма нусхаларигина маълум эди. Булар Бобир шеърий меросини нашр қилишда бир-бирларини тўлдирадиган нодир қўлёзма ҳисобланиб келган. Лекин шунга қарамай, мазкур қўлёзма нусхалардаги шеърлар ҳали тўлиқ чоп этилмаган. Албатта, Бобир шеърий меросини мукаммал тиклашда унинг «Бобирнома», «Аруз рисоласи» каби асарларининг ҳам аҳамияти катта.

Ҳиндистонга қилинган экспедициялар жараёнида Ҳайдароддаги «Саларжанг» музейи фондида Бобир шеърлар тўпламининг икки янги XVII—XVIII асрларга мансуб қўлёзма нусхалари сақланаётганлиги аниқланди. Бу қўлёзма нусхалар Бобир шеърий меросини бойитишга, шунингдек, маълум нусхалардаги ва нашрлардаги айрим матний фарқларга аниқлик киритишга имкон беради.

Ҳайдаробод девонининг 18 рақамли инвентарь остида сақланаётган қўлёзма нусхаси 1188 ҳижрий (1774/75 мелодий) йили Жанобали Котибий томонидан кўчирилган бўлиб, унинг таркибида 89 ғазал, 65 рубоий, 11 туюқ, 1 қитъа, 49 фард, 10 маснавий мавжуд. 4 рақамли инвентар остида сақланаётган иккинчи нусха эса ҳажман мазкур нусхадан кичикроқ, қўлёзманинг котиби ва кўчирилган йили номаълум.

Бобиршунослик фани тадқиқотлари доираси янги топилган манбалар ҳисобига кенгая бораётгани қувончлидир. Бобир асарлари қўлёзмасининг энг қадимги ва нодир нусхаси Эронда сақланаётганлиги маълум. Каталогда таъкидланишича, бу қўлёзма 931 (1524—25) ҳижрий йили кўчирилган: у Бобир асарларининг мавжуд қўлёзма нусхалари орасида энг мўътабарларидан ҳисобланади. Қўлёзма таркибига «Бобирнома», «Аруз рисоласи» асарлари ва Бобирнинг ўзбек тилидаги шеърлари киритилган. Мазкур қўлёзма ҳусниҳат ва китобат санъатининг энг юксак намунаси сифатида ҳам эътиборга лойиқдир.

Қуйида Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг ҳали кенг жамоатчиликка кам маълум бўлган ғазал, рубоий, фард ва муаммоларидан намуналар эълон қилинмоқда.

Саидбек ҲАСАНОВ,
филология фанлари кандидати

Заҳириддин БОБИР

* * *

Ҳажр аро ишрат аёғин борму нўш айлар чоғим,
Сенсизин юрб аёқ ичгунча синсун аёғим.

Ишқ беморимену сен ҳуснунга мағруру маст,
Мен нечун бормай ўзумдинким даме йўқтур соғим.

Доғлар қўйдум дирамлар киби кўксумни ёриб,
Не осиғким, ёрға тушмас қабул ул ёрмоғим.

Даст бермас васл, келмас ёр, раҳм этмас, не суд,
Бармоғим бўғзумға элтиб ёрмоғим-ёлбормоғим.

Истарам, эй ишқ, мендин қолмағай ному нишон,
Туфроқ эт жисмимни доғи елга берғил туфроғим.

Кўзларимдин борғали ёшим таним бўлди низор,
Билмадим ул ёш экандур, Бобиро, менинг ёғим.

* * *

Шохи гулу настаран ёд берур бўйидин,
Атрни мушки Хўтан касб қилур мўйидин.

Равзаға гар етгамен, онсиз не этгамен,
Мумкин эмас кетгамен ул қаро кўз қўйидин.

Гул юзидин мунфаъил, сарв қадидин хижил,
Ранг олур муттасил лолау гул рўйидин.

Жонға қилур юз ситам, кўнглума юз онча ҳам,
Кўз оқирар жўйи ғам шўх баложўйидин.

Гарчи қилур юз карам, васли этар муҳтарам,
Лек басе қўрқарам, Бобир, онинг хўйидин.

* * *

Жонима ўт солди ул рухсорайи зебо яна,
Кўнглума ул зулф бўлди мояйи савдо яна.

Кўрсатиб рухсору зулфин ул парий пайкар маңга,
Жону кўнглумни қилибдур волаву шайдо яна.

Ёр кўйиндаги том сен, сен манга пушту паноҳ,
Сояйи лутфунгни сол, чун санга келдим то яна.

Шодлиқнию фароғатни қўюб ошиқ бўлуб,
Меҳнату ғамни қилибмен ўзума пайдо яна.

Ёрға қулмен дегач Бобирни расво айлади,
Тенгри мендек бандасини қилмасун расво яна.

МУЗИКАПАРАСТ МУШУКЛАР

Қадим-қадимдан уй жониворн ҳисобланган мушукни гўё ҳаммамиз яхши биламиз. Бироқ Францияда чиқадиган «Матэн» газетасининг таъкидлашича, мушукларнинг классик мусиқага ҳайрон қоларли даражада ишқибозлиги аниқланган. Айниқса уларга Моцарт ва Вивальди яратган классик мусиқалар жуда хуш ёқар экан.

Мушук қулоғининг 27 рецептори, дея таъкидлайди «Матэн» газетаси, табиий равишда оҳанг қабул қилишга лаёқатли. Улар ёрдамида мушуклар ўз ўлжасининг билинар-билинмас қимирлашини, майсаларнинг енгил шитирлашини ва бошқа жуда кўп товушларни илғайди. Ҳатто мушуклар ультратовушларни ҳам эшитиш қобилиятига эга. Уларнинг эшитиш қобилияти одамларга нисбатан уч баравар кучли. Шу сабабдан эшикнинг бирдан ёпилиши ёки қаттиқ шовқин энг мўминқобил мушукни ҳам сескантириб-сергаклантириб юборади.

«Агар сиз мушукнинг чўчишини истамасангиз,— деб ёзади «Матэн» газетаси, — Моцарт ёки Вивальдининг фортепианода ижро этилган пластинкаларини харид этинг. Мушуклар бу классик ижодни жуда яхши кўради. Уларнинг бу мусиқаларга нисбатан майли зўр. Лекин ҳеч қачон мушукларни жазни эшитишга мажбур эта кўрманг».

ҒАРОЙИБ ВОҚЕА

Индонезиянинг Суматра ороли шимолидаги Гунунг Мериан қишлоғида антиқа воқеа бўлиб ўтди. Антара агентлигининг хабарига кўра, шу йил май ойи охирида қишлоқ ва унинг атрофидаги заминда бир кечада майда ёриқлар кўпайиб кетди ҳамда ер остидан келган дарё ва суғорилган шолипояларнинг сувлари у ёриқлардан ер тубига сизиб кетди. Бир вақтнинг ўзида ер чўка бошлади. Буларнинг ҳаммаси ҳеч қандай зилзила аломатларисиз юз берганлиги кўпчиликни ҳайратга солди. Ернинг чўкиши кейин ҳам давом этди. Натижада кўпгина иморатлар вайрон бўлди.

Қишлоқ аҳолиси тез орада хавфсиз жойга ўтиб олди. Сейсмологлар бундай антиқа воқеанинг сабабларини аниқлашга ҳаракат қилаётирлар.

ИНСОНИЯТНИНГ «ЁШИ» НЕЧАДА?

Башариятнинг пайдо бўлганига неча йил бўлди? Бу савол узоқ йиллардан буён олимларни тўлқинлантириб келади. Ҳозирги кунга қадар замонавий инсонларнинг аждодлари Африкада камида бундан 3,6 миллион йил муқаддам пайдо бўлган, деб ҳисобланарди.

Бироқ Эфиопия районларидан бирида текшириш олиб бораётган халқаро экспедиция томонидан очилган янгилик тасдиқланса, инсониятнинг «ёши» тўғрисидаги тасаввурлар бутунлай ўзгариб кетиши мумкин. Айрим олимларнинг хабарларига кўра, лава қатламидан қадимий одамнинг суяклари топилган. Ҳозир ана шу суякларнинг ёши 4 миллион йил деб тахмин қилинмоқда.

Антропологларнинг гувоҳлик беришларича, суякларнинг тузилиши ҳозирги инсонларнинг қадимги аждодлари икки оёқда юрганлар, деган хулоса чиқаришга имкон беради.

АБУЛХОВЛ (СВИНКС) ХАВФ ОСТИДА

Миср археологлари яқинда, Гиз шаҳридаги машҳур сфинкс эскирди ва емирила бошлади, деб хабар бердилар. Гап шундаки, ёдгорликнинг чап орқа оёғидан салкам 120 та тош тушиб кетган. Натижада тахминан бўйи уч, эни икки метрлик «жароҳат» ҳосил бўлган. Агар зах сув об-ҳаво, атмосферанинг ифлослани ши натижасида юз берган емирилиш жараёнини тўхтатишга бирон бир чора-тадбир топилмаса, бора-бора сфинкснинг бош қисми ҳам манг шундай емирилиб тушиши мумкин.

Миср археологлари сфинкснинг емирилган бўлагига махсус синтетик елим шимдириш лозим ёки уни улкан шиша қопқоқ билан бутунлай ўраб қўйиш керак, жуда бўлмаса уни яна чўлнинг қуруқ, иссиқ қуми билан кўмиш даркор, деган фикрлар ҳам илгари сурмоқдалар. Чунки француз текширувчилари сфинкс тагини қазиб очмасдан бурун — 1926 йилгача сфинкс қуруқ, иссиқ қум билан ўралган ҳолатда сақланган.

Муҳокама, мулоҳаза, мунозара

МОЙЖУВОЗ

Халқимиз партия-ҳукуматимизнинг ёрдамчи ҳамда шахсий хўжаликларни ривожлантириш тўғрисидаги қарор ва кўрсатмаларини, айниқса, КПСС Марказий Комитети май Пленуми тасдиқлаган «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси»ни амалга оширишучун бутун куч ва имкониятларни сафарбар этмоқда. Бу борада резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланаётган меҳнат колективлари, колхоз ва совхозлар яхши муваффақиятларга эришмоқдалар. Ғиждувон райони меҳнаткашларининг ҳам барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари қаторида ўсимлик мойи ишлаб чиқариш соҳасидаги ишлари эътиборга моликдир.

Зеро, Озиқ-овқат программасида «...Сут маҳсулотлари, ўсимлик мойи, мева-сабзавот консервалари, мева ва узум шарбатлари ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ривожлантирилсин», деб алоҳида таъкидланган.

— Озиқ-овқат программасини бажариш учун барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди Ғиждувон район партия комитетининг биринчи секретари Салим Раҳимов.— Жумладан мойли экинлар уруғини нобуд қилмаслик, уларни қайта ишлаш учун эски мойжувозлар тузатилиб ишга туширилмоқда.

— Қайси хўжаликларда мойжувозлар бор?— деб сўрадик секретардан.

— Бу иш Энгельс номли, Ҳамид Олимжон номли колхозларда яхши йўлга қўйилган,— дея гапида давом этди Салим Раҳимов.— Мойжувозларни тузатиб ишга тушириш, электр мойжувозларини қуриш ҳақида хўжалик раҳбарлари билан район партия комитети бюросида гаплашдик, Ҳамид Олимжон номли колхозда эса электр жувоз ўрнатилди. Мойжувозлар ишини яхшилаш мақсадида у ерда семинар ўтказишни планлаштирмоқдамиз.

Ҳа, жувоз мойи — жуда мазали ва хуштаъм, тансиқ мой. Айниқса, кунжут, зиғир, қовун уруғи, кунгабоқарга райҳон, раъно, ялпиз каби хушбўй гуллар уруғидан қўшиб тайёрланадиган мой жуда шифобахш.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Саттор Жабборов Энгельс номли колхозга йигирма йилдан кўпроқ вақтдан буён раислик қилади. Ўтган йиллар ичида бу хўжаликдан Ҳамид Олимжон номли колхоз ажралиб чиқди. Янги хўжаликка Саттор ака билан бирга ишлаган кишилар, унинг шогирдлари раҳбарлик қилмоқдалар. Саттор ака вақт топиб, янги хўжалик далаларини кўздан кечиради, ёшлардан маслаҳатларини аямайди.

— Озиқ-овқат программасини бажариш ўз-ўзидан бўлмайди,— дейди Саттор Жабборов. — Барча имкониятлардан фойдаланиш керак. Мойли экинлар уруғидан ёғ ишлаб чиқариш — бу муҳим резерв. Биринчидан, уруғ нобуд бўлмайди, иккинчидан, тансиқ мой олинади ва бу билан энг муҳим озиқлик — ёғни кўпайтириш имкониятига эга бўламиз.

— Мойжувоз хўжалигимизда анчагина бор,— дея суҳбатни давом эттирди Ҳамид Олимжон номли колхоз раиси Раҳматулла Фармонов.— 15 та пахтачилик бригадасининг 13 тасида от жувоз, биттасида эса электр жувоз ишлаб турибди. Уларни дала шийпони қоровуллари ишлатади, ўшаларга биркитиб қўйганмиз. Чунки жувозкаш деган штат йўқ.

— Хом ашё қаердан олинади?

— Кимга ёғ керак бўлса, ўзи билан хом ашё олиб келади, — деди раис бироз ўйланиб.— Қовун уруғи, кунгабоқарни нобуд қилмай йиғиштириб тўплашади, зиғирни, кунжутни бозордан сотиб олишади. Жувозкаш мойни эгасига бериб, кунжарасини олиб қолади. Кунжара дала шийпони қошида ташкил этилган ёрдамчи хўжаликдаги молларга едирилади. Жувоз кунжараси чорва моллари учун жуда едиримли ва тўйимли озуқа, молни тез семиртиради. Ҳа, мойжувознинг икки томонлама фойдаси бор.

Биз жувозкашларнинг асл маскани — Қўшкумбак қишлоғида бўлдик. Илгари бу қишлоқда олтита мойжувоз бўлиб, аҳолиси шу касб билан шуғулланган. Ҳозир эса бу ерда атиги биттагина мойжувоз қолган, холос. Уни ҳам мунтазам ишлатиш учун хом ашё бўлмайди.

Ҳамид Олимжон номли колхознинг Ленин ордени ва Ҳурмат Белгиси ордени кавалери Низом Шамсиев бошлиқ бригадасидаги мойжувоз жуда самарали ишлайди. Дала шийпони қошида 5 та ҳўкиз, 100 та товуқ боқиляпти. Шийпон атрофидаги ерга эса сабзавот ва полиз экинлари экилган. Мойжувозни пенсионер Наврўз бобо Жўраев ишлатади. Жувоз кунжараси молларга, товуқларга бериляпти. Бригадада ўтган йили 5 та ҳўкиз семиртирилиб, гўштга топширилди. Бундан 1500 сўм соф фойда кўрилди. Ҳозир бригадада ёрдамчи хўжаликни янада ривожлантириш тадбирлари кўрилмоқда.

— Хом ашё етарли бўлса, ҳар ойда от жувоздан қанча мой, қанча кунжара олиш мумкин? — дея Низом акага савол билан мурожаат қилдик.

— 300 килограмм мой, 400 килограммдан кўпроқ кунжара олиш мумкин,— деди Низом Шамсиев.— Жувоз ёғи эса хушхўр ва тоза. Айниқса, кўпчиликка маълум, зиғир мойи қон босимига даво. Юрак фаолиятини яхшилайди. Шу йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик техникаси таъминоти давлат комитети район бирлашмаси мутахассислари Буктарой қишлоғида электр жувозни қуриб ишга туширдилар. Электр жувоздан ҳар соатда 4—5 килограммдан мой олиш мумкин. Бир килограмм кунжутдан ярим литр ёғ ажралади.

— Майда тармоқ хўжаликларни ривожлантиришдаги бу ютуқлар билан бирга ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам бор,— дейди Низом Шамсиев суҳбатни давом эттириб.— Мойли экинлар кам экиляпти. Колхоз ва совхозларга зиғир, кунжут, кунгабоқар экиш бўйича қатъий планлар белгиланса, бунинг учун ерлар ажратилса, айни муддао бўлур эди.

Республикамиз чўл зоналаридан ҳар йили минглаб гектар қўриқ ерлар ўзлаштирилмоқда. Шу янги ерларнинг бир қисмига зиғир, кунжут, кунгабоқар каби мойли экинларни кўпроқ экиш ва ўсимлик ёғлари тайёрлашни давлат системасига ўтказишни йўлга қўйишимиз лозим.

Бухоро областининг янги ўзлаштирилган массивларида ташкил этилган «Партия XXVI съезди» совхозида 60 гектарлик, «Амударё» совхозида 30 гектарлик, Яхши Наврўзов номидаги, «Тошкент», «Гулистон», «Қашқадарё», «Андижон» ҳамда Жилвон чўли совхозларининг ҳар бирида 30—50 гектардан зиёд майдонларда бўрикалла, шерозий, қораққанд, амири, касаба, беҳзоди, обинаввот каби тилими тилни ёрадиган, уруғи жиққа мой қовунлар етиштирилмоқда. Ҳар гектар ердан 200—250 центнердан ҳосил олинади. Лекин мана шу совхозларда кўплаб қовун уруғи нобуд бўляпти, уни қайта ишлайдиган корхоналар йўқ.

Хуллас, мойжувозларни кенг ривожлантириш, уларни механизмлаштириш, ўсимлик мойини ишлаб чиқаришни саноат асосида ташкил этиш — буларнинг ҳаммаси Озиқ-овқат программасини изчил амалга ошириш учун муҳим қўшимча резервлардир.

Бахшулла РАЖАБОВ



ЖОНИВОРЛАР ЎЙЛАЙДИМИ?

Биз баъзан бефаҳмни эшакка, айёрни тулкига, зуккони уккига ўхшатамиз. Хўш, нега? Негадир айрим ҳайвонлар шу сифатларнинг рамзи бўлиб қолган. Наҳотки эшак шундай бефаҳм, укки эса шу қадар доно бўлса? Биз бундай саволлар ҳақида ўйлаб кўрмаганмиз. Мушук, кучук сингари ҳайвонлар тўғрисидаги эртакларни эсланг. Улар шунчаки ақлли жонзотлар эмас. Улар гўё болаларга одамлардан кўра донороқ бўлиб туюлади. Ҳатто, жониворлар ўйлашга қодир эмас, деб ишонадиган баъзи кишилар ҳам хонага мушук ёки кучук киритиб қўйилса, уларнинг ўзини тутишини кўриб, бу жониворлар «ҳамма нарсани» ажабтовур тушунади, фақат гапиролмайди, деб атрофдагиларни ишонтиришга уринадилар.

Дарҳақиқат, ҳайвонлар идроки муаммоси олимларни азалдан қизиқтириб келади. Агар бизнинг «кичик оғаларимиз»да иккинчи сигнал системаси, яъни нутқ йўқлигини ҳисобга олсак, бир-биримизни тушуниш мураккаб эканлигини, бу муаммони ҳал этиш осон эмаслигини яхшироқ англаб етамиз. Бироқ классик тасаввурга биноан жониворларнинг хатти-ҳаракати туғма инстинкт ёки ўрганиш жараёнида орттирилган янги одатлар билан белгиланади. Бир мисол: эшиги илмоқ билан маҳкамланган қутига қамаб қўйилган мушук токи фавқулодда илмоғи кўтарилиб эшик очилиб кетмагунча, озод бўлмагунча чиқишга йўл ахтараверади, ҳазин суратда миёвлайверади.

Ҳозир илм-фан жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Унинг тараққиёти эски тасаввурларни қайта кўриб чиқишни, масалага янгича ёндошишни тақозо этади. Демак, эндиликда жониворлар «ақли»нинг, илмий тил билан айтганда, уларнинг ҳис-туйғусиз қуруқ мушоҳада фаолиятининг биологик (унинг аниқроқ бўлими миянинг нейрофизиологиясидир) методикасини яратиш зарур. Бунинг учун жониворлар олдига қўйилган масалани ечишда шартли рефлекс ёхуд инстинктив экспериментлардан воз кечиш талаб этилади. Мана, ўттиз йилдан ошдики, Москва Давлат университетининг биология факультетининг олимлари СССР Фанлар академияси мухбир аъзоси Л. Крушинский раҳбарлигида физиологик ва генетик ишлар лабораториясида жониворлар идрокининг фаолияти устида кузатиш олиб бормоқдалар. Олимлар томонидан ҳайвонлар идрокининг фаолияти даражасини белгилайдиган янги аломатларга оид жуда кўп илмий материаллар тўпланди...

Тасаввур этинг, сиз девори узун, бутун юзасига парда тутилган, ўртада ҳамма томонидан айланиб бориш мумкин бўлган, туйнуги бор хонадасиз. Орқасида, энг четкадан парда тешикчасига қадар бир хил масофада, узунасига тик ҳолда махсус қопқоқлар ўрнатилган. Қопқоқлар ортига тажриба пайти хўрак яшириб қўйилган. Пардали хонага кузатилаётган жонивор, яъни, айтайлик, кўппак киритиб юборилди. Албатта у бир неча кундан бери овқатланмаган бўлмоғи лозим. Парда тешигида кўппак иккита — бири бўш, бири овқатга тўла товоқчани кўради. Лекин ит бошини суқиб ея бошлаши билан товоқчалар бирдан ҳар тарафга тарқалиб, қопқоқлар ортига кириб йўқолади. Нима қилмоқ керак? Масалани тўғри ҳал этиш учун жонивор энг қисқа йўлдан овқатли товоққача етиб бормоғи, яъни товоқ кетган томондаги қопқоқда уни учратиши даркор. Бу ўша жониворнинг кўзга кўринмай турган нарсанинг ҳаракат доирасига мос нуқтада эканлигини фаҳмлаганлигини билдиради. Бу аломат Л. Крушинский томонидан ишлаб чиқилган ва унга экстраполяцион деб ном берилган. Бундан ташқари, эмпирик ҳаракат ўлчови деб аталадиган бошқа бир мураккаброқ аломат ҳам бор. Бу нима?

Кузатилаётган жониворнинг олдига иккита бир хил — ҳажман катта ҳамда ясси, мисол учун учбурчак ва ярим конус шаклидаги фигуралар қўйилади. Жониворга хўрак кўрсатилади-да, кейин уни билдирмай ҳажман катта фигурага яширилади. Сўнгра қандай воқеа рўй беради? Жонивор, таом ҳеч ёққа йўқолиши мумкин эмас, уни ясси фигурага яшириб бўлмайди, деган хулосага келиши керак.

Бу амалиёт биринчисига нисбатан анча қийин. Бу вазифани фақат одамсимон маймунлар, айиқлар, қарғасимон қушлар ва дельфинлар осон ҳал этадилар, кўппаклар эса жуда қийинчилик билан бажарадилар.

Хўш, шу тажрибалардан, олимларнинг бошқа кўпгина ишларидан келиб чиқиб, жониворларнинг фикрлаш фаолияти бор деб айтиш мумкинми? Ҳа, эртакларда жониворларга инсон сифати билан баҳо беришда қадимги одамларнинг етарли асослари бўлган.

А. МИШКИН,
«Известия»дан

Қутлаймиз!

ИЖОД ФАЙЗИ

Татар совет адабиётининг таниқли вакилларидан бири Шомил Алядин 1912 йили Қримда, Айпетри тоғи ёнбағридаги Моҳулдир қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Ўн икки ёшли Шомил Боқчасаройдаги етти йиллик мактабга ўқишга киради. Мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ адабиётга қизиқиб қолади. Олтинчи синфда ўқиётган вақтида «Ёш қувват» газетасида «Тонг булбули» номли биринчи шеъри босилиб чиқади. Шомил Алядин мактабни тугатгач, Симферополдаги педагогик техникумда ўқишни давом эттиради. У ерда таниқли шоирлардан Зиядин Жавтобели ва Керим Жаманақли билан танишади. Э. Багрицкий, М. Светлов, А. Прокофьев, И. Молчанов, М. Голодний, И. Уткин, Ж. Алтаузеннинг асарларидан таъсирланади. Ўзи ҳам тез-тез янги-янги шеърлар ёза бошлайди. 1932 йилда «Ер кулди, осмон кулди» номли биринчи шеърлар тўплами чоп этилади. Ўша йилнинг охирида Шомил Алядин кўнгилли бўлиб Қизил Армия сафига кетади. Ўша ерда ҳарбий мактабда ўқийди. Ҳарбий мактабни тамом қилгач, взвод командири бўлиб хизмат этади. Жанговар ҳаётининг самараси ўлароқ, шоирнинг иккинчи китоби «Қизил казак куйлари» юзага келади.

Шомил Алядин Симферополда бирга ўқиган ўзбек дўстларининг таклифи билан Тошкентга келади ва Мелиорация институтига ўқишга киради. Шундан кейин унинг ҳаёти Ўзбекистон билан боғланади. У ўзбек классик адабиёти, ўзбек совет адабиётининг йирик намояндалари ижоди билан яқиндан танишади. Шоир Тошкентда ўқиб юрган пайтларида Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг йўлланмаси билан Чирчиқ Электр-кимё комбинати қурилишида ишлайди. 1940 йилларга келиб, Шомил Алядин шоир ва ёзувчи сифатида танилади, «Умр» номли биринчи сайланма китобини эълон қилади. Бу китобдан адибнинг «Сенмисан, ўғлим» ва «Нарвон» қиссалари ҳам ўрин олган эди.

Шомил Алядин 1941 йилнинг 26 июнида Ватан мудофаасига отланди. Улуғ Ватан урушидан кейин Тошкентдаги Темир йўлчилар маданият уйи директорининг ўринбосари вазифасида ишлади. Ўша вақтларда «Тасалли» қиссасини ёзди. Асарда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва гражданлар уруши йиллари воқеалари акс эттирилган.

Шундан кейин олдинма-кейин адибнинг «Човушга меҳмон келди», «Синган ханжар» каби қиссалари ва ниҳоятда чуқур маъноли, мазмунли «Яшил плашли қиз», «Мармар зиналар», «Олмос» каби бир қатор ҳикоялари яратилди.

1962 йилда эса Шомил Алядиннинг «Агар севсанг» романи нашр қилинди. Романда 30-йиллар ҳаёти, улуғ социалистик қурилишлар қаҳрамонлари — халқ ташаббускорлари, уларнинг фидокорона меҳнатлари, ўша вақтларда республикада эмас, Иттифоқда донғи кетган «Чирчиқстрой» қурилиши ҳақида ҳикоя қилинади. Адиб шу қурилишдаги халқ жасоратини, муҳаббатини улуғлайди. Халқлар дўстлигини тараннум этади. Чунки бу умумхалқ қурилиши эди. Унда турли миллат вакиллари: ўзбек, рус, татар, грек қатнашган, буюк қаҳрамонликлар кўрсатган эди.

Йиллар ўтди. Доимо изланишда бўлган адиб Ангрен шаҳрига келди. Шаҳарнинг тақдири билан қизиқди. Кончилар ҳаётини кузатди. Кончиларнинг уйларида бўлди, ётоқхоналарида тунади. Улар билан конга тушди. Натижада «Чироқлар тонггача ёнади» романи пайдо бўлди.

Роман марказида ҳали тажрибасиз, лекин ҳалол, бутун борлиғи билан ишга берилган ёш инженер Донiёр туради. Асар шу ёш инженернинг разрез раҳбари бўлиб тайинланишидан бошланади. Дониёр реал ҳаёт талаби асосида иш кўради. Лекин, таассуфки, ғалаба осонлик билан қўлга киритилмайди. Адиб ҳаётни бутун мураккаблиги билан кўрсатишга ҳаракат қилади.

Бу роман, айтиш мумкинки, совет кишисининг тобланиши, улғайиши ҳақидаги асардир. Шомил Алядиннинг бу асари доҳиймиз В. И. Ленин таваллудининг юз йиллиги муносабати билан 1970 йили ўтказилган конкурсда республика Министрлар Советининг иккинчи мукофотига сазовор бўлди.

Шомил Алядин — ҳозирги пайтда татар тилида чиқаётган «Йилдуз» журналининг бош муҳаррири. Айни пайтда ўз ижодий фаолиятини ҳам самарали давом эттирмоқда.

Бизлар, адабиётимизнинг таниқли намоёндаларидан ҳисобланган устод адибимиз Шомил Алядинга узоқ умр, соғлик-саломатлик, янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Урие ЭДЕМОВА,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

ЯШИЛ ДЎСТЛАРИМИЗ

Инсон ҳаётида мева-чевалар ғоят аҳамиятлидир. Меваларнинг ҳар бир тури биологик хусусиятларига кўра озиқ-овқат ҳисобланиб, тез, енгил ҳазм бўлади, организм фаолиятини яхшилайди, вужудни қувват билан таъминлайди, соғлиқни мустаҳкамлайди. Чунки меваларда киши организми учун зарур бўлган С, Р, Е, Д, К каби витаминлар, темир, марганец, мис, бор, калий, кальций, фосфор сингари микроэлементлар мавжуд. Булар организмда модда алмашинувида муҳим роль ўйнайди. Мевадаги углеводлар, органик кислоталар, мойлар, оқсиллар тўла-тўкис ҳазм бўлиб кишини бақувват қилади ва иштаҳани очиб, барча аъзоларнинг ҳолатини кескин соғломлаштиради. Бинобарин, вужудни турли касалликлардан ҳимоя қилади, ички, ташқи хасталиклардан сақлайди.

Иккинчидан, ана шу мевалар туфайли нон, гўшт, қанд, мой 50—60 процент кам истеъмол этилиб анча иқтисод қилинади. Зеро, меваларнинг калорияси асосий овқатлардан қолишмайди. Баъзилари эса бошқа озиқ-овқатлардан устун туради. Масалан, кўпчилик мева-чевалар 440—627 калорияга, ёнғоқлар эса 6360—8500 калорияга эга. Яъни бир килограмм ёнғоқ мағзи олти килограмм турли хил озиқ-овқат — 1 килограмм нон, 1 килограмм гўшт, 1 килограмм балиқ, 1 килограмм картошка, 1 килограмм олма, 1 литр сут қувватига баробардир.

Дарҳақиқат, она табиат инсонни барча зарурий насиба билан таъминлайди. Биз она табиат билан чамбарчас боғлиқмиз. Бу нарса эса, она табиатни эъзозлаб, унинг бойликларидан, ер, сув, ҳаво, қуёш, ўсимлик, ҳайвонот оламидан онгли равишда унумли фойдаланишни тақозо этади. Бунинг учун улуғ доҳиймиз В. И. Ленин васиятларига риоя қилиб, ҳар бир нарсадан тежаб-тергаб фойдаланишни ўрганмоғимиз керак.

Меваларнинг аксарияти тез, енгил ҳазм бўлади, дори-дармонлар ўрнида истеъмол қилинади. Улардаги фруктоза, глюкозалар 90—100 фоиз ҳазм бўлади. Айрим меваларда қанд миқдори 8—14 фоиз, ўрта ҳисобда 10 фоизни ташкил этади. Олхўри, ўрикнинг баъзи турларида 17 фоизга қадар қанд моддалари учрайди.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар бир киши ўрта ҳисобда йилига 91 килограмм мева ва резавор, узумлардан эса 81 килограмм истеъмол қилиши лозим экан.

Бизнинг серқуёш республикамизда етиштириладиган мева-чевалар алоҳида аҳамиятга эга. Ёз фаслида кундузи узоқ, намгарчилик кам бўлиб, қуёш нури таъсирида ҳар бир дарахт меваси қайнар қозонда пиширилган шарбатдек қуйилиб етилади. Шу сабабли республикамизда етиштирилган мева-чевалар донғи бошқа ёқларда ҳам машҳурдир. Ота-боболаримиз мева-чевалардан омилкорлик билан фойдаланиб, гўшт, мой, қанд, нон кабиларни жуда кам истеъмол қилганлар, улардан ҳам овқат, ҳам дори сифатида кенг фойдаланганлар. Шунинг учун ҳам боғу роғлар яратиш доно халқимизнинг азалий анъанасидир. Ўлкамиз ширин-шарбатлар кони бўлиб, унинг олма, олча, нок, нашвати, ўрик, узум, анжир, анор, беҳи, жийда, олхўри, шафтоли, писта, бодом, ёнғоқ, чилонжийда, гилос, тут каби таъми ва мазаси жаҳонга машҳур меваларини кўплаб етиштириш учун қулайдир.

Мевали дарахтлардан турлича фойдаланиш мумкин. Алоҳида боғлардан ташқари шаҳар-қишлоқларни кўкаламлаштиришда мевали дарахтлар кенг қўлланилса, улар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб, соя-салқин жойларни вужудга келтиради, шамол, шовқин-сурон, чанг-тўзон, газ-гармселларни қайтаради, соғлом муҳит яратади.

Ана шундай мевали дарахтлардан бири нокдир. Нок-нашватилар, хилма-хил бўлиб, меваларининг аҳамияти кўпдир. Нокларнинг эртаги, ўртаги, кечки навлари мавжуд. Республикамизда нок-нашватиларнинг ёввойи тури ҳам кўплаб учрайди. Ҳисор, Чотқол, Фарғона, Зарафшон, Пскоп, Угом тоғларида ўсадиган ёввойи нок-нашватилар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳосили маданий навлардан қолишмайди.

Ноклар буйрак, ошқозон, ичак, тиш, милкни даволашда табиий дори таблеткаларидир. Бу табиий дори организмда етарли бўлса, қоннинг таркиби яхшиланади, томир, қон, юрак касалликлари йўламайди. Чунки унинг таркибида қандлар, кислоталар, минерал тузлар, витаминлар, танидлар мавжуд.

Республикамизда миллионлаб нок тупларини етиштириш учун шарт-шароит бор. Айниқса, тоғли районларнинг турли зоналарида йирик нок плантациялари ташкил этиш шу куннинг муҳим вазифасидир.

Шифобахш мевали дарахтлардан яна бири шафтолидир. Шафтоли ширин-шарбатлилиги билан организмда энг енгил ҳазм бўлади. У буйрак, жигар ва юрак фаолиятини яхшилаш хусусиятига эга. Унинг таркибида қандлар, кислоталар, минерал тузлар, витаминлар, ошлов моддалари, микроэлементлар кўп. Шунингдек, шафтолининг барглари ўз антибиотик хусусияти билан ҳашаротларни ҳайдайди. Мағизи ҳамда мойи томоқ оғриғи, астма, кўкйўтал касалликларини даволашда қўлланилади. Қоқиси чиллашир, оққон касалликларини даволашда фойдалидир. Унинг ниҳолини аралаш ёки алоҳида боғ сифатида кўпайтириш ҳам мумкин. Ниҳолни асосан уруғидан кўпайтирилади.

Биз бу ерда фақат икки хил меванинг фойдали жиҳатларини қисқагина айтиб ўтдик. Олма, ўрик, кўксултон, чилонжийда ва бошқа мевалар хусусида ҳам гапириш мумкин. Улар ширин-шакар ҳосил етиштириб беришдан ташқари ўзининг соя-салқини билан ҳам инсоннинг энг яқин дўстидир. Бироқ, афсуски, шаҳарларда мевали дарахтлар негадир кам экилади. Масалан, Тошкентни олайлик. Унинг кенг кўчалари, хиёбонлари, ҳовли-жойларида тол, терак, акация, қайрағоч каби фойдаси кам, мевасиз дарахтлар ўтқазилган. Ушбу манзарали дарахтларга аралаштирилиб, мевали дарахтлар ҳам экилса, айни муддао бўларди. Бундай тадбирларни Ўзбекистоннинг барча область шаҳарларида кенг қўллаш мумкин. Бу таклиф янгилик эмас. РСФСР, Украина, Белоруссия, Молдавия, Закавказье республикалари кўчаларида олма, олча, гилос, ёнғоқлар пишиб, тагига тушиб ётади.

Тоғларда мевали дарахтларни кўпайтириш ҳам алоҳида аҳамиятга молик тадбир. Тоғлар боғларга айлантирилса, иқлими яхшиланади, дам олиш манзиллари кўпаяди, ем-хашак, гўшт, сут, асал мўл бўлади. Шунинг учун боғлар яратиш, мевали дарахтларни кўпайтириш шу куннинг долзарб масалаларидандир. Кўчат экиб, мевали дарахт ниҳолларини парвариш этиш ҳар бир кишининг гражданлик бурчидир.

Маннон ТЎЙЧИЕВ,
табиатшунос

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

Ҳосили шиғил-шиғил олмазору узумзорлар, лимонзорлар ҳар қандай кишининг эътиборини беихтиёр ўзига тортади. Кўриб кўркига тўймаймиз. Айниқса, колхоз шаҳарчасининг кўркамлашиб кетганини айтмайсизми... Равон ва кенг кўчалар бўйлаб янги уй-жойлар, нақшдор жамоат бинолари қад ростлаган: Бахт уйи, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, санъат саройи, муҳташам мактаб, спорт саройи... Аҳоли учун шаҳарда нимаики шарт-шароит бўлса, бу ерда ҳам ҳаммаси муҳайё.

Колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қўзибоқар Синдоров бундан ўн-ўн беш йил илгари колхозчиларнинг умумий мажлисида:

— Ҳар йили 7—7,5 миллион сўм даромад қиляпмиз. Энди имкониятларимиз катта. Колхозимиз қишлоқларини бош план асосида тубдан қайта қурамиз. Яна бир неча йилдан кейин бизда бўлган меҳмонлар «Ленинград» колхозида эмас, кичкина Ленинград шаҳарчасида бўлдик, деган таассурот билан кетадилар, деган эди.

Ўшанда баъзилар «раисимиз катта кетди», деб унинг гапларига ишонқирамаган эдилар. Мана, бугун колхозчилар оқсоқол мўлжални аниқ, режани пухта тузган экан, деган умумий хулосага келдилар.

Доно халқимизда: «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик», деган ҳикмат бор. Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозининг меҳнаткашлари ҳам бугунги улкан ютуқларга осонликча эришмадилар. Хўжаликнинг каттаю кичиги бир ёқадан бош чиқариб, эл дарғалари етагида эзгу ишлар учун тинмай меҳнат қилдилар. Улар қудратли техниканинг кучи билан Сирдарё соҳилидаги қамишзорларнинг захини қочириб, янги ерлар очдилар, қадимги ботқоқ тўқайзорлар ўрнида яшнаган боғроғлар, бўлиқ пахтазорлар бунёд этдилар. Бу катта ишларнинг ҳаммаси хўжалик деҳқонларининг мислсиз матонати, қийинчиликларни бардош билан енгганликлари туфайли рўёбга чиқди. Кейинги йилларда очилган янги ерлар ҳисобига хўжаликнинг пахта майдони 1580 гектарга етди. Каттагина майдонда теплица хўжалиги, 1,5 гектар ерда эса лимонарий ташкил этилди. Колхоз теплица хўжалигининг ўзидан ҳар йили 1 миллион сўм даромад олинмоқда.

Хўжаликнинг истиқболи янада порлоқ. Тўқсонинчи йилга борибоқ биргина лимонарийларнинг ўзи 50 гектарни ишғол қилади. Колхозда янги-янги посёлкалар барпо этилади.

Ҳа, шундай. Қадимий Сир соҳилида колхознинг азамат аҳли бугун иккинчи кичкина Ленинград деб атаса арзигулик шаҳар бунёд этмоқдалар.

Колхоз теплица хўжалигининг ёш деҳқонлари Хосият Турдиқулова (чапда) ва Гулчеҳра Шерматова лимон ҳосилини кўздан кечирмоқдалар.

Жамила Иноятова колхоз теплицасида меҳнат қилаётган серғайрат ёшлардан.



Янги уйлар колхоз шаҳарчаси кўркига кўрк қўшиб турибди.

ДИПЛОМЛИ «КАМТАРИН»ЛАР

Ислом САТТОРОВ,
Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

Суд мажлиси охирламоқда эди. Ёши қирққа етган, тоғни урса талқон қиладиган келбатли йигит — айбланувчи Ҳусан Исмоилов қора курсида ўлтирибди. Лекин у ўзини қора курсига гўё англашилмовчилик туфайли, фавқулодда ўлтириб қолгандек кўрсатишга уринади. Айбланувчи микрорайонда истиқомат қилувчиларнинг талабларини қондириш мақсадида қанчалик елиб-югурганини, аҳолига тарқатиш учун не-не қийинчиликлар билан камёб молларни топиб келтирганини батафсил ҳикоя қилар эди. Ҳатто суд унинг ёғоч савдоси базасида катта сотувчи вазифасида ишлаётганида харидордан 28 сўм ортиқча ўмарган чоғи ОБХСС ходими томонидан ушланганини айтганда ҳам Исмоилов довдирамади. Унинг фикрича, у ҳисобда алдамаган, балки харидорнинг ўзи шу ортиқча пулни олишга мажбур этган.

Бироқ унинг найранги ўтмади. Кўзи билан кўрган шоҳидларнинг, судда қатнашаётган гувоҳларнинг кўрсатмасига кўра, жавобгарлик иши бўйича тўпланган ҳужжатларга биноан Исмоиловнинг Сергели ёғоч савдоси базасида ишлай туриб мунтазам равишда ўз вазифасини суиистеъмол қилганн, харидорлар ҳақига хиёнат қилиб доим алдаб келганн исботланди. У бирданига тунд, камгап бўлиб қолди, саволларга жавоб бериш ўрнига кўпроқ кўзини ерга қадайверди. Раислик қилувчи ундан жавоб беришни қатъий талаб этган эди, Исмоилов аввал ёлғон гапирди, кейин ўзига раҳм қилишларини сўради. Прокурорнинг: «Ўзингизни айбдор деб биласизми!» деган саволига Исмоилов кескин бош силкиб, ноилож: «Ҳа», деди.

Жиддий сукут сақлаб ўлтирган халқ маслаҳатчиси меҳнатда қадоқ бўлган қўлларини олдинга чўзиб, ажинларга тўла юзини судланувчига буриб, доно ва меҳрибон кўзларини унга қадаб мурожаат этди:

— Нима учун сиз, Исмоилов, халқ хўжалиги институтини тугатиб, ўз мутахассислигингиз бўйича ишламадингиз?

Исмоилов узоқ жим турди, кейин қийинчиликлар, катта онла, яна нималардир тўғрисида ғулдурай бошлади...

Суд жиноятчи устидан ҳаққоний ҳукм чиқарди. Исмоилов ўз қилмишига яраша жазоланди. Афсуски, халқ хўжалиги институтини битирганн тўғрисидаги дипломни чўнтагига солиб юрган Ҳусан Исмоилов сингари ўз соҳасида ишламасдан «мойли» жой қидирадиган олий маълумотлилар, бизнинг воқелигимиз учун характерли бўлмаса-да, лекин ҳаётда унча-мунча учраб туради.

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар бундай дипломли «камтарин»ларга қарши курашишга киришадилар. Дипломли «камтарин»лар, дедик. Бунинг сабаби бор. Сиртдан қараганда улар не азобда олий ўқув юртига кирганликлари, олий маълумотли мутахассислик дипломини қўлга олгунча қийналганликлари билан мақтанмайдилар, дипломим бор деб керилмайдилар. Оддий, маошн кам ишларда ҳам ишлайверадилар. Аслида бу дипломли «камтарин»лар аста-секин халқ мулкига хиёнат қиладилар, кишиларни алдайдилар. Шу тариқа улар жиноий йўлга кириб кетадилар. Билмасданми! Йўқ, аслида улар ҳаётда холис ниятли кишн эмаслар. Чунончи, педагогика институтини тамомлаганларидан кейин бири завхоз, бири сотувчи, бири ошхона ишчиси бўлиб жойлашган К. Содиқов, З. Чернишева, Э. Насриддинов, С. Арнян, халқ хўжалиги институтини битириб бири буфетчиликни, бири қоровулликни танлаган С. Қодиров ва А. Тестовалар худди шу ножўя мақсадни — осонгина пул топишни кўзлаганлар. Оператив ходимлар ҳамда терговчилар содир бўлган воқеани тиклаш, қилинган жиноятнинг майда деталларигача аниқлаш мақсадида уларнинг ҳар бири билан узоқ суҳбат олиб бордилар. Маълум бўлишича, қайси соҳада ишлашларидан қатъий назар уларнинг интилишлари бир хил — охири вой эканлигини ўйлаб ўлтирмасдан фойда кетидан кўр-кўрона қувиш, одамларни алдаш, ўғрилик, жамият мулкини талон-тарож қилиш. Қонунга кўра бундай кимсалар совет социалистик турмуш тарзига ёт унсурларни олиб кирувчилар ҳисобланадилар. Шу сабабли ички ишлар идоралари партия ва ҳукуматимиз раҳбарлиги ҳамда доимий ёрдами остида жиноятнинг олдини олишга қаратилган огоҳлантириш-профилактик чора кўриш системасини ишлаб чиқдилар ва уни зўр ғайрат билан ҳаётга тадбиқ этмоқдалар.

Бундай тадбирларнинг ҳаракат усулларидан бири индивидуал профилактика ҳисобланади. Сўнгги вақтларда савдо ва умумий овқатланиш жойларида турли жараёнда жиноят содир бўлишининг шарт-шароитлари ва сабабларини ўрганиш мақсадида текшириш ўтказилди. Текшириш шуни кўрсатадики, савдо ташкилотларида ва умумий овқатланиш жойларида, хусусан, Ленин, Чилонзор, Киров, Ҳамза, Акмал Икромов районларида район партия комитетлари ҳамда район ижроия комитети советлари бу ишни назорат қилиб турадилар, камчиликларни тугатишга кўмаклашадилар. Улар олий даражали мутахассислардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш учун чора ва тадбир белгилайдилар.

Лекин ҳамма жойда ҳам иш шундай эмас. Бир қатор савдо ҳамда умумий овқатланиш муассасаларида бу масалага керакли даражада эътибор бермаётирлар. Октябрь район ошхоналар трестига қарашли ошхоналарда А. Абзалов, А. Фаёзов, Т. Саъдуллаев, Х. Расулов, Л. Розиқов, Х. Шаубоев, К. Олимжонов, И. Жалилов, А. Ҳўжаев, Ш. Қўчқоровлар ошпаз бўлиб ишлайдилар. Ваҳоланки, буларнинг бештаси политехника институтини, бештаси эса Халқ хўжалиги институтини тугатган. Шунингдек, 5-ошхона омборчиси Х. Умархўжаев ҳам Халқ хўжалиги институтини тамомлаган. 17-ошхона мудири ўринбосари Р. Иноятов тўқимачилик институтини, 23-ошхона кассири эса Рус тили ва адабиёти институтини битирган. Фрунзе район Ошхоналар трести ҳамда савдо ташкилотларига ҳам анчагина дипломли «камтарин»лар жойлашиб олганлар. Масалан, Тошкентдаги политехника, тўқимачилик, халқ хўжалиги, фармацевтика, транспорт институтларини тамомлаган 30 дан знёд олий маълумотли ёшлар ошпаз, кассир, электромонтёр, буфетчи, официант, сотувчи, экспедитор бўлиб ишлаётирлар. Чет тиллар институтини битирган Ҳожиакбар Тўлаганов эса 2-мебель магазини филиалида мудирлик вазифасида хизмат қилаётир. Қарабсизки, давлат қанчадан-қанча маблағ сарфлаб берган таълими ҳамда мутахассислик билимларини улар унутиб қўядилар.

Биз мана шундай ёшлар орасида профилактик иш олиб бора туриб, ёш мутахассисларга, уларнинг келажаги ва тақдирига бепарволик билан қаралаётганига тез-тез дуч келамиз. Албатта, олий ўқув юртини битирган ёш мутахассис ўз режаси ҳамда мақсадини амалга ошириш учун курашувчан, ҳаракатчан бўлмоғи даркор. Лекин уларга ёш мутахассис жўнатилган ташкилотларнинг ва ташкилот раҳбарларининг ҳам ёрдамлари керак.

Яқинда биз бир гуруҳ олий маълумотли, лекин ўз соҳаларида ишламаётган ёшлар билан яккама-якка профилактик суҳбат ўтказдик. Суҳбатлар ёшлар тақдирига қизиқиш билан, самимий тарзда олиб борилди. Айниқса, Абдураҳмон Раҳматов билан бўлган суҳбат таъсирли бўлди. Унинг ёши 29 да. 1976 йил чет тиллар институтининг инглиз тили факультетини муваффақиятли тамомлаган. Ҳозир у Собир Раҳимов район улгуржи-чакана савдо системасида сотувчи. Ички ишлар бошқармасига у ташвишланиб кирди, ҳуши учиб сўради:

— Нима бўлди, нега мени милицияга чақиришди!

Биз унга ҳеч нарса бўлмаганини, суҳбатлашиш мақсадидагина таклиф этганимизни тушунтирдик. Раҳматов ўзини босиб олиб, хотиржам ўлтиргандан кейин савол бердик:

— Нега педагогик мутахассислигингизни ташлаб кетдингиз!

Ундаги биринчи учрашув лаҳзасидаги безовталик ўрнини инсоний ҳасрат, бир умрга ажралган, аммо нимаси биландир қимматли ҳисобланган йўқотиш қайғуси эгаллади.

— Биз отадан эрта ажралдик,— деб ҳикоясини бошлади Абдураҳмон.— Тўрт фарзанд етим қолдик: мен, икки акам ва синглим. Ҳозир акалар оилали, алоҳида яшайдилар. Синглим турмушга чиққан. Онамиз Моҳира биз учун ҳам тарбиячи, ҳам мураббий, ҳам боқувчи эди. Мактабда ўқитувчилик қилардн, биз унга кўмаклашардик. Ҳозир у киши қарияпик гаштини сураётир. Мен ёшлигимдан педагогликка қизиқардим, чет тилини ўрганишга тиришардим. Умнчи синфни тугатгандан сўнг орзуим ушалди. Чет тиллар институтига кирдим. Қийинчиликлар ҳам, хурсандчилик дамлар ҳам бўлди. Тезроқ институтни битириб, болаларга сабоқ берсам дердим... Мени янги, ўзи ҳам, номи ҳам чиройли Бахмал районига ўрта мактаб ўқитувчиси қилиб юбордилар. Болаларга дарс бердим, улар билан бирга ҳосил йиғишда колхозчиларга ёрдамлашдим. Қиш фасли етиб келди. Бироқ мактабда менинг фанимга бўлган совуққонлик қишдан ҳам ошиб тушди. Мактаб раҳбарларида фанимга қизиқиш уйғотишга уриндим. Натижа чиқмади. Менга оғир ботди. Шаҳарга кетишни сўрадим. Рухсат этишди. Армияда хизмат қилдим, уйландим, фарзанд кўрдим. Интурнстга тилмоч бўлиб жойлашдим. Тағин омадсизлик бошландн. Инглиз тили анча ёдимдан кўтарилиб қолган эди... Шаҳардаги базалардан бирига ишчи бўлиб кирдим. Кейин улгуржа-чакана савдосида экспедиторлик қилдим. Ҳозир сотувчиман...

Абдураҳмон то ўз ҳикоясини тугатгунча овозидан афсусланиш, ачиниш оҳанги эшитилиб турди. Ниҳоят, сўзининг охирида:

— Ўзимнинг аҳволимга жуда ачинаман, ўзимдан ўзим уяламан,— деди.

Менимча, Абдураҳмон Раҳматовга ўхшаш ёшлар ўзларига муносиб жойни топиб олишлари. Фақат уларда ўз кучларига ишонч уйғотмоқ, тўғрироғи уларга кўмаклашмоқ зарур.

Мазкур мақола орқали ёш мутахассислардан фойдаланиш масаласида муҳим муаммони кўтариб чиқишга жазм этар эканман, вужудга келган вазият аниқ социологик таҳлил талаб этаётганлигини ва шу асосда тавсияномалар ишлаб чиқилиши зарурлигини ўз-ўзимга таъкидлайман. Ахир, қишлоқ хўжалиги институтини тугатган Тошхўжаевнинг ошхона экспедитори, М. Валиаҳмедовнинг склад мудири, Б. Тунжевнинг 7-ошхона омборчиси, чет тиллар институтини тамомлаган Э. Норқўзиевнинг 2-ошхонада ошпаз, Т. Шомансуровнинг савдо инспектори, Тошкент Давлат университетини битириб чиққан Т. Гусейновнинг, М. Магрупов, А. Камолов ва Н. Зоитовалариинг экспедитор, омборчи, официантка бўлиб ишлаётганликларини қандай тушунмоқ керак!!.

Қиссадан ҳисса, ҳар бир диплом эгаси қаерда халққа кўпроқ манфаат келтирса, ўша ерда ишламоғи даркор. Буни амалга оширишга кўмаклашиш бизнинг ҳам бурчимиз, умумий вазифамиздир.

ЧОВГОН— ПОЛВОНЛАР ЎЙИНИ

Ҳурматли редакция!

Кейинги пайтларда «Човгон», «Човгончи қизлар командаси» ҳақида кўп ёзиляпти. «Човгон» ўзи нима! Унинг ватани қаерда! Шулар ҳақида маълумот берсангиз!

Муқаддам Шаропова,
Андижон

Човгон ўзбек жисмоний тарбия арихида қадимий халқ ўйинларидан исобланади. Қадимда човгон таё-ини «сулжум», коптогини эса «гўй» еб атаганлар. Бу ўйин қоидаси уйидагича бўлган: ўйин бошланиши лдидан кекса полвон ва собиқ човончилардан вақифлар (судьялар) айланади. Вақифлар ўйин майдони-и аниқлаш, безатиш, дарвозаларни кки томонга ўрнатиш каби ишларни ажарадилар. Ўйин давомида эса лар иштирокчиларнинг ўйин қоида-арига риоя қилган-қилмаганликла-ини кузатадилар ҳамда ўйин ғолиб-арини аниқлайдилар. Ғолиблар яхши тлар, қимматбаҳо кийимлар, совға уюмлари билан тақдирланадилар...

Човгон тарихан от устида ўйнала-иган ўйин бўлганлиги туфайли ча-андозлар от спорти билан бир пайт-а, човгон ўйинининг қоидаларини ам ўрганиб, икки спорт турига утахассислашганлар. Ўрта Осиё, озоғистон халқлари ҳам спортнинг у тури мусобақаларига фаол ишти-ок этиб, човгон тараққиётига ўз иссаларини қўшганлар. Ўз-ўзидан ёнки, бу территориядаги халқлар, осан деҳқончилик ва чорвачилик илан шуғулланганлар. От эса хўжа-икда муҳим роль ўйнаган. Улар зотини яхшилаб, тарбиялаб бор-нлар ва турли от ўйинларида ўта оҳирлик кўрсатганлар.

Кўпгина тарихий манбаларда човн ўйини хусусида маълумотлар елтирилган. Бинобарин, Абулқосим ирдавсийнинг IX асрда ёзиб та-омланган классик асари «Шоҳно-а»нинг айрим достонларида човгон ўйини ҳақида қизиқарли эпизодлар, маълумотлар учрайди. «Сиёвуш» достонида Турон шоҳи, кекса паҳлавон Афросиёб, паҳлавон Сиёвуш ва уларнинг аскарлари ўртасида ҳам човгон мусобақалари ўтказилгани баён этилади. Шунингдек, човгон ҳақидаги маълумотлар бундан 1100 йил илгари яшаб ўтган шоир Санойи, Хусрав Деҳлавий (1252—1325 йиллар) ва бошқа кўпгина машҳур шахсларнинг ёзган асарларида ҳам учрайди. Уларда човгонга оид терминлардан тортиб, ўйин қоидалари, ўйиндан намуналар, паҳлавонлар тўғрисида ҳам маълумотлар бор.

Ҳа, човгон ўйини ҳозирги замон футболи билан хоккейи сингари қадимда бутун халқ табақаларини ўзига мафтун этган спорт тури эди.

Маҳмуд Қошғарий «Девони луғотит турк» китобининг биринчи жилдида човгон терминларини тартибга солиб, «У менга човгон эгишда ёрдам берди» деб айтиб ўтади. Абу Абдулла Рудакий эса «Қариликдан шикоят» сарлавҳали шеърида соч жингалагини човгон таёғи — сулжуннинг эгрилигига қиёслайди. Бундан ташқари, кўп асарларда тезликни човгон ўйини шиддатига ўхшатиш ҳоллари учрайди. Бу фактлар човгон қадимда шоир ва олимларнинг ҳам севган миллий ўйинлари эканлигини исботлайди. Ўз замонасининг бир қатор шоирлари човгонни ўз шеърларида махсус тема қилиб олиб, ҳатто мақтаб шеърлар ҳам ёзганлар. Масалан:

Осмон коптогини босганда гард,
Коптокдек сакраб от чопганда
мард.
Тақасидан олов учқун тўкади
Пишқирса думидан бўрон кўпади.
Коптоқ тепасида айланган замон
Енгин тутундан кўтарилар тўзон.

Бу мисралар автори — шоир Ориф Ҳаровий ўз асарида моҳирлик билан ўйнаган човгончини ва эгасининг даъватидан четга чиқмаган отни завқ билан тасвирлайди. XIV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган ватандошимиз Хусрав Деҳлавий эса човгон ўйини предметлари орқали юрак кечинмаларини шеърга солади:

«Дастивой аз қуввати човганизар
Кард пур аз гўй заминра сар ба
сар.

Мазмуни: «Қўлингдаги олтин човгоннинг қудрати шунчаликки, ер юзини гўй билан бошдан-оёқ тўлдириб юборди».

Абулқосим Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома» асарида човгонга кенгроқ тўхталади. Унда эрон паҳлавони Сиёвуш Судобанинг ҳукми билан шоҳ Кайковус даргоҳидан бадарға қилинади. Бир гуруҳ замонасининг тараққийпарвар кишилари бу ҳолдан норози бўлиб, Сиёвушга Афросиёб даргоҳига бориб яшашни маслаҳат берадилар. Сиёвуш паҳлавоннинг келганлигини хон югурдаги хабар қилиши билан Афросиёб олтин тахтидан тушадию пиёда йўлга чиқади. Уни кўриб Сиёвуш паҳлавон ҳам отидан тушиб, одат бўйича қучоқлашиб кўришадилар. Меҳмон шарафига музикачилар рубоб, уд, най, карнай, сурнай чаладилар, санъаткорлар ашула айтадилар, рақс тушадилар, Зиёфатнинг охирги кунида човгон ўйини намойиш этилади. Ўйиннинг бошланиш пайти «Шоҳнома»да қуйидагича тасвирланади:

Довуллар овози янграр майдонда
Отларнинг туёқ чанги осмонда.
Ноғора, карнайлар тарқатар садо
Майдон ҳам ларзага келгандек
гўё.

Коптоқ ёрилгандан сўнг шоҳ Афросиёб буйруғи билан Сиёвушга янги гўй берилиб, оти алмаштирилади. Сиёвуш коптокни қўлга ушлаганча човгон майдонининг ўртасига бориб, уни ерга улоқтиради ва яна осмонга қаратиб ўз дарвозаси томон уриб юборади. Шу тариқа бутун ўйин давомида коптокни ерга туширинш олдидан қайта уриш йўли билан ўз дарвозасига киритади.

Бошқа отга миниб, чопиб қоқ
чўлдан,
Шаҳзода коптокни ташлайди
қўлдан.
Сўнгра сулжун билан урган
зарбидан
Тўп чиқиб учрашар оймома билан.
Коптоқ яна тамом кўринмай қолди,
Гўё осмон тортиб ўзига олди.

Шундай қилиб, кекса паҳлавон Афросиёб билан Сиёвушлар човгон майдонида куч синашиб, жисмоний талантларини намойиш қиладилар, сўнгра ҳар икки паҳлавон командалари ўртасида ўйин бошлашга рухсат этилади.

Човгон ўйинининг амалий ижро этилиши ҳақидаги кейинги материаллардан бири Алишер Навоий «Қуллиёти»нинг Табриз нусхасидан олинган миниатюралардир. Беҳзод чизган расмларда ҳам човгон ўйинининг амалий ижро этилиши маълум даражада ўз ифодасини топган. Бу расмларда човгон майдони кўкаламзор ўтлоқ тарзида тасвирланиб, икки томонига дарвоза ўрнатилган. Дарвозалар минорасимон ишланиб, чиройли нақшлар билан безатилган. Ўйинчилар бир-биридан фарқ қилиш учун бир томон суворийлари оқ от минганлар. Улар оқ отли, оқ тўнли, оқ жиғали, оқ чўққисимон қалпоқ кийганлар. Иккинчи томон ўйинчилари пешонаси қашқа, оёқлари оқ-ола отлар минганлар. Улар жиғаси қора, чўққисимон қалпоқ кийганлар. Ҳар иккала томон ўйинчилари кийган тўнлари устидан белбоғ боғлаганлар. Ўйин майдонида ҳаммаси бўлиб 8 ўйинчи қатнашиб, икки дарвозабон икки томонда турганлиги ҳам кўзга ташланади.

«Қобуснома»да ҳам човгон ўйини ҳақида ажойиб фикрлар битилган: «Йилда бир бор човгон ўйнасанг раводир, — дейилади унда. — Аммо кўп отлиқлар билан чиқмагин. (Чунки бахтсизлик келтиради.) Саккиз отлиқдан кўп бўлмасин. Сен майдоннинг бир бошида тургин. Яна бир киши майдоннинг охирида турсин. Ҳар вақт тўп сенинг атрофингга келса, тўпни ургин ва майдон охирига сургин. Аммо оломон ичига отмагин. Човгон ўйинининг йўли шудир. Шу билан бирга маррага етказишга сусткашлик қилмагин».

Шундай қилиб, жисмоний тарбиянинг барча турлари каби човгон қадимда кишиларнинг соғлом, бақувват бўлишини таъминлаган. Човгон ўйинида чиниққан бундай бақувват, қудратли кишилар ўлкани чет эл босқинчиларидан ҳимоя қилишда, от устида шамшир ишлатиш, кези келганда хатосиз камон, найза отиш, қалқон ишлатиш каби мудофаа ишларида моҳирлик кўрсатганлар.

Човгон ўйинининг ҳозирги пайтда мамлакатимизда кенг оммалашган турларидан бири чим хоккейидир. Республикамизда ўнлаб аёллар ва эркаклар чим хоккейи командалари тузилган. Андижондаги «Звезда», «Старт», Самарқанддаги «Спартак», Фарғонадаги «Химик» эркаклар командалари, шунингдек, Андижоннинг икки марта мамлакат чемпиони «Андижанка», Тошкент область, «Политотдел» колхозининг «Политотдел» аёллар командалари олий лига ўйинларида иштирок этиб келмоқдалар.

Чим хоккейи инсонни чиниқтиришда спортнинг барча турларидан қолишмайди. Мамлакатимиз об-ҳаво шароитида чим хоккейи билан йил бўйи шуғулланиш мумкин. Чим хоккейини севган, у билан мунтазам шуғулланадиган кишилар ҳамиша жисмонан бақувват бўлиб юрадилар.

Шариф РАҲИМОВ

СПОРТ

НАБОТОТИЙ КАБОБЛАР

«Кабоб» деганда одатда сихда овурилган гўшт тушунилади. Лекин лида кабоблар ҳар хил бўлади. ълумки, қадимий аждодларимиз ғим-терим ва ов чоғида қўлга ритган егулик нарсаларни пишира-ган асбоблари бўлмаганлиги са-бли, улар масалликни чўпга илиб, устида қовурганлар ёки қўрга миб пиширганлар. Бундай таом-р фақат гўштдангина иборат бўл-сдан ўсимлик масалликларидан м тайёрланган. Чунончи, сабзи, лғом, лавлагини қўрга кўмиб пи-риш ҳамда маккажўхори сўтаси-сихга илиб қовуриш қадимий расм лган. Бу хил таомлар ҳозир ҳам ширилади. Биз набототий кабоб-нг икки хили устида тўхталиб, рнинг қандай тайёрланиши ҳақи-маслаҳат берамиз.

Думбил кабоб

Маккажўхори дони энди «сут — қатиқ» бўлганда олиб, пўстини арчиб ташлагач, совуқ сувда ювилади Ҳар бир сўта 3—4 бўлакка бўлинади. Сўнгра иссиқ намакобда 10 минутча ботириб қўйилади. Кейин битта сихга 4 бўлакдан ўтказилади-да, қўрадаги лахча чўғ устида худди кабоб каби қовурилади. Ҳамма томони баб-баравар қизариб ва сингиб пишсин учун вақти-вақти билан айлантириб турилади. Думбил кабоб пишгач, сихдан олиб ликобчага солинади ва юзига маска ёғи суртиб дастурхонга тортилади.

Масаллиқ: ҳар кишига 1 дона (тўрт бўлак) сўта, 1 чой қошиғида маска ёғ олинади. Намакоб эса талабга кўра тайёрланади.

Таомнинг сифати: қизартириб қовурилган ва юзига маска ёғ суртилган думбил бўлаклари ширинроқ бўлиб, анча лаззатли. Ҳиди ям-яшил жўхори баргининг ҳидини эслатади: хушбўй, иштаҳабахш.

Помидор кабоб

Қип-қизил пишган помидорнинг олмадек келадиган бир хил катталикдагилари танлаб олинади-да, совуқ сувда ювиб юборилгач, ҳар икки донаси бир жуфт сихга ўтказилади. Агар помидор ўртасидан битта сихга ўтказилса, қўрага қўйганда чўғда турган томони пишиб, сели пастга тўпланади ва уни ағдариб хом томонини пишириш мумкин бўлмайди. Шунинг учун битта сихни помидорнинг ўртасидан эмас, ўнг томони четроғидан, иккинчи сихни эса чап томони четроғидан ўтказилади. Шунда ҳар иккита сихга иккитадан помидор илинган бўлиб, сихлар ўртасида 5—7 сантиметр оралиқ қолади. Сихланган помидор қўра устида қовурилади. Аввал бир томони ҳилвираб пишиб пўсти ёрилиб сели оқа бошлаганда иккинчи томонига ағдарилади. Дастурхонга тортиш олдидан ликопчага солиниб сихи суғуриб олинади ва юзига қиров туз билан мурч сепилади.

Масаллиқ: ҳар кишига 2 донадан помидор бир чимдимдан туз ва мурч кифоя қилади. Помидор кабоб асосан иштаҳа йўқолганда нон билан ейиш учун тайёрланади. Бундан ташқари жигар, гўшт ва думба-жигардан пиширилган кабобларга ҳазмтомоқ сифатида қўшиб тортилади.

Таомнинг сифати: ҳил-ҳил пишган, юзига мурч ва туз сепилган сели ликопчага шундоққина оқиб турган помидорнинг пўсти осон арчилади, сели нонга яхши шимилади. Мазаси — пишган помидорга хос лаззатли, хомига нисбатан нордонлиги ўткирроқ. Ҳиди хушбўй, иштаҳа қўзғатувчандир.

Карим МАҲМУДОВ

Чақир-Шиқанак

Кордан ок, кўмирдан қора

Аббос МУҲИДДИН

Дам олиш уйига Вафожон Одиловнинг директор бўлиши Туманбойни чўғ босиб олгандек безовта қилиб қўйди. Азбаройи жаҳли чиққанидан ручкасини столга уриб синдирди, олдидаги қоғозларни ғижимлаб корзинкага отди. Пешанасини тириштириб, ўзича ғудранди:

— Ўша сўтак директор бўлар эканми? Суянчиғи зўрга ўхшайди юмшоқ супургининг!

Туманбой Жуманов аламини ичига ютдию, янги директор ишга тушган куни ҳаммадан бурун унинг хонасига кириб, табриклаб чиқди. Улар ўрта мактабда бирга ўқишган. Вафожон ҳарбий хизматга чақирилган йили Туманбой халқ хўжалиги институтига жойланиб олган эди. Йигитлик бурчини ўтаб келган Вафожон ҳам худди шу институтга кирди. Бу вақтда Туманбой анчагина тўлишган, димоғи кўтарилиб қолган эди. Энг сўнгги модада кийинарди, туфлисидан тортиб кўйлагигача «импортний» эди. Сочлари елкасига тушган. Унча-мунча одамга қуш қараш қилиб қўяқолар, фақат «катта охурдан сув ичганлар» билан отамлашар эди. Шунинг учун институтда Вафожонни кўрганда менсимай, совуққина сўрашиб қўяқолди. Шундан кейин улар дурустроқ гаплашишмади ҳисоб.

Туманбой институтни битиргач, Мирзачўлга йўлланма олди. У чўлда бир йил ҳам ишламай, касаллигини баҳона қилиб, Тошкентга қайтиб келди, ошна-оғайнилари ёрдамида бир дам олиш уйига хўжалик мудири бўлиб олди. Пайти келса лип этиб директор бўлишни мўлжаллаб юрарди. Вафожон эса, мана, унинг дилида милтиллаб турган ана шу орзу учқунини ўчиргандек бўлди.

...Кенг, ҳашамдор кабинет тўрида ўтирган Бафожон Одилов Туманбой кириши билан ўрнидан туриб, илиқ кўришди. Самимий жилмайиб, ўқувчилик даврини эслади, ўртоғининг ҳаёти, оилавий аҳволини сўриштирди, бирга ишлашдан ғоят хурсандлигини изҳор этди. Туманбой бўлса: «Ў-ҳў, бунинг тили жуда бийрон-ку. Чамамда: «Қўл остимда ишлайдиган бўлдинг, энди қалайсан?», деб ўйлаябди шекилли. Э, ҳали шошилма, ошна!», дея дилидан ўтказди.

Шундай қилиб, икки мактабдош топишди, ҳафталар, ойлар ўтган сари аҳилликлари ҳам орта борди. Туманбой Вафожон билан маслаҳатлашиб ишлар, тушликда ҳам бирга бўлишга ҳаракат қилар эди.

Вафожон Одилов келиши билан дам олиш уйида ғалати ўзгаришлар содир бўлди. Меҳнат интизоми мустаҳкамланди, юлғичликлар, торт-тортлар тугатилди, исрофгарчиликка чек қўйилди.

Ишлар шу зайилда, бир маромда кетиб турганда, дам олиш уйига тўсатдан комиссия келиб қолди. Маълум бўлишича, министрликка шикоят тушган эмиш. Унда: «Дам олиш уйи директори Вафожон Одилов туя ютса думини кўрсатмайдиганлардан чиқиб қолди. У давлат мулкини каламушдек кемириб, тулкидек ташиб кетмоқда. Яқинда 120 тахта тунукани Нурмат Илҳомов деган одамга сотиб юборди. Бу балохўрнинг нафси тезда жиловланмаса, дам олиш уйини патарат топдирадиган кўринади», дейилган эди. Шикоят охирида: «Директорнинг қувғинига учрамаслик учун очиқ имзо қўймадик. Кўпчиликмиз. Агар текшириш якуни муҳокамага қўйилса, ўзимиз қўшимча фактларни ҳам ошкор айтамиз», деган сўзлар бор эди.

— Бу қанақаси?— деди Туманбой ўз хонасида хотиржам ўтирган Вафожонга.

— Кавакдаги қурбақанинг вақиллаши, анонимканинг бир тури,— деб қўяқолди Вафожон.

Комиссия дам олиш уйидаги аҳволни роса элак-элак қилиб текширди-да, охири шундай хулоса чиқарди:

«Ҳақиқатан ҳам қурувчилар бригадири Илҳомов 120 тахта тунука олган. Бироқ тунукаларни ўз уйига эмас, пансионатнинг ёрдамчи хўжалиги бўлмиш парранда фермаси томини ёпишга олиб кетган. Шикоят тасдиқланмади, бутунлай уйдирма, туҳматдан иборат бўлиб чиқди».

Туҳмат тошини яширин отган ҳасадгўйни ҳамма лаънатлади. Туманбой ҳам туҳматчидан нафратланиб:

— Ҳа, нонисофлар! Шошмай турларинг!— деб қўйди бир-икки марта.

Текшир-текширнинг шов-шуви босилмай турибоқ, дам олиш уйида портфель кўтарган бир йигит пайдо бўлди. Йигит редакциядан келганини билдирди. Маълум бўлишича, редакцияга ҳам шикоят тушган экан. Шикоятда шундай гаплар бор эди:

«Дам олиш уйининг директори В. Одилов ҳимоячиларига суяниб, талон-тарожни авж олдириб юбормоқда. Директорнинг нафси ўпқонга ўхшайди. У сира тўйганини билмайди. Пансионат атрофини ўрашга келтирилган 60 рулон сим-тўрни директор Нурмат Илҳомовга сотиб юборди. Рангли шиферларни М. Аҳмедов, М. Алиев, Т. Ҳасановларга пуллади».

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

ЧИРМОВУҚ ВА ТЕРАК

Чирмовуқ бир куни деди Теракка:
«Қадди-қоматингиз жаҳонда якка,
Лекин бир нарса сал етишмас, эсиз,
Ахир, бўладими дарахт ҳам гулсиз?
Менга рухсат беринг, гулингиз бўлай,
Қаддингизни безаб, қулингиз бўлай...»
Ширин сўздан эриб: «Хўп» дер Терак ҳам,
Танига ўралди Чирмовуқ маҳкам.
Теракдан жон олиб, чирмашиб ўсар,
Борган сари уни аямай қисар.
Аста-секин қуриб, ҳоли бўлиб танг,
Терак дер ўзича: «Билмабман, аттанг...»
Чирмовуқ, қуригач Терак батамом,
Йўл олди бошқа бир дарахтга томон.
Худди Чирмовуқдек иш тутар, ўйлар,
Хушомадгўйлар.

Яна текшир-текшир бошланди. Туманбой ҳам текширувчилар сафига киритилди. Мухбир Нурмат Илҳомовни чақириб: «Сим-тўрларни нима қилдингиз?» деб сўраган эди, у: «Ферма атрофини ўрадик», деб жавоб берди. Текшириб кўрилганда унинг гапи тўғри чиқди. Рангли шиферлар ҳам жой-жойида турибди. Пансионат ходимлари: «Бу бизга туҳмат, шикоятчи билан юзлаштиринглар», деб туриб олишди. Туманбой мум тишлагандай ғиқ этмас эди. «Шикоятнинг бўҳтонлигини тасдиқлаймиз», деб тузилган актга биринчи бўлиб Туманбой қўл қўйди.

— Мактабдошим Вафожон қўйдай ювош йигит, тўғриликда унга тенг келадиган одам йўқ. Бу туҳматлар ошнамга ортиқча ташвиш бўлди. Шунинг учун директорликнинг баҳридан ўтиб кўя қолса яхши бўларди,— дер эди у ҳамсуҳбатларига.

— Бу ерда сир борга ўхшайди, шуни аниқлашга ёрдам берсангиз, миннатдор бўлардим, — деди шу пайт мухбир Туманбойга юзланиб. Таклиф Туманбойга маъқул тушди. Иккаласи холи жойда учрашадиган бўлишди. Эртасига мухбир яна дам олиш уйида пайдо бўлди. Кечки пайт хизматчилар дам олиш уйи партия ташкилоти хонасига таклиф қилинди. Ҳамма йиғилдию директор ҳа деганда келавермади. Шу пайт хизматчилардан бири: «Мана буни эрмак қилиб турайлик», деб кичкина магнитофоннинг қулоғини буради. Ундан мана шундай гаплар эшитилди:

— Редакцияда йигирма йил ишлаб, кўп шикоятларни текшириб, сира бунақасини учратган эмасман. Қизиқ, шикоятчининг исми-фамилияси бор, ўзи йўқ...

— Йўқ эмас, бор, булар аканг қарағайнинг чап қўли билан битилган. Гапнинг очиғи, дам олиш уйини ғамхонага айлантирган менман. Агар директор яхшиликча туёғини шиқиллатиб қолмаса, ўзидан кўрсин, бундан баттар қиламан, кеткизмасам Туманбой отимни бошқа қўяман!

— Бу... мен... йўқ, чақимчилик бўҳтон!— деб бақириб юборди магнитофонга қулоқ солиб турган Туманбой.

— Тонманг,— деди эшик олдида турган мухбир.— Бу худди сизнинг овозингиз. Кеча сиз билан холи суҳбатлашганда ёзиб олганман.

Шу пайт мухбирнинг ёнида Вафожон кўринди. У жилмайиб турар эди.

— Бу, исмингиз Туманбой десам, виждонингизни ҳам туман босган шекилли, Жуманов?— деди партком.

— Уят, андиша деган одамгарчиликлар виждон халталаридан тушиб қолганга ўхшайди,— деди Илҳомов.

— Э, мен билдим,— деб захарханда қилди мухбир,— Жумановнинг виждонлари киши кўзига қордан оқ кўринса ҳам, аслида кўмирдан қора экан.

Хонадагилар кулиб юборишди. Туманбой эса ердан кўзини узолмай қолди. У гўё жонли ҳайкалга айланиб қолган эди.

— Мен ичкилик ичолмайман, яхши қиз. Бир косагина мошхўрда келтирсангиз...
— Эсингиз жойидами! Бу, ресторан!

Юрий ПОРОЙКОВ

Қанотлар

Бахтли тақдир унга боққанди кулиб,
Учсин деб жуфт қанот бахш этган эди.
У эса шубҳаю ҳадикка тўлиб:
«Қанотим куч олсин, чиниқсин», деди.

Шамоллар, кенгликлар чорларди: «Уч, уч!
Учсанг-чи қуш каби қанотинг ёзиб».
Шайланавермади парвозга у ҳеч,
Қанотлари бордир, шошмоқ на лозим.

Мана, гул тўкмоқда эллигинчи ёз,
«Учасанми, йўқми? Танла бирини».
У ҳамон беқарор: «Шиддатли парвоз —
Эзиб қўймасмикан қанотларини?»

Ниҳоят, ахд қилди. Яқину йироқ
Ғайрат ёғдусида яшнаган бир кез —
Парвозга қанотин ёзди у, бироқ
Қўллар силкинарди бесамар, ожиз.

Ажаб ҳол!— Одамлар кулгига олди,
У гўдакдай йиғлаб чекарди алам,
Қизиқ, қанотлари қачон йўқолди,
Қаерда йўқолди — пайқамабди ҳам...

Музаффар АҲМЕДОВ таржимаси

— Вой назари пастлар-ей, қайтимини тийин-тийинигача олди-я!

Изоҳнинг ҳожати йўқ.

Расмларни **А. ХОЛИҚОВ** чизган



«ПАХТА» ЧАЙНВОРДИ

1. Пахтага оби ҳаёт бахш этувчи. 2. Ғўза тупи аъзоси. 3. Бегона ўтларни йўқотишда қўлланиладиган модда. 4. Дори сепиб ғўзалар баргини тўктириш. 5. Экин тупини сийраклаштириш. 6. Қишлоқ хўжалик ишлари мажмуи. 7. Қишлоқ хўжалиги мутахассиси. 8. Тоза оқ тола. 9. Ингичка толали пахта етиштириладиган асосий областлардан бири. 10. Чигит маҳсулоти. 11. Пахта тупи. 12. Эритмасидан ўсимликларни озиқлантиришда ишлатиладиган кимёвий модда. 13. Чигит қолдиғи, чорва озуқаси. 14. Қишлоқ ҳаёти акс эттирилган дастлабки ўзбек фильмларидан бири. 15. Юксак мукофотга сазовор бўлган биринчи механизаторлардан бири. 16. Машҳур пахтакор-механизатор. 17. Кимёвий ўғит. 18. Пахта нави. 19. Кузги қизғин мавсум. 20. Янги пахта навларини яратган ўзбек олими. 21. Ғўза касаллиги. 22. Енгил саноат тармоғи. 23. Ғўза ҳосилининг очилмасдан аввалги ҳолати. 24. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш. 25. Қишки суғориш. 26. Пахта териш машинаси қисми. 27. Ўсимликнинг замбуруғли касаллиги. 28. Ип-ипак аралаш газлама. 29. Чигит экиш техникаси. 30. Бир неча ишни бажарадиган мураккаб машина. 31. Ўзбекистонда колхоз ишлаб чиқариши ташкилотчиларидан бири, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 32. Бухоро областидаги район. 33. Пахта хом ашёси. 34. Совет Иттифоқидаги энг йирик пахтачилик области. 35. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор.

Тузувчи **Ф. ОРИПОВ**

9-СОНДА БОСИЛГАН ЧАЙНКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Брест. 2. Тошкент. 3. Тундра. 4. Азов. 5. Вологда. 6. Анапа. 7. Артек. 8. Калуга. 9. Андижон. 10. Норин. 11. Нукус. 12. Севан. 13. Норак. 14. Карпат. 15. Тува. 16. Арарат. 17. Туркистон. 18. Нарва. 19. Аракс. 20. Сочи. 21. Ишим. 22. Минск. 23. Кола. 24. Апшерон. 25. Нева. 26. Абакан. 27. Николаев. 28. Вайгач. 29. Чортоқ. 30. Қалмоқ. 31. Қарши. 32. Илек. 33. Кола. 34. Авар. 35. Ростов. 36. Вахш. 37. Шарғун. 38. Новгород. 39. Донецк. 40. Каунас. 41. Сурхоб.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Олтин куз неъматлари (Фарғона Политехника институтининг талабалари Дилором Солиева билан Дилором Орзиева).

Учинчи бет: Уч дугона. Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонидаги чойхона кишиларнинг оромгоҳи бўлиб қолган.

Тўртинчи бет: Механизатор Санобар.

Р. Альбенов, Н. Шарипов ва А. Губенко фотолари

Бош редактор **МИРМУҲСИН**

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МЎЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ (масъул секретарь), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ, Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ.

«Гулистон»— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор —33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь —32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим ва санъат бўлими —33-36-59; адабиёт —33-36-02; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 25.08.82 й. Босишга рухсат этилди 1.10.82 й. Р—020251. Қоғоз 70×108 1/8. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 249140. Буюртма 4080. Нашр А — 107.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ISSN 0134—2207
Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233.